

А. К. Шамшетова., Э.С. Сулетбаева., М.К. Ержанова

Таълим муассасаларида суициднинг психопрофилактик чора-тадбирларини ташкил этиш

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ
ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

К. Убайдуллаев номидаги Республика педагог
ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини
ошириш институти

Нұкус 2015

Таълим муассасаларида суициднинг психопрофилактик чора-тадбирларини ташкил этиш (профилактика, диагностика, коррекция)

Муаллифлари:

Шамшетова Анжим Карамаддиновна - Психология фанлари номзоди, доцент

Сулетбаева Элла Серикбаевна – амалиётчи психолог

Ержанова Матлуба Камилджановна – психолог ўқитувчи

Тақризилар:

Психология фанлари доктори, профессор З.Т Нишанова

Психология фанлари номзоди, доцент Э.Н.Сатторов.

Психология фанлари номзоди, доцент Ш. Сапаров.

К. Убайдуллаев номидаги Республика педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти Илмий кенгашининг 2014 йил 3 октябрьдаги

№5-сонли мажлис баёни билан маъқулланган.

А. К. Шамшетова., Э.С. Сулетбаева., М.К. Ержанова

**Таълим муассасаларида суициднинг
психопрофилактик чора-тадбирларини
ташкил этиш**

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРЛИГИ**

**К. Убайдуллаев номидаги Республика педагог
ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини
ошириш институти**

Нұкус 2015

Мазмуни

Глосарий	7
Кириш	16
Хулқ – атворт ўзгаришининг ёшга боғлиқлиги	20
Ўқувчи шахслардаги суицидиал ҳаракатлар	22
Ўз жонига қасд килиш тўғрисидаги айрим тасаввурлар	24
Психологик инқироз турлари ва уларнинг босқичлари ҳақида	29
Ўз жонига суиқасд қилишнинг белгилари	36
Ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш учун тавсиялар	40
Оила – суицидиал ҳаракатларни бартараф этиш омили сифатида	44
Ўз жонига қасд қилиш таҳликасини жиддий қабул қилинг	50
Суицидал ҳатти – ҳаракатлар белгиларини аниқлашга ёрдам берадиган психодиагностик методикалар	54
Суицидларни бартараф этиш учун қулланадиган психокоррекцион амалий машқлар	56
Рұхий таранглиқдан халос бўлиш учун машқлар	57
Аламзадаликни енгиш машқи	57
“Денгизда саёҳат” психологик машқи	64
“Тўлқинлар” ўйин машқи	65
“Денгизда дам олиш” ауторелаксация машқи	66
“Сехрли гуллар” психологик машқи	66

“Механик ўйинчоқлар” психологияк машқи.....	68
“Мушук ва сичқончалар” психологияк машқи.....	68
“Чапакни эшит” психологияк машқи	69
“Турли хил ҳолатлар” психологияк машқи.....	69
“Ландовурлар” психологияк машқи.....	69
“Жосуслар” психологияк машқи	70
“Хаёл суриш” психологияк машқи.....	70
«Штангист» психологияк машқи	70
“Нонни босган қиз” пантомимика машқи	71
“Ха ва йүқ” машқи	71
Хулосалар	73
Илова 1. «Тугалланмаган гаплар» методикаси	75
Илова 2. Г. Айзенк сўровномаси	78
Илова 3. Шмишек сўровномаси «Характер акцентуацияси»	81
Илова 4. А.Басс ва И.Даркнинг агрессия шакллари ва унинг кўрсаткичларини диагностика қилиш методикаси.....	93
Илова 5. “Хавф-хатарга мойиллик тести”	100
Илова 6. Ота-оналарнинг ўсмир ёшли фарзандини тушуниш тести.	103
Фойдаланган адабиётлар.....	109

Суицидал ҳатти ҳаракатларда психологик диагностикани амалга оширувчи, ҳар бир боланинг индивидуал хусусиятларини аниқлаш ва унга хос шахсий коррекция ва реабилитация режаларини тайёрлашдан иборат. Бу чора тадбирлар нафақат суицидал ҳолатлардаги муаммоларни ечишда, балки педагогиканинг даволовчи ва соғломлаштирувчи тарафларини мукаммал кучайтириш учун ёрдам беради.

Ушбу қўлланма таълим муассасалари психологарининг тарбиявий ишларини кучайтириш, психологик тарғибот-ташвиқот, психопрофилактик ишларини, психокоррекцион ишларини тўғри ташкил этиш (яхшилаш), ижтимоий психологик муҳитнинг мазмун – моҳиятини самарали бошқариш ва мавжуд салбий оқибатларнинг олдини олишда масъулиятни ошириш, таълим жараёнидаги ўқувчиларнинг психикасида акс этувчи салбий психологик установкаларни бартараф этишга психологик амалий ёрдам беради.

Ушбу қўлланма амалиётчи психологлар, ота-аналар ва педагоглар учун мўлжалланган.

Глосарий

АМАЛИЁТЧИ ПСИХОЛОГ – психологик амалий масалаларни ечиш билан шуғулланувчи (илмий тадқиқотчи ёки психологияни дарс сиғатида олиб борувчи эмас), олий психологик билимга эга мутахас-сис. Амалиётчи психологнинг асосий иши тест ўтказиш, психологик масалаҳат бери шва психокоррекция ўтказиш, инсонларга ҳар хил шаклдаги касбий ёрдам бериш.

АГРЕССИВЛИК – етарли сабабсиз ёки вазиятга мос бўлмаган даражада атрофдаги кишиларга нисбатан қаҳр-ғазаб, душманлик муносабатида бўлиш, шахснинг бошқа кишига жисмоний ёки психологик зарар келтиришга турғун интилишидир.

АНГЛАШ – психик мазмунни онгсизликдан актив белги шаклига кўчиришдан ибоарт психик жараёни бўлиб, бу мазмунни бошқа кишиларга етказиб бериш имконини беради. Англамоқ ўзига хабар бермоқ, ўз тажрибаси ҳисиёти, эҳтиёжи, қизиқиши ва б. тўғрисида ўзига тушунтириш демакдир. Англаш демак нимадир тўғрисида ўз-ўзига ҳисоб беришдир. Субъектив ҳолда у ёки бу вазият, кечинма ва бошқаларни аниқ-равшан ва назорат қилинадиган инъикосидир.

АКЦЕНТУАЦИЯ – бошқа хислатлар ва сифатлар орасида қандайда бир психологик сифат ва ҳодисаларнинг аниқ ажralиб туриши.

АҚЛ ЁШИ – инсоннинг ақлий ривожланиши даражасига мос келадиган жисмоний ёш.

АДАШИШ – вазиятнинг тўғрилигига мос келмайдиган нотўғри фикр, хато, низоли нуқтай – назар.

АПАТИЯ – эмоционал қизиқишиларсиз психологик ҳолат, бепарволик, инсоннинг ўзига атрофдагиларга қизиқшининг бўлмаслиги.

АСТЕНИК ЭМОЦИЯЛАР – организмнинг тонусини ёки ҳолатини, унинг жадал ва ишга яроқлилигини пасайтирадиган сезги ҳолатлари,

масалан, қайғу ташвишлар, пушаймонлик, умидсизлик, хафагарчиликлар ва ҳ.б.

АУТОГЕН МАШҚ (аутотренинг) – умумий хулқ-атвор ва ўз организмининг аҳволини ўзиниг мустақил бошқариш қобилиятини ўргатиш учун қаратилган жисмоний ва руҳий машқларнинг мажмуи.

АУТОДЕСТРУКТИВ АХЛОҚ – ўз организми ва шахсини барбод қилиш, ўзига зарар етказиш билан боғлиқ ахлоқ.

АФФЕКТ – (латинча affectus – руҳий ҳаяжонланиш, қизиқиш) қисқа муддатда ва шиддат билан содир бўладиган ҳиссий, ҳаяжонли жараён: хулқ-атвор, ҳатти-ҳаракат устидан назоратнинг сусайиши туфайли рўй берадиган кучли ҳис-туйғу (ғазабланиш, қўрқиш, нафратланиш, шодланиш). Мутахассислар нормал ва патологик аффектлар борлигини, шунингдек, аффектив реакцияларга озроқ ёки кўпроқ мойил бўладиган шахслар ҳам бўлишини таъкидлашади. Ўзида аффектив реакцияга нисбатан ҳисларга эрк бермаслик инсондаги нормал психик ҳолат ҳисобланади. Аффектлар таъсирига берилувчи кишилар одатда оломон орасида саросималик уйғотишга мойил бўладилар.

АХЛОҚ – шахснинг ички фаоллик ва кўпинча ташқи ҳаракат ва қилиқлар шаклига эга бўлган индивидуал хусусиятлари воситасида муҳит билан ўзаро ҳаракати жараёни. Инсоний ахлоқ тузилмасига қўйидагилар киради: мотивация ва мақсад қўйиш, ҳиссий жараёнлар, ўз-ўзини бошқариш, ахборотга когнитив ишлов бериш, нутқ, вегето-соматик қўриниш, ҳаракат ва фаолият. Ахлоқнинг асосий шакллари: вербал ва новербал, англанган ва англанмаган, ихтиёрий ва беихтиёр.

ПСИХОЛОГИК ТУСИҚ – ўзининг ҳисларини ошиқ курсатишга, ўй – фикрларини айтишга, ўз қобилатларини фойдаланиш, ҳаёти муаммоларини ешишга, панд беридагин субъектив психологик характердаги ички тусиқ (ўзига ишоничлик истамаслик, ваҳима).

ПСИХОЛОГИК ЁШ – инсоннинг ўзининг психологик ривожланиш дарражасига мос келадиган физиологик ёши.

ДЕВИАНТ ХУЛҚ – АТВОР – маъёрга мос келмайдиган хулқ – атворни қаранг.

ДЕПРЕССИЯ – психологик ва хулқ – атвордаги ҳаракатчанликнинг пасайиши билан ўтадиган маънавий тушкунлик, эмоционал кўнгилсизлик ҳолати.

ДУНЁҚАРАШ – тартибга солинган, ақлий онгли тизимга айлантирилган билим, таасвурлар ва ғоялар мажмуи бўлиб, у шахсни маълум бир қолипда, ўз шахсий қиёфасига эга тарзда муносиб ўрин эгаллашга чорлайди.

ДИСКОМФОРТ – акс эмоцияларда ва вазиятлар ҳолатини қулайлироқ, комфорт ҳолатга ўргартириш ниятини пайдо этувчи инсоннинг ёқимсиз, ноқулай ҳолати.

ДИСТРЕСС – ёқимсиз эмоционал бошдан кечиришлар ва оғир ҳолатлар билан ўтадиган инсоннинг алоҳида билан ўтадиган инсоннинг алҳида психологияк аҳволи.

ИНСАЙТ – фараз, инсоннинг тўсатдан ва кутилмагандага қандайда бир муаммонинг ечимини тушунарсиз топилиши.

ИНТУИЦИЯ (ҳис, ҳис – туйғу) – одамнинг узоқ вақт тайёрликсиз, кенг, пухта ва мантиқий таққослаб текширигандаги масаланинг тўғри ечимини топишда ҳам осон бўлмаган ҳаётий вазиятларда тўғри йўналишда кўринадиган умумий ақлий қобилият.

ИРОДАСИ СУСТ – инсоннинг зарур пайтда ўзининг хулқи ва ирода сифаткарини кўрсатишга уқувсизлиги.

ИШОНЧ – факторларга ва мантиқий далилларга асосланган бирон нимага бўлган ишонч.

ИҲТИЁРИЙ – эркин, маълум бир аниқ сабаблар билан келиб чиқмаган (ҳаракатлар).

КАМСИТИШ – бирорни менсималик, уни ҳисобга олмаслик, хўрлаш.

КАЙФИЯТ – инсоннинг психик ҳаётида намоён бўладиган, ўртамиёна ёки заиф самарадорликнинг нисбатан давомий, барқарор, эмоционал ҳолати бўлиб, у ёки бу ҳиссиётнинг устунлиги билан характерланади.

КОНФОРМИЗМ (лат. conformis – ўҳашаш, мос келадиган) – инсон томонидан ўзининг ҳақлигига ичидан шубҳаланмайдиган фикридан носамимий равишда қайтиш туфайли бошқаларнинг фикрларини (эҳтимол, нотўғри бўлса ҳам) танқидсиз қабул қилиш.

ҚИМИРЛАМАСЛИК – қандайдир психологик сабаблар билан масалан, ўзига ишонмаслик, ўта хавотирланиш, омадсизлик, қўрқишдан пайдо бўлган реакцияларнинг секин ўтиши, қийинлашуви.

ЁШ ИНҚИРОЗИ – инсоннинг ҳаёт тарзининг психологиясининг ва хислатларининг аҳамиятли ўзгаришлари билан боғлиқ, бир психолого-гик ёшдан иккинчи ёшга ўтганда пайдо бўладиган психологик кризис.

ПСИХОЛОГИК КРИЗИС (инқироз) – патологик характерга эга бўлмаган ва инсоннинг пайдо бўлган ҳолатдан, ҳаёт тарзидан, ҳаттоқи ўзидан қаноатланмай, ғамгинлигига кўринадиган маънавий тушкун ҳолати.

МЕЛАНХОЛИЯ – депрессия, қайғу, кўнгилсизлик, мунгли кайфият, меланхолика хос психологик ҳолат

МОСЛАШУВ – атроф-муқит талабларига мослашиш жараёни.

МОСЛАШМАГАНЛИК – шахсий ақамиятли бўлганидай мухит талабларини қабўл қилиш ва бажаришга, шунингдек, аниқ ижтимоий шароитларда ўз индивидуаллигини амалга ошира олишга суст қобилият ҳолати (истамаслик, уddeламаслик).

НЕВРОЗЛАР – одамга турмушнинг ёқимсиз шароитларининг узоқ вақт давом этиши натижасида келиб чиқсан функционал психик бузилишининг гурухи. Неврозда одам одатда ўзининг касаллигига танқидий кўз қарашини ҳам хотирасини, шунингдек ўзининг хулқ- авторини онгли бошқариши қобилиятини сақлаб қолади.

НЕГАТИВИЗМ – эпатажли одат, одамга айтилган ёки масалаҳат этилган нарсани очиқдан очиқ бекорлаш, ҳар қандай шунинг ичинда ақлли маслаҳатларга шиддатли қаршилик кўрсатиш.

НОАДЕКВАТ АФФЕКТ – инсондаги мухим ҳаётий мақсадларга эришига панд берадиган, ўзининг камчиликларини англаши билан боғлиқ кушли акс эмоционал кечирмаларининг доимий мажмуаси.

ЗЕҲНЛИ, ЗИЙРАК – инсонда болалиқдан кўплаган қобилияtnинг ривожланишга сабабчи бўладиган зийракликнинг мавжуд бўлиши.

ЖИННИЛИК – инсоннинг бархулла белгили бир ғояларнинг ва ҳисларнинг таъсири остида бўлиши, бир мақсадларга эришишга қизиқиши, такрорланган ноҳушликларга қарамасдан, шу мақсадларга эришиш учун уринишларнинг бир неча марта такрорланиши, одам учун белгили мақсадларнинг ўзгача аҳамияти.

ПАРИШОНХОТИР – инсоннинг ўз диққатини жамлашга ёки узоқ вақт давомида бир обьект, образ ёки ҳисда ушлаб туришга бўлган укувсизлик.

ПЕДАНТИЗМ – қандайдир бир мөъёрлар ва қоидаларни сақлашдаги қатъиятлилик, майда икир-чикирлар, кераксиз расмиятчилик, ишнинг талабаларига ва тўғри бажарилишга зарар етказадиган, тарафни оладиганлар.

ПЕССИМИЗМ – умидсизлик кўнгилсизлик, ҳаётда яхшилик ва ақл била ниш тутиш мумкинлигига ишонмаслик туйғулари сингдирилган ўзгача дунё, шахсий назар.

ПСИХАСТЕНИЯ – хотирадан ўчмайдиган ғоялар ва ваҳималар, тор-тинчоқлик, гумонланиш, тез таъсирланиш қўрқоқлик билан ифодала-надиган инсон руҳиятининг касаллик ҳолати.

ПСИХОАНАЛИЗ – З.Фрейд яратган илм, инсоннинг ихтиёrsиз ва тушунмасдан интилишларнинг, хатоларнинг ўйламасдан айтилган сўзларнинг ва унутишларнинг ҳар хил воқеаларнинг маъносини ту-шунтириш бўйича ғоялар ва усувлар тизими.

ПСИХОДИАГНОСТИКА – (грекча psyche – руҳ ва diagnostikos) – би-лишга қодир) – психологик фан соҳаси бўлиб, шахснинг индивидуал – психик хусусиятларини ўлчаш ва аниқлаш усувларини ишлаб чиқади.

ПСИХО АНАЛИЗ – руҳий хасталикни даволаш усули ва психологик таълимот.

ПСИХОЛОГИК ҲИМОЯ – шахснинг мақсадлилиги ва мустақамлигига хавф солувчи ҳар қандай ўзгаришларни бартараф қилиш ёки камай-тиришнинг онгсиз механизmlари.

ПСИХОЗЛАР – ўтишиб кетган, оғир психик касалликлар характеристикага эга эмас одам психикасининг ўз кўринишларининг ҳар хил бузилишлари.

ПСИХОЛОГИК ҲИМОЯ – инсонни ёмон отлиқ қилиб, тухмат қилганда, унинг нормал кайфиятни сақлашга, моддий ўйлардан, ҳатти – ҳаракат-лардан ва ноҳуш ҳислардан сақлашга қаратилган маҳсус ҳаракатлар ва усувлар (шунигдек, ҳимоя, ҳимояланиш механизmlарига қаран).

ПСИХОЛОГИК БИЛИМ – психологлар олий ўқув юртида оладиган маҳсус касбий тайёрлик Россияда бундай тайёрлик бир қатар университетларда ва олий ўқув юртларида маҳсус психология факуль-тетларида ёки бошқа маҳсус бўлимларида иккинчи мутахассислик сифатида берилади.

ПУБЕРТАТ – организмнинг жинсий ривожланиши билан боғлиқ, инсон ҳаётида пубертат даври бу – жинсий ривожланиш даври.

ОР – НОМУС – инсоннинг шахсий номуси, унинг поклиги, инсофлиги, диёнатлилиги, обрўсининг тозалиги.

ОЧИҚДАН – ОЧИҚ НОРАЗИЛИК (билдириш) – бир нарсага натижали қаршилик кўрсатиш, бир нарса ишлашга очиқдан – очиқ айтилган қаршилик, у шунга мос ҳаракатлар ёки қилиқларни бажаришга тайёрлигини кўрсатиши билан белгиланади.

РЕЛАКСАЦИЯ – инсоннинг психик ёки жисмоний тарафдан бўшаши, ортиқча кескинликни йўқ этиш.

РЕФЛЕКСИЯ – айнан ўзига ўхшаш одамлар образи орқали ўзи тўғрисидаги образни шакллантириш, жонлантириш.

РИГИДЛИК – фикрлашда, ҳисларда ва ҳаракатларда мослашувнинг, эпчилликнинг, чаққонликнинг етишмовчилиги.

ЎЖАРЛИК – атрофдаги одамлар берган фойдали маслаҳатларга инсоннинг ақлсиз, мослашмай, асоссиз қаршилик кўрсатишлида ифодаланадиган хулқ – атворнинг ижтимоий ноадекват тўри.

ЎЗ-ЎЗИНИ ФАОЛЛАШТИРИШ – инсоннинг шахсий ўз-ўзини ривожлантириши, ўзининг қобилиятларини тўлиқ шакллантиришга интилиши.

СЕРЖАҲЛЛИК – одамда қўзгалувчанликни пайдо қиласидиган жаҳл чиқарадиган ҳар қандай сабаб.

СИТИБ ЧИҚАРИШ – психоанализда қараладиган якка инсоннинг психологик ҳимояланиш механизmlарининг бири.

СИМПАТИЯ – ўзаро ёқтириб қолиш, бу севгининг илк босқичи ҳисобланади. Бунда асосан севги объектнинг ташқи жозибаси рол ўйнайди.

СТРЕСС – кайфиятнинг бузилиши фаросат билан ўйлашга ва ақли хулоса қилишга уқувсизлиги билан боғлиқ эмоциональ жиҳатдан зўриқиши ва чарчаш ҳолати.

СУИЦИД – атайин ўзини ҳаётдан маҳрум қилиш.

СУИЦИДАЛ АХЛОҚ – ўзини қаётдан маҳрум қилиш ҳақидаги тасаввурларга йўналтирилган англанган ҳаракат.

МАЊНОЛИ ТҮСИҚ – инсонлар орасида пайдо бўладиган ва уларнинг бир-бiri билан муносабатида бир хил сўзларни фойдаланганда уларга ҳар хил маъно бергани билан боғлиқ тушунмовчилик.

ТАБУ – (манн этилган) – жамиятда, инсонлар гуруҳларида маълум бир ҳаракат, нарсага, сўзга (фикрга) маън этилган қатый чора.

ТАЖОВУЗ – кимнидир ўзига бўйсундириш ёхуд улардан устунлик қилиш мақсадида реал ахлоқ ёки фантазиялашда намоён қилинадиган тенденция (интилиш).

ТАЖОВУЗКОР АХЛОҚ – бундай мурожаатни истамайдиган бошқа тирик мавжудотга зарар етказиш ёки босим ўтказишга йўналтирилган ахлоқ.

ТАШАББУСКОРЛИК – характернинг қимматли хислати бўлиб, бу хислат кўпчилик кишиларда оммавий тус олгандир.

ТУР – уларни бошқа одамлардан ажратиб турадиган, алоҳида ўзига хос психологик хусусиятларга эга бўлган одамларнинг гурухи, тури, тоифалари.

ТИПОЛОГИЯ – воқеа ва ҳодисаларнинг обьектларнинг умумий ва ўзгача ўзига хос сифатларини ажратиш ва турларга бўлиш, уларни ўрганиш ва илмий туркумларга ажратиш усули.

ТЕМПЕРАМЕНТ (лот. temperamentum – қисмларнинг тегишли мувофиқлиги, мутаносиблиги) – инсон ҳулқ-атвори ва психик жараёнларининг динамик характеристикаси бўлиб, уларнинг тезлиги, ўзгарувчанлиги, самарадорлиги, ишchanлиги ва бошқаларда намоён бўлади.

ТОБЕ (аддиктив) ахлоқ – психик қолатни ўзgartириш мақсадида қндайдир модда ёки ўзига хос ФАОЛЛИКНИ истеъмол қилишга психо-логик ёки жисмоний тобелик билан боғлиқ ахлоқ.

ТОБЕЛИК – лаззат олиш ёки мослашиш мақсадида кимгадир ёки нимагадир суюнишга умид қилган интилиш.

ТОЛЕРАНТЛИК – нимагадир чидаш бериш, бардош бериш, таъсирга берилмаслик.

ЧАРЧОҚ – тонуснинг, салоҳиятнинг, бўлаётган воқеа ҳодисани тез қабул қилиши ва унга жавоб қайтаришнинг сусайиши билан билинадиган организмнинг психофизикалик ҳолати.

ФРУСТРАЦИЯ – эҳтиёжни қондириш имконсизлиги ёки мақсадга эришиш йўлидаги тўсиқлар билан боғлиқ психик ҳолат.

ХАРАКТЕР (грекча *charakter* – босиш, зарб қилиш) – инсоннинг фаолияти ва муносабати туфайли шаклланадиган ва намоён бўладиган барқарор индивидуал хусусиятлари йигиндиси бўлиб, унга хос бўлган хулқ-автор ва ҳаётий ҳолатларга жавоб бериш усусларини белгилайди. Характерда инсон учун хос бўлган, стандарт вазиятларда қўлланиладиган, ҳаётий вазифаларни қўйиш ва ечиш усуслари ўз ифодасини топади.

ҲАМДАРДЛИК – инсоннинг унинг билан бирга бошқа одамлар бошидан кечирган ҳис – туйғуларини ўзининг бошидан кечириши.

ҲАЯЖОНЛАНИШ – (лот. *emoveo* – ҳайратга солмоқ, ҳаяжонга соламоқ) – психик ҳодисаларнинг алоҳида тоифаси бўлиб, субъект томонидан бу ҳодисалар, предметлар ва вазиятлар инсоннинг ўз эҳтиёжларини қондириш учун бевосита қизиқон кечинмалари кўринишида намоён бўлади.

ҲИС-ТУЙҒУ – инсоннинг нисбатан барқарорлиги, умумийлиги, унинг шахс сифатидаги тараққиёти давомида шаклланган эҳтиёжлари ва (хусусан) қадриятларига мослиги билан фарқ қиласидиган юксак ўзаро маданий боғланган ҳиссиётларидир.

ХУЛҚНИНГ ОГИШИ (девиант хулқ – автор) – инсоннинг қабул қилинган хукукий ёки моддий меъёрларини бузадиган хулқ – автори.

ХУЛҚ АТВОР АКЦЕНТУАЦИЯСИ – инсон хулқ-авторининг маълум бир белгиларининг ўзгачшилиги, жуда кучли ривожланиши.

ЦИКЛОТИМИЯ – маниакал-депрессия, психозда аниқ кўринадиган кайфиятнинг цикл (давр) бўйича ўзгаришларига ўхшаш психик касаликнинг енгил формаси, дастлабки фазаси (бошланиши).

ШАХСИЙ СИФАТЛАРИ – инсоннинг шахсий сифатларида етарли даражадаги доимий хислати. Шахсий хислатлар ҳаёт давомида шаклланади ва инсон руҳиятининг ва хулқ – авторининг шахсий хусусиятларини аниқлайди.

ШУҲРАТПАРАСТ, ИЗЗАТЛАБ – инсоннинг ор-номусига тегадиган нарсага таъсирчанлиги, инсоннинг ҳурмат, иззат, тан олинишига интилиши.

ШАФҚАТСИЗЛИК – инсоннинг бошқаларга ва ҳайвонларга салбий муносабатдан келиб чиқадиган хулқининг ва хулқ – атвортининг фарқланиши. Хулқи бўйича фақатгина шафқатсизлик кўрсатишдан эмас, балки бошқа тирик жонларга зарар етказгандан, уларнинг қийналганлигини кўриб раҳатланадиган инсонни шафқатсиз дейди.

ШИЗОИД – психологиясида ва характерида шизофреника хос хусусиятлар бор, бироқ касаллик унчалик билинмайдиган инсон.

ШИЗОФРЕНИЯ – галлюцинациялар, олий асаб тизимининг таъсирланиши, ақлий хизмат (фаолият)нинг бузилиши, инсондаги зарарли одатлар, шунингдек инсонларга атрофдагиларга, ҳаётга қизиқишининг йўқолиши, руҳий эътиборсизлик, инсонларга ва ҳайвонларга шафқатсизлик ва хўрлашга бўлган ишиёқ билан фарқланадиган руҳий касаллик. Шизофрения ҳолатида алоҳида ижтимоий мослашувнинг, ақлий ва жисмоний ишга яроқлиликнинг йўқолишини кузатиш мумкин.

ЭГО – инсоннинг «мен»и унинг ички руҳий дунёси, ақл идроки. Бу атама психоанализда ҳамда умумий психологиянинг тармоқларида кенг қўлланилади.

ЭГОЦЕНТРИЗМ – инсоннинг олам ва дунёни билиш (сезиш) марказига ўз «Мен»ин қўядиган қарашлар тизими. Бу ҳаёт тарзига, инсоннинг ҳатти – ҳаракатларига айланган бошқа одамларга зарар етказган ҳолда фақат ўз ҳаёли ва қизиқишлирига йўналганда кўринадиган эгоизм ва индивидуализмнинг охирги шакли.

ЭКСРАВЕРСИЯ – инсон онгинининг, диққатининг атрофдагиларга кўпинча бошқа инсонлар билан бўлаётган нарсаларга қаратилиши. Экстрроверсияларга интерверсияга зид хулқ-атвортининг доимий хислати.

МЕН - психологияда инсоннинг ўз-ўзини қандай қабул қилиши ва кўришини ифодалайдиган атама.

Кириш

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг ёшлар тарбиясига жуда катта эътибор бериб, уларни ҳар томонлама етук ва баркамол шахс бўлиб етишига катта имкониятлар эшигини очиб берди. Айниқса, ёшлар тарбиясида миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги ва муштарақлиги аллоҳида ўрин тутади. Бугунги кунда педагог-психологларнинг ахборотлар оқими узлуксиз коммуникация тармоқларидан узатилаётган бир даврда хавфсизликни таъминлаш, хатарлар, салбий оқибатларнинг олдини олишни масъулиятли вазифамиз. Шу боисдан ўқувчи ёшларимиз фаол меҳнат қилиши учун аввало руҳий саломатликни сақлаш ва мустаҳкамлаш, яъни нерв-психик қасалликларини олдини олишнинг мазмун-моҳиятини тушуниб бормоғи даркор.

Ёшларимиз эркин фикрлайдиган, ҳар қандай салбий таъсирчан ғоялардан, онг, тафаккур қарамлигидан озод, оиласда, атроф-муҳитда бўлаётган воқеа-ҳодисаларни ҳаққоний баҳолайдиган ва уларга эркин муносабатларини билдира оладиган, ўзининг илғор фикрлари, наъмунаси билан оила аъзолари, синфдошлари, дўстларига таъсир қила оладиган, интеллектуал кучга эга, тиришқоқ, билимли, жасур ва одобли бўлмоғи назарда тутилади.

Ҳақиқаттан ҳам ёшларга педагогика ва психологиянинг замонавий усулларини кўллаб мукаммал билимлар беришга, узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида шахсни тарбиялаш халқаро талаблар даражасида йўлга қўйиш муҳим вазифа сифатида ўрин эгаллайди. Белгиланган вазифаларни амалга оширишнинг ўзига хос муаммоли ва мураккаб томонлари мавжуд. Ҳозирда ижтимоий-иқтисодий, маданий, ва айниқса, сиёсий соҳаларда кузатилаётган кескин ўзгаришлар ва иқтисодий соҳадаги бекарорлик инсонларнинг дунёқараши, хулқ-атвори, турмуш тарзи ва уларнинг касбий фаолиятига ҳам салбий таъсир этаётганлигини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Ёшлар ўртасида жамоатчиликда ўзига нисбатан кераксиз инсон сифатида қараб ўз жонига қасд қилишлар бўйича айни вақтда етарлича илмий асосларга суюнган

ҳолда илмий тадқиқот ишларни жойларда ўрганишни тақозо этмоқда. Айниқса, ёшлар ўртасида ўз жонига қасд қилиш муаммолари ҳар бир ота-она ва педагог-психологлар учун күтилмаган фожиали ҳодисалар бўлиб қолмоқда. Ёшлар ўртасидаги бундай психологияк кризис кичик мактаб ёшида, ўспирин ва ўсмирлик ёш даврларидаги ўтиш даври билан боғлаб тушунтиришга ҳам ҳаракат қилади. Шундай бўлса ҳам ўсмирларда девиант хулқ кўринишларини пайдо бўлишига олиб келади ва уларни қўйидаги психик ҳолатлар билан изоҳлаш мумкин:

- “Мен” образидаги қарама қарши позицияси ўсмир шахс томонидан ўзига ишонч хиссини йўқотилишида намоён бўлади;
- “Ўзини бошқариш” хиссини ҳали шаклланиб улгурмаганлиги натижасида ҳаёт мазмуни ва мақсадини йўқотиш ҳисси шаклланади;
- Психологияк кризис ҳолатида ички шахсий низолар узоқ давом этиши депрессияни шакллантиради;
- Ўсмир шахсдаги тарбияси қийин бўлиб қолиши оилавий носоғлом мухитнинг таъсири узоқ давом этганлиги билан боғлиқ.

Ўсмирда психологияк инқироз шахсий дунё қараашларнинг ўзгаришларига олиб келади. “Мен” тизимининг бузилишида ўқувчи шахс ўз-ўзини англаши, ўз-ўзига баҳо бериши, чорасизлик, ахлоқий мувозанатсизликлар кузатилади. Бу ўзгаришлар ўзи учун ҳаёт шароити тарзида энди яшаш имконияти йўқлиги, ўзини йўқотиб қўйиш, шаклланиб бораётган девиант хулқ кўринишлари ўсмирнинг ўзига хос компенсаторлик механизmlари сифатида юзага келади. Бу ҳолат ўсмир кечинмаларини характерига боғлиқ бўлиб, конструктив бўлмаган кечинмалар таъсирида шаклланган ўсмирнинг “мен” бир томондан компенсатор- химоя механизми сифатида инқирозли вазиятдан чиқиб кетиш вазифасини ўтаса, иккинчи томондан, ўсмирнинг ижтимоий адаптациясига халақит беради. Бу эса ўқувчи шахси олдида турган вазифаларни ҳал этишига тўсқинлик қилади, ўсмирда ўзини, юзага келган вазиятни яхши томонга ўзгариши мумкин эмаслиги ҳақида турғун фикр пайдо бўлади. Бу ўз навбатида “Ўзини йўқотиш”, “Ўзига нафрат ҳиссида бўлиш” шахсий ички низоларни ҳал этиш йўлларини излаш бошланади, янги “Мен”-ининг шаклланиши учун замин яратса, яъни боши берк йўлга кириб қолгандек ҳис қилиб ўз жонига қасд қилишга йўл қўяди.

Дарҳақиқат, кейинги вақтларда аҳолининг кўп қатламларини ўзини емирувчи ҳатти-ҳаракатлар кучи кўпайиб кетаётганлигининг ҳам гувоҳи бўламиз.

Ушбу йўналиш бўйича умумий статистик маълумотларга эътиборимизни қаратамиз. Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг таъкидлашига, охирги 45 йил ичидаги ўз жонига қасд қилиш 60%га ўсганлиги маълум. Суицид ҳолатларининг тарқалиши бўйича ривожланган мамлакатлар яъни биринчи ўринда Шарқий Европа, Жанубий Корея ва Япония давлатлари етакчилик қиласи.

Бутун Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотларининг сўнгги маълумотларига кўра ўз жонига қасд қилиш юзасидан юқори кўрсаткичлар давлатлараро (аҳолининг 100 минг кишидан 20 дан ортиғига) 13 мамлакат киради, улардан Литва (34,1), Қозоғистон (25,6), Белоруссия (25,3), Россия (21,4) ва Украина (21,2), ўрта кўрсаткичдаги ўз жонига қасд қилишлар (аҳолининг 100 минг кишидан 10 дан 20 киши гача) АҚШда кузатилмоқда, Европанинг 30 та давлатида, Жанубий Американинг 4 та давлатида ва Осиёнинг 3 та давлатида. Улар қаторида Эстония (18,1) ва Молдова (17,4). Суициднинг паст кўрсаткичлари (аҳолининг 100 минг кишидан 10 кишидан ками) 56 мамлакатда белгиланган, асосан Жанубий Америка, Африка ва Осиё. Улардан Қирғизистон (8,8), Туркманистон (8,6), Грузия (4,3), Тоджикистон (2,6), Арманистон (1,9) ва Озарбайжон (0,6). Ўзбекистон бу ҳолатда бошқа мамлакатларга нисбатан “ўз жонига қасд қилиш”нинг паст кўрсаткичини яъни (4,7) ни эгаллади.

Ушбу долзарб масалалар юзасидан 2013 йилнинг тадқиқот якунига кўра Қорақалпоғистон Республикаси ўз жонига қасд қилишнинг юқори кўрсаткичи кузатилди (аҳолининг 100 минг кишидан 25,5 кишисига). Булардан ўсмиirlар ўртасида суицид асосий ўринни эгаллади (10,2%). Суицидиал ҳатти ҳаракатга уринган 45 нафар ўсмирдан 84,4% и қизларни ташкил этади, кейинги вақтда мактаб ёшидаги ўқувчиларда бу “Суицид” кўрсаткичлари пасаймаяпди. 2013 йилдаги юз берган салбий ҳодисалар 12-15 ёшлилар ўртасида 12 нафар ўқувчи шахсада суицидиал ҳолати бўлиб, 1 нафари ўлим билан тугалланди, афсус. Сабаби, боланинг ота-онаси яқин қариндошларина ташлаб чет елда меҳнат қилиб, бола эътиборсиз қолған.

Айнан шу сабаб таълим тизимида ижтимоий-психологик муҳитни, психологияк хавфсизлик тизимини яратиш долзарбдир. Таълим муассасаси асосий профилактик тизимга айланиши шарт, яъни бир пайтнинг ўзида ўқувчи шахсининг муаммоларини ечишга ёрдам бериши лозим. Кучли тайёргарликка эга ўқитувчи, айниқса мактаб психологи, боланинг хулқ бузилишларини олдини олишда асосий ролга эга бўлиши мумкин.

Республикамизда болалар суициди бўйича олиб борилган педагогик тадқиқотлар шуни кўрсатдики, педагоглар, ота-оналар ва бошқа мутахассислар суицидиал хулк–автор шакллари ҳақида етарли маълумотга эга эмас. Ўз вақтидаги психологик ёрдам, ўсмирларни ҳаётнинг ҳар қандай вазиятларига астойдил психологик тайёргарлик бундай ноҳуш ҳолатларнинг олдини олган бўлар эди. Таълим тизимидағи суицид муаммосининг олдини олишнинг ечими кадрлар масаласига боғлиқ, биринчи галда мактаб психологи, ўқитувчи ва тарбиячини тайёргарликлар суицидиал ҳатти – ҳаракатга эга ўқувчининг муаммосининг олдини олиш ва коррекция қилиш моҳирлик билан ечишга ёрдам беради.

Хулқ – атвортар ўзгаришининг ёшга боғлиқлиги

Психология, педагогикага оид адабиётларда ўсмирларнинг 11-12 дан 15-16 ёшдаги бўлган даври жинсий етилиши, фаол жисмоний ўсиш, шахс сифатида шаклланиш даври деб сифатланади. Айни шу даврда инсонларнинг феъли, ижтимоий ўзаро муносабатлари шаклланиб, одамларга атроф воқеаликка бўлган муносабатлари ҳам яқол кўзга ташлана бошлайди. Айтиш жоизки, айнан шу ёшдан бошлаб, ўз-ўзини англаш, болалик ҳис – туйғуларини катталар дунёқарашига ўзгариши, шахсни ички «мени» ва уни англаш даври бошланади.

Ўсмирлик ёши – унинг дунёқараши, эътиқоди, нуқтаи назари, принциплари, ўзлигини англаши, баҳолаши ва ҳоказолар шаклланадиган давр саналади. Кичик мактаб ёшидаги бола катталарнинг кўрсатмалари ёки ўзининг тасодифий, ихтиёrsиз орзу-истаклари билан ҳаракат қилса, ўсмир ўз фаолиятини муайян принцип, эътиқод ва шахсий нуқтаи назари асосида ташкил қила бошлайди.

Ўсмир шахснинг таркиб топишида ахлоқ, ўзига хос онг алоҳида аҳамият касб этади. Бунда ўқувчиларнинг ахлоқий тушунчаларни ўзлаштириши ва уларни турмушга татбиқ этиши муҳим роль йўнайди. Умуминсоний хислатларни шакллантириш жараёнида ўқувчидағи ишонч ҳақида, нуқтаи назарнинг қарама – қаршиликларга дуч келиши кузатилади. Ўсмирлар кўп ҳолларда нафақат жисмоний ривожланишдан, балки бир қанча ижтимоий шахслараро муносабатларда ҳам безовталиқ, ноқулайликларни бошдан кечирадилар. Ижтимоий турмушни кузатиш, ундаги инсон учун зарур кўнилмаларни эгаллаш унга катталар хулқ-авторини таҳлил қилиш имкониятини яратади. Натижада фавқулотда ҳолатларда катта ёшдаги одамларнинг тутган йўли ва услубини баҳолаш каби ҳаётий кўнилмаси таркиб топа бошлайди.

Олимлар томонидан психологик-педагогик ёш даврларини таҳлил қилиш, уларнинг ҳар бир бола, ўсмир ва ўспирин ҳаётини чуқур ўрганишлари муҳим ўрин тутади.

Америкалик психолор А.Гезелл ўсмининг даврланишига алоҳида эътибор қаратиб, ўзига хос хусусиятларни шарҳлаб ўтган эди, улар қуидагича:

10-ёш ўсмирлар мувозанатли ҳаётни тез идрок этувчи, ишонувчан, ота-оналарига итоатли, ташқи қиёфа ҳақида эътиборсиз бўлгандилиги боис бу “олтин ёш” ҳисобланади.

11-ёш организмда қайта қуриш юз беради, болалар ғайри шуурли, негативликни намоён қилади, кайфияти тез ўзгаради, ота-оналарига нисбатан норозилик билдирувчи.

12-ёш тез жазавага тушувчан, дунёга нисбатан ижобий муносабат шаклланади, ўсмирда оиласига нисбатан автономлик ва тенгдошларига таъсири ортади. Уларда ақплилик, ҳазил-мутойибага мойиллик, чидамлилик, ташаббускорлик, ташқи қиёфа ва қарама-қарши жинсдагиларга эътибори орта бошлайди.

13-ёш ўзининг ички дунёсига эътиборлилик, интровертликка хос бўладики, улар ўзини ўзи танқид қилишга ва танқидларга нисбатан таъсирланувчан, ота-оналарга танқидий муносабат билдирувчи, дўст танловчи, тўлқинланиш ва ҳаяжонланиш ортади.

14-ёш ўсмирлардаги интроверсия-экстроверсияга алмашинади, шижоатли, хушмуомала, ўзига ишонч уйғонади, бошқаларга эътибори ортади ва улар ўртасидаги фарқни ажратади.

15-ёш бу ёшдагилар учун мустақиллик ортади, бу эса уларнинг оила ва мактаб билан боғлиқ зўриқишиларга дучор этади. Уларни гурухли ҳаракат қилишга ва гуруҳдагиларга мослашишга интилиш ортади.

16-ёш ўспиринлар ҳисобланиб, уларда мувозанатлашув, ҳаётдан қувониш, ички мустақиллик, эмоционал барқарорлик, муомалага мойиллик, келажакка интилувчанлик ортади.

Юқорида санаб ўтилган ҳолатлар билан ёш даврларни характерли жиҳатларини шарҳлаб ўтдик, чунки ёш хусусиятларининг психологик тавсифи, болаларни хулқ-атворидаги ўзгаришларини баҳолаш имкониятини беради.

Ўқувчи шахслардаги суицидиал ҳаракатлар

Ў спиринларнинг ўз жонига қасд қилиши, бу қўркинчли фожиадир. Уларнинг бу дунёдан ҳаммадан қўнгли қолиб, нафрат билан кетиши янада қўркинчлидир. Ўзга дунёга улар уйларининг томларидан, чордок ва оғилхоналар шифтларидан бўйинларидағи сиртмоқ билан кетишмоқда. Улар қайтиш умиди билан умрбод кетишмоқда. Ўзга, меҳрибон дунёга қайтиш умиди билан, у ерда уларга хеч ким ёмон баҳо қўймайдиган, яқинлари орасида ёлғиз бўлишмайдиган дунёга умид билан кетишмоқда.

У дунёда улар ўз қўрқувлари, камситилишлари, ўзларига бўлган чексиз раҳмсизлик ҳамда ноиложлик билан ёлғиз қолмасликларига умид қиласдилар.

Қалблари орзу-умидларга тўла бўлган ёшларнинг ўз жонларига қасд қилишларининг сабаби нимада? Балки ушбу масала жаҳон миқёсига хавф солаётган муаммодир?

Сунгги ўн йил ичидаги ёшлар ўртасида ўз жонига қасд қилиш уч баробар кўпайган. Йилига 15-19 ёшгача бўлган ҳар ўн иккинчи ўспирин ўз жонига қасд қилишга уринмоқда.

Болалар ва ўспириналарда ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари катталарникидан фарқ қиласди. Ўспириналар ўртасидаги ўлим сабабларининг 90 фоизи, бу - ёрдамга мухтоҷлик «хайқириғи» бўлса, фақат 10 фоизи ихтиёрий жонига қасд қилиш ҳолатидир.

Агарда болалар жонларига қасд қилишмоқчи бўлсалар, унча зиён етказмайдиган, аммо уларнинг фикрича хақиқаттани ҳам ҳаёт учун ўта хавфли бўлган клей, шампунь каби воситаларни танлашади. Ўспириналар эса кўпинча кўпроқ шикаст етказадиган - ўзларини осиш, чўқтириш, юқоридан сакраш каби усусларни танлашар экан [21]. Улар маълум тарзда атрофдагиларга таъсир ўтказиш мақсадида,

намойишкорона ҳаракатлар килишади ва ҳаракатларининг натижаларини ҳисоблаб чиқишиади.

Улар «кимни йўқотганликларини билиб қўйишин» деган мақсадда катталарни ёки севган инсонларининг диққатини ўзларига қаратишга уринишиади.

- Бола ўз ота-онасини жазоламоқчи бўлиб, уларни дераза ойнасидан ишдан қайтаётганларини кўриб, ўзини осиб қўрқитмоқчи бўлади, аммо улар уйга киргунча қўшнига дуч келиб ушланиб қолишиган.
- Бувисининг рағбатини олиш учун набира унинг деразасининг рўпавасида, унинг кўриб турганига ишонч ҳосил қилган ҳолда ўзини осишига қарор қиласди, аммо баҳтга қарши, айнан, шу дақиқаларда бувисининг диққатини бошқа нарса тортган.
- Қизалоқ ўз томирларини қирқиб, йигити билан “хайрлашиш” учун унга кўнғироқ қиласди, аммо йигит унга ишонмаган ва ёрдам бериш вақтида етиб бормаган.
- Бир қиз эса ота-онасидан хафа бўлиб, роса дори ичади ва уларга бу ҳакда айтганида уни қутқаришига улгуришмай қолишиади...

Боланинг ўз жонига қасд килиш ҳаракатига катталар жавобгардир! Ўспириннинг қийин ҳаётий давридаги ўз вақтидаги қўллаб-қувватлашлар, самимий муносабат фожианинг олдини олишга ёрдам берган бўлар эди.

Биз катталарни чин кўркув туйғуси қачон қамраб олади? Қачонки, биз ўзга инсон ўлими билан бевосита тўқнаш келганимизда. Айниқса, болалар ўз ихтиёрлари билан ўлимни танлашгани жуда қўрқинчлидир. Биз ёнида бўлиб ёрдам беролмаганимиз, уларни тўхтата олмаганимизни эса кейин англаб етамиз. Кўпинча болага масъул бўлган нафақат устоз-мураббийлар, балки ота-она ҳам унинг ноумидлик чегарасига бориб қолганини билмай қоладилар.

Ота-оналарнинг изтироби чексиз. Уларнинг кўпчилиги тушунмовчиликда. Статистикага кўра, 77 фоиз оилада бола ўз жонига қасд қилиш остонасида турганлигини ота-оналар хаттоқи сезишмаган ҳам. Бундай болаларни қандай тушуниш мумкин? Уларга қандай ёрдам берса бўлади?

Ўз жонига қасд қилиш тўғрисидаги айrim тасаввурлар

Жонига қасд қилиш - ўлиш мақсадида атайин ўзига зиён етка-зишdir. Ҳозирги кунгача 15-44 ёшлилар орасида “Суицид” ўз жонига қасд қилишнинг уч хил сабаблари аниқланган. Бундай ишга қўл ураётганлар одатда руҳан кучли азоблананаётган ва стресс ҳолатида бўлиб, ўз муаммоларини мустақил еча олмайдилар ўз жонига қасд қилиш, кўплаб рухшуносларнинг таъкидлашича, атрофдагиларнинг тушунмаслиги, ёлғизлик, меҳр- муҳаббат этишмаслиги каби сабабларга бориб тақалади.

Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра ўз жонига суиқасд қилишнинг 800 та сабаблари мавжуд экан, улардан энг кўп учрайдиганлари:

- 36 фоизи - номаълум сабабларга кўра;
- 19 фоизи - жазодан қўрқиш;
- 18 фоизи - руҳий кечинмалар;
- 18 фоизи - турмуш, уй ташвишлари;
- 6 фоизи - эҳтиросларга берилиш;
- 3 фоизи - пул, мол-мулк йўқотиш.

Афсуслар бўлсинки, ҳаётнинг баъзи қийин, мураккаб вазиятларида инсон муаммоларни қандай ечишни ҳам, бу муаммоларни қандай бартараф этишни ҳам билмай, ўйлаб қолади. «Агар инсон бўлмаганида – муаммо бўлмасди», «Мен бўлмаганимда – муаммо бўлмасди» - деган инсонлардаги мантиқий муроҳазалари ҳаётнинг қийин вазиятларида суицидни танлаш тўғри ечимдир деб ҳисоблашади.

Инсоният тарихида ўз жонига қасд қилиш муаммолари ҳар хил баҳолаб келинган, яъни фалсафий, диний, ҳуқуқий кўз- қарашларда ўз жонига қасд қилиш кескин қораланиб имкон қадар жиноятчилик

(хукуқбузарлик) деб эътироф этилаган.

Суицид атамаси илк марта итальян психологи Г. Дэзэ томонидан 1947 иили киритилган ва «ўз умиридан маҳрум бўлиш ниятидаги ҳатти – ҳаракат» маъносини билдирган. Бу масалага қизиқишлар доим бўлган. Аммо, ўз-ўзини ўлдириш муаммоси ҳар йили глобал характерга эга бўлса, суицид ҳаракатлари инсоннинг ҳаётдаги у ёки бу инқирозли вазиятдан қочишларидаги уринишлари бўлиб қолмоқда. Ҳозирги вақтда яна бир илмий суицидология йўналиши ривожланган бўлиб, социология, психология, деография, медицина (тиббиёт) психиатрия билан боғлиқ ҳолда инсонларнинг шу ишни қилишга бўлган қизиқиш сабабларини, унинг шахсий хусусиятларини ва уларда ҳаёт кечиришга яъни яашашга тўскىнлик қилаётган омилларини ўрганади. Суицидиал ҳаракат инсоннинг онгли равишда ўзини қурбон қилиш истаги билан характерланади. Ҳар қандай мақсади – ўлим, мотив (сабаб) – психик жароҳатларни ўзгартириш яъни бир ёқли қилиш учун ўз ихтиёри билан ҳаётдан кетиш.

Суицид (инглис suicide – ўз – ўзини ўлдириш) – онгли тарзда инсоннинг ҳаётда олган ўткир психик жароҳатлари таъсирида, ўз ҳаёти ҳақидаги ўй ҳаёлининг йўқотиши. Ўз-ўзини ўлдириш – актив жамиятда яашашни ижтимоий – пассив тарзда рад этишининг охирги белгисидир.

Суициднинг психоэмоционал ҳолати инсонга шахсий оғир ҳаётидаги зўриқишлоарга, ҳаётдаги қийин вазиятларга мослаша олмаслик, эҳтиёжлар алоқадорлик, ютуқ, автономлик, нотўғри тарбиявий установкалар ва ўзини четлаштиришга бўлган ёрдам алломатларига эришади.

Суицид – бу тўпланган психологик инқирознинг ечим усули деб ҳисобланади. Ўз жонига қасд қилишни ички ва ташқи фаол ҳолдаги ўз ҳаётини қурбон қилишликка бўлган ҳаракат.

Ички актив суицидиал ҳаракат олдинроқ диагноз этилса, бу ишдан жирканиш орқали режа амалга ошмаслиги мумкин. Ички суицидиал ҳаракатлар қўйидагича намоён бўлади. Ички кечинмалар – қандайдир чигал зиддиятли вазиятлардан ёки психик жароҳат ҳолатидан кейин масалага ечим топа олмасликдан ўз ҳаётининг қадрини тушунмасликдан келиб чиқади, улар қўйидаги шаклда «Яшамаяпсан, лекин борсан (мавжудсан), «Бахтли ҳаёт йўқ ва бошқа, ўз ўлими ҳақидаги тасаввурлари ҳаётнинг қадрини пессимистик инкор этишлари билан

ажралиб туради.

Пассив суицидиял ўйлар (ҳаёллар), ўлим мавзусига доир фантазиялар, лекин ўз жонидан ажралиш мавзусида эмас (ухлаб қолиш ва уйғонмаслик», агар менга нимадир содир бўлса, мен ўламан»). Ўзини ўлдириш ҳақидаги ўйлар; ўз жонига қасд қилиш усулларини ўйлаб топиш, у танлаган вақт ва қурол – ўз ҳаётидан ажралишга бўлган энг қулай шакл деб ҳисоблашлар.

Суицидиял аҳд: шижоатли компонентга ўй-фикрлар қўшилиб кетади ва инсонни шу ишни бажаришга ундейди.

Ўз жонига қасд қилиш ҳақидаги ўй-фикрлар ва уни амалга оширишга бўлган уринишлар даври суицид олди (пресуицид) даври деб номланади, унинг узоқ вақт давом этадиган дақиқалар билан ҳисобланадиган (ўткир пресуицид), ёки ойлар давомида қайтарилишига қараб (хроник песуицид) деб ажралади. Ўткир суицид олди ҳолатларда ҳеч қандай босқичларсиз бир лаҳзада ўз жонига қасд қилиш ҳаракатлари ва майллари тезда кузатилади.

- Ўз жонига қасд қилишнинг ташки очиқ белгиларига қўйидагилар киради.
- Ўз жонига қасд қилишга уринишлар охири ўлим билан тугалланмайдиган лекин ўз ҳаётидан маҳрум бўлиш мақсадидаги ҳатти – ҳаракатлар.
- Ўз жонига қасд қилиш ҳаракати – бу вазиятда яшашнинг имкони бўлмаган тасаввурлар ўз жонига қасд қилишнинг охири – инсонни ҳалокатга олиб борувчи ҳаракат билан тугалланади.

Адабиётларда учрайдиган суицидал ҳаракатнинг 3 турини кўриб чиқамиз:

- Намойишкорана (демонстратив)
- Аффектли
- Ҳақиқий

Ҳақиқий ва демонстратив ҳаракатларга муносабатда бўлмаслик мумкин эмас. Ўзини ўлдиришга хавфи кам деб баҳолаш оддий ҳолатлар фавқулодда самарали бўлиши мумкин.

Демонстратив ҳатти – ҳаракатлар – бу бошқалар уни қутқаришни күзлаб, ўз жонига қасд қилишнинг бир кўринишидир. Бунда ўзгаларнинг диққатини ўзига жалб қилиш, ўзига нисбатан бошқаларда қизиқиш уйғотиш, бошқаларнинг раҳмли бўлиш ҳиссини келтириш, тарафдор (хайриҳо бўлиш), оғир гуноҳни (айбни) қилиб, жазодан қочиш, ранжиғанлик учун ўч олиш, адолатсизлик атрофдагилар ранжиганни айблаш ҳолатлари учрайди. Шунингдек, 16 ёшли бир қиз бир нечта аспирин ва парацетамол таблеткаларини қабул қилган. Унинг таъкидлашига бунга сабаб онаси бир йигит билан дўстлашишига қарши бўлгандилиги ва уни тушунишни хоҳламаслик бўлса, у қизнинг бу тарздаги ҳатти-ҳаракатлари оғир жароҳатланиш натижасида ўз соғлиғига суиқасд қилиб касалхонама-касалхона юриши ҳаёлига келмаганида.

Аффектив сицидиал ҳатти – ҳаракат – юқори аффект ҳолатида руй бериши билан характерланадиган хулқ–автор типи. Аффект ҳолатидаги сицидиал ҳаракатлар саҳналаштирилган (спектакл) шаклида бўлиши мумкин, аммо янада ҳақиқий ниятлар ҳам бўлиши мумкин, ҳаттоқи ўзоқ йиллар ўтса ҳам. Аффектив ҳолатлар узоққа тузилиши шуни кўрсатадики, сицидиал ҳаракатларда беқарорлик (иккиланишлар) кузатилиши мумкин. Бир куни 14 ёшли қизолоқ отаси ўгай она билан яшаётган хонадонга келади, агар отаси уйга қайтмаса ўзини ўлдиришини айтади, бунга жавобан ўгай она қизнинг қўлига пичоқни ушлатиб, ҳозироқ шу ишни қилиши мумкинлигини айтади. Қиз пичоқни қўлига олган ҳолда чап қўлига бир неча марта уради.

Ҳақиқий турдаги сицидиал ҳаракатлар – узоқ вақтлар пухта ўйланган, аниқ бир мақсадга қаратилган бўлади. Ўсмир бу ишни қилишдан олдин, шу ишнинг хавфсизлигини ўйлаб қўяди.

Масалан: Бир уйда эшикни ичдан қулфлаб 12 яшар 2 та бола бир арқонга осилиб ҳалок бўлишган. Бу ҳаракатда ҳеч қандай зўрлик бўлмаган. Бу болалар кўпгина ҳолларда уйда ёлғиз ўзлари қоладиган, ота – оналари спиртли ичимликлар истеъмол қиласдиган, тез-тез меҳмондорчиликда бўладиган, шафқатсиз ҳаракатлар, буларнинг барчаси уйдаги ва оиласдаги ноқулай шароитлар ва ота-онанинг назоратсизлиги, бефарқлиги туфайли содир бўлган. Бу болалар ота-она меҳрига тўймаган яъни ота-онанинг болага нисбатан муҳаббатнинг йўқлигидан далолатdir. Болалар ота-онасидан “бу фарзандларни дунёга келтириш – бу сенинг энг катта хатойинг бўлди” ва “менга яшашга ҳалақит бераяпсан” деган сўзларини бир неча марта эшитишган. Парваришилаш ва ўзаро меҳрнинг йўқлиги ҳаёт билан видолашишга олиб

келди. Бу тарздаги маълумотлар унинг яқинлари ва “суицид” содир бўлган жойи гувоҳлик берса, ўлимидан олдин болаларнинг ота-онала-рига қолдирган хатида кичик синглисини яхши парваришлаш ва тарбия қилишларини унга яхши таълим беришларини, унга яхши таъминлан-ган келажакни яратишни сўраган, шунингдек қилган ишларидан узр сўраб, уларга “у дунёда” яхши бўлишига ота-онасини ишонтиришган.

А.Е. Личко фикрига кўра тарбиянинг мувозанатлашмаган (дисгармо-ник) шакли у ёки бу кўринишдаги характер акцентуациясининг, шу жумладан ўзини халок этувчи хулқ шаклларининг шаклланиши ва мустаҳкамланишига имкон туғдиради.

Психологик инқироз турлари ва уларнинг босқичлари ҳақида

Хозирги вақтда психологик инқирозли кечинмаларни ўқувчи томонидан бошдан кечирилиши натижасида, ҳаёт мазмуни ва мақсадини қайта англаш ва қайта қуриш, ўз ўтмишини янгича баҳолаш, етакчи мотивларнинг бартараф этилиши ёки ўзгаришида намоён бўлади.

Турли тоифадаги шикастланиш вазиятлари ўсмирлар учун аҳамиятлилик даражасига кўра турлича таъсир кўрсатади. Бунда ўқувчи шахсида шаклланган турғун, аҳамиятли хусусиятлар бузилишларига олиб келувчи омиллар шаклланганда ҳимоя механизmlари ишга тушади.

Кучли шикастлантирувчи омилларни ҳис этган ўсмир уларни такрорланишидан хавотирланади, салбий эмоционал кечинмаларни пайдо бўлишига сабаб бўлади, натижада ўқувчи шахс ўз-ўзини идора эта олмайди, турли хатоларга йўл қўяди. Уларда хотира, диққат координациясининг бузилиши ўқишдаги ўзлаштириш даражасига пасайиб кетишига сабаб бўлади. Эмоционал зўриқишлар ўсмирларда психосоматик бузилишлар негизида келиб чиқувчи жисмоний соғломлик ҳолатига салбий таъсир кўрсатади.

Узоқ давом этган стрессли вазиятлар ўқувчи шахсларда ўзини тинчлантиришнинг сунъий йўлларини излаб топиш эҳтиёжини келиб чиқиши натижасида эрта чекиш, турли токсик моддалар, алкогол ва наркотик моддаларни истеъмол қилишни бошлайдилар. Шикастлантирувчи вазият таъсирида ўсмирда ўтмиш, ҳозир, келажакни тўғри идрок эта олмайдилар натижада ўқувчи шахс ўзини шикастлантирувчи вазиятдан олдинги қандай ҳолатда бўлса шундай ҳолатда идрок этади. Масалан, шикастлантирувчи вазият 14 ёшда юзага келган бўлса ўсмир шахс ўзини узоқ вақт мобайнида айнан ўша ёш юзасидан идрок қиласди. Ўсмир шахснинг шикастлантирувчи вазиятлар натижасида шаклланувчи эмоционал кечинмалари унинг вазиятни ҳал этиш усуслари ҳақидаги иллюзияларнинг бузилишларига олиб келади. Ўсмир ўзидағи шахс сифатида психологик имкониятларни етарлича баҳолай олмайди. Мактабда яхши ўқиш шахсга ҳимояланганлик хиссини

бермаса, бу ўсмирнинг эришган натижаларига атрофдагилар бефарқ бўлсалар, мактабдаги ўқиш жараёнида қўлга киритган ютуқлари ўсмир учун қувонч бахш этмайди. Бу ҳолда ўсмир ҳаёлий иллюзия оламидан, реал ҳақиқий олам қийинчилликларини енгиш учун ўзига ишонч шаклланганлиги асосида олдида турган тўсиқларни енгишга, яъни ёш нұқтаи назаридан тез катта бўлиш истаги уйғонади. Агар ҳаёлидаги иллюзия дунёсидан чиқиб кета олмаса, у ҳолда ўсмир психологиясида янги иллюзиялар пайдо бўлади ва ўсмир уй яна ҳаёлидаги дунёсида яшашни давом эттиради.

Психолог олимлар инсон психологик инқирозларини (кризис) ни қўйидаги икки турга ажратишади:

1. Салбий кечинмалар, можароли ҳолатларни ошириб, ўз жонига қасд қилиш хатти-харакатларнинг содир бўлиш эҳтимолини оширувчи аста-секин ўсиб борадиган психологик инқироз.
2. Руҳиятга таъсир этувчи, кутилмагандан содир бўлган воеа натижасида тўсатдан содир бўладиган психологик инқироз. Айниқса, бу ҳолатнинг воеадан кейинги дастлабки соатларда ва биринчи суткадан кейин содир бўлиш эҳтимоли мавжуд.

Психологик инқирознинг икки ҳолатида ҳам кучли кечинмалар, хаяжонланиш таъсири остида воеа, айрилиқ ёки можаронинг ички аклий “ҳазм қилиш” жараёни кузатилади. Шахсда мураккаб ички ўз жонига қасд қилиш ва ҳаётбахш омиллари ўртасида зиддиятли кураш кечади.

Тўсатдан психологик инқироз ҳолати содир бўлганда, психик жаёнда унинг кечишининг 4 та босқичи кўзга ташланади:

- руҳий жароҳатланиш босқичи ёки “руҳий шок” (2-3 соатдан 2-3 суткагача давом этади);
- шахснинг парокандалика учраш босқичи (1 суткадан икки хафта-гача давом этади), мазкур босқич қалтис босқич ҳисобланади, чунки унинг якунидан кейин ёки соғайиш бошланади (бунда воқеликни тўғри қабул қилиб, вазиятга кўнигади) ёки бўлиб ўтган воеага берилиб, стрессдан кейинги ҳолатга тушиб қолинади;
- “қабул” қилиш босқичи, яъни айрилиқка кўнишиш (бир неча хафта давом этади);

- тикланиш босқичи (бир неча хафтадан бир неча ойгача давом этиши мумкин).

Шуни таъкидлаш лозимки, психологик кризис ҳолати инсонда тезкор ижобий ёки салбий ўзгаришлар содир бўлишига сабаб бўлади.

Ўспиринларнинг ўз жонларига қасд қилишларининг айрим сабаблари:

Жисмонан бақувват, навқирон, кўринишидан бенуқсон инсонларнинг ўз жонига қасд қилишига нима сабаб бўлмоқда? Нега улар ўзларини осиб, ўлгунча дорилар ичишмоқда, баландликдан сакраб, машиналарнинг тагига ўзларини отишмоқда?

Олинган барча маълумотлар таҳлил қилинганда, қуида келтирилган сабаблар энг кўп учрайдиганлари сифатида эътироф этилди.

Ишқий муносабатларнинг якун топиши. Кўп ҳолларда бундай муносабатларни тугаши ўспиринни руҳан жароҳатлайди. Оқибатда унинг ҳаёлий “қаср” и қулаб тушади. Ўзига ишонган, мағрур ташқи кўриниш ортида нозик қалб эгаси яширган бўлади. “Вақт ҳамма нарсанинг дасоси”, “у бўлмаса бошқаси” каби билдирилган фикрлар ёш йигит-қизга оғир ботиб, бор ҳақиқатни улар ҳазм қилолмайдилар. Бундай ҳолатга бир она изорнинг айтган воқеасини мисол қилиб келтирамиз: “Уч кун аввал қизимни яхши кўрган йигит оламдан ўтганди. Биз бу йигитга қизимизни бермаганмиз. Қарши чиққанмиз. Қизим тўғри тушуниб, у йигитга айтган. Ўша куни кечкурун у йигит қизимга телефон қилиб, усиз яшай олмаслигини ва у эрталаб уйғонганда, ўлган бўлишини ҳамда ўлиш учун дори ичганлигини айтган. Эртаси куни эса йигит ростдан ҳам оламдан ўтган. Қизимга тушунтирдим, кўнглини олишга ҳаракат қилдим, кечаси ёнида бирга ётдим, тушунгандек бўлди. Эртаси куни амалиётга бораман, деб, йигитнинг қабрига бориб роса йиғлаган экан. Эртарок қайтиб, мени яхши кўришини гапирди, юзларимдан ўпид сизни соғиниб кетдим, деб айтди. Кейин эса ўзини осиб қўйди...”

Суюкли инсон (оила аъзоси)нинг вафоти. Яхши кўрган инсонларининг вафотидан улар шу дараҷада изтироб чекишадики, хаттоқи ўлимда у билан бирга бўлиш хиссини туядилар. Ўспиринларда ҳали катталарникидек, “биттаси бўлмаса бошқаси” каби тажрибаси йўқ. Бундан ташқари, кучли эмоционал зўриқишдан кейин уларни ҳаётда ушлаб қоладиган - фарзанд, иш, ҳамкараба, дўстлари ҳам йўқ. Уни яхши тушунадиган, доим ёнида бўладиган, доим унга керак бўлган

Энг яқин инсонини йўқотиб қўйгандан кейин қолган нарсаларнинг нима аҳамияти бор? Қўлланма, китоб ва бошқа манбалар “бундай ҳолларда ўзингизни чалғитинг, бошқа бирон нарса билан банд бўлинг” деб маслаҳат беради. Лекин нима билан?

Зерикарли дарслар, ота-онанинг жонга теккан насиҳатлари ёки учрашув, яқин дўсти биланми?

Бундан ташқари оиласидаги мотам, баҳтсизлик ўспиринга бўлган эътиборни сўнгги даражага сурниб қўяди. Аксарият катталар, ёшлар яқинларининг ўлимини улар каби чуқур хис эта олишмайди, деб ҳисобладилар.

«Юзи» ни йўқотиш. Футбол жамоаси сардори бўламан, деган-у, лекин бунинг уддасидан чиқолмаган йигитга, кечанинг маликаси бўламан деган-у, аммо эътибор қозонолмаган қизчага қаранг. Коллеж ёки олийгоҳга кираман, деган-у, аммо киролмаган мактаб битирувчисига бир қаранг. Энг ёмони, бу омадсизлик ҳақида ҳамма билади. Айникса, “эркакмисан ўзи?”, “наҳотки шунинг уддасидан чиқа олмасанг”, “уддасидан чиколмасанг, одаммисан?» каби истехзоли гаплар ўғил болалар руҳиятига ёмон таъсир этади. Минг афсуски, “юз”ни йўқотгандан кўра, яшамасликни афзалроқ кўришга мажбур этиб қўймокда.

Ажримлар. Ота-оналарнинг бирини йўқотиш ўспиринга кўпроқ азият етказиш мумкин. Кўплаб ўспиринлар оиланинг бузилишида масъулият ҳис этадилар. Эр-хотиннинг ажримлари ҳар хил салбий таъсир кўрсатиб уларда ҳақиқий қўркувни тасаввур килиб бўлмайдиган азобни ҳам шакллантиради.

Ўқув ютидаги босим. Юқори баҳо олишга интилиш; бир варакайига бир нечта қийин топшириқларни бажариш; жамоат ҳаётида ўта фаол қатнашиш; жисмоний мусобақаларда қатнашиш талаблари; дарс қолдирмаслик.

Тенгқурлар томонидан босим. Тенгқурлар томонидан қабул қилиниш; гуруҳ қизиқишлари; қийинишида мос келиш; спиртли ичимлик истеъмол қилиш; чекиш; мусиқий қизиқишлар; қарама қарши жинсга қизиқтиришга ундаш.

Ота-оналар босими. Муваффақият; пул; ўқув юртини танлаш; яхши дўстлар; керакли таълим; назорат остида бўлиш талаби ва мустақил бўлиш истаги ўртасидаги низо; ота-оналар ўртасидаги

келишмовчиликлар; ишга жойлашиш; кийиниши; мусиқа; ота-оналарнинг “дўст” бўлиш истаклари; намуна бўлишдан кўра кўпроқ насиҳат қилиш. Болалар ўлим олди мактубларида ота-оналарига аълочи, талаба, спортчи ва шунга ўхшаш мақомларга эриша олмаган холатларида ўзини кераксиз ҳис қилиши ёки жуда алам қилиши хақида ёзишган

Кўримсизлик. Ўзини жисмонан ношуд ҳисоблаган йигитга ёки ўзини бошқа қизлардан хунук, деб ҳисоблайдиган қизга бир боқинг. Уларга хаттоки юзидағи хуснбузар қанчалик азоб беришини сезиш қийин эмас. Ўзидан қониқмаслик хиссиёти нафақат жисмоний нуқсони бор ёшларни, балки соғлом болаларни ҳам жонига қасд қилишига сабаб бўлиши мумкин.

Иккинчи даражали. Бирон тадбирга бориш ёки учрашувга чақиришга келгандা, доим четда қолиб кетадиган йигит-кизга бир эътибор қаратинг.

Кийиниши. Тенгдошлари ўртасида урф бўлган кийимлар ва ўзининг кийиб юрганларини доимий равишда таққослаб боришга мажбур бўлади.

Ўқишдаги қолоқлик. Кўпинча катта опа-акаларнинг “даҳо”ликлари ўспиринга доимий ёқимсиз эслатма бўлиб хизмат қилади.

Мулоқотнинг этишмаслиги. Кўп ўспиринлар ўзларини шунчалар ёлғиз ва ажратилган деб хис этишади-ки, уларга бирор ёрдам бериши ва улар хақида ғамхўрлик қилиши мумкинлигига ишонишмайди. Бу шундайми ёки йўқми, улар учун аҳамиятсиз. Сўнгги ўн йиллик ичida ёшлар бир дунё таниш ва дўстлари орасида ўзларини ёлғиз хис этишлари мунтазам кўзатилмоқда. Мисол учун, қачонлардир маҳалладагилар ҳар бир хонадонда яшовчиларни яхши танишган, ҳозир эса вақти келса, биз билан бирга бир кўчада яшовчи ёки бир подъездда яшайдиган қўшнимизни танимаймиз.

Ишончсизлик. Айрим ҳолларда ўспиринлар келажакка умид билан боқишининг ўрнига иложсизлик хиссидан тушкунликка тушадилар. Охират куни келиши кўплаб ёшлар ҳаёлининг онг остида бўлади.

Ўз жонига қасд қилиш билан шантаж қилиш. Бунда ўспирин уни кутқариб олишларини аниқ билади, унинг мақсади ҳаёт билан видолашув эмас, балки ўзининг ҳаракати билан нимагадир эришишдир. Агарда оиласда ўз жонига қасд қилиш орқали таъмагирлик қилиш

бошланган бўлса, мутахассисларга мурожаат қилиб, муаммони комплекс ҳал этган маъқулроқ бўлади. Бу муаммо ўз жонига қасд қилишда эмас, чунки бундай ҳатти-ҳаракат қандайдир ижтимоий психологик етишмовчиликнинг белгисидир.

Саналарда ўз жонига қасд қилиш. Болалар ва ўспириналар, кўпинча, дикқат марказида бўлишга мойиллар, айрим ҳолларда ўз жонларига маҳсус саналарда ва маҳсус шароитларда қасд қилишади Буни қиёсий ўлим деса ҳам бўлар эди, лекин барибир фарқи бор, бунда улар ургуни айнан сана ва вақтга беришади.

Даволаб бўлмайдиган касалликлар, нуқсонлар билан боғлиқ ўз жонига қасд қилишлар. Одатда ўспириналар ўзларининг ташқи кўришиларига ўта эҳтиёткор муносабатда бўлишади. Тенгдошлар ўртасида эса ҳар кандай ташқи кўринишдаги нуқсонлар, даволаб бўлинмайдиган касалликлар болалар томонидан масхара қилинади. Кўпинча уларга шундай муносабатда бўлиш уларнинг ота-оналари томонидан қўллаб- қувватланади “бундайлар билан юрма, унинг касали бор”, “у чўлоқ, қулоғи оғир, семиз, кўзойнак ва х к.” Оқибатда бундай сўзлар билан хақоратланаётган ёшлар қувғин бўлиш ҳиссига чидай олмасдан ўз ихтиёрлари билан ҳаётдан видолашишни афзал кўрадилар.

Тўғри олиб борилган тушунтириш, оиласдаги самимийлик туфайли кўпинча одамларнинг бундай тарбиясизлиги билан курашишда улар ўзларида куч топадилар ва ҳаётда ташқи кўриниш муваффақият гарови бўла олмаслигни исбот қиласдилар.

Эмоционал реакциялар. Бу ҳолатда кўпроқ ҳиссиётларда номутаносиблик кузатилади. Ўспирин доим ўзининг фикрига кўмилиб юрган бўлади, бошқалар билан мулоқотга киришмайди, эски дўст ва танишларидан узоқлашиб кетади. Бундай ҳолатнинг сабабини билмоқчи бўлганларга кўполлик ва қўрслик қиласди.

Тушкунлик ҳолати. Бунда борлик рангсиз, тушкун ҳолда акс этади, атрофдаги барча воқеликлар, одамлар фикрлари умидсизлик ҳолатида қабул қилинади, ҳар бир нарсанинг охирида салбий натижа ётади. Натижада бирданига ўз жонига қасд қилиш энг мақбул ечим сифатида қабул қилинади.

Жинсий тарбиянинг етарли эмаслиги. Етуклик давридаги физиологик ўзгаришлар хақида керакли маълумотларга эга бўлмаслик жуда кўп тушунмовчиликларга олиб келади. Кўп ҳолатларда маълумотлар ишончли манбалар ёки яқин инсонлар, врачлардан олинмайди. Ҳозирги кунда ўспириналар кўп маълумотларни интернет ёки яхши билимга эга бўлмаган “ақлли”, “тажрибали” ошна-оғайниларидан олишга харат киладилар.

Жазоланишдан қўрқиш. Катталарнинг болаларига айтаётган “ёмон иш қилсанг, мендан кўрасан”, “ножўя қадам қўйсанг, сендан болам йўқ», “агарда ундин, агарда бундай...” каби гаплари уларни чинакам қўрқувга солиб қўяди. Айниқса, оиласда ота-оналарнинг бола билан яқинликлари бўлмаса, у айб иш қилгудек бўлса, ўзини қанчалар ҳис этишини бир тасаввур килиб кўринг-а, шу онда унга ягона чора уйдан қочиб кетиш ёки умуман ҳаёт билан видолашиб жазо олгандан кўра афзалроқ туюлади.

Юкорида ўспириналарнинг ўткинчи қийинчилликлар таъсири остида ҳаётдан ихтиёрий воз кечишларининг сабаблари кўрсатиб ўтилган. Лекин шу билан бирга нопок кимсалар томонидан мунтазам инсонни камситиш орқали ўз жонига қасд қилишга олиб келиниши мумкинлигини ҳам эътибордан қочирмаслигимиз керак.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси Махсус қисм. Биринчи бўлим. Шахсга қарши жиноятлар I боб. Ҳаётга қарши жиноятлар 103-модда. Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш. Моддий томондан ёки бошқа жиҳатлардан айбдорга қарам бўлмаган шахсга раҳмсиз муомала қилиш ёки унинг шаъни ва қадр-қимматини муттасил равишда камситиш натижасида уни ўзини ўзи ўлдириш ёки ўзини-ўзи ўлдиришига суиқасд қилиш даражасига етказиш, уч йилгача аҳлок тузатиш ишлари ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Уша қилмишлар моддий томондан ёки бошқа жиҳатлардан айбдорга қарам бўлган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўз жонига суиқасд қилишнинг белгилари

Ўз жонига қасд қилишни режалаштираётган одам одатда режасини бошқалардан имкон қадар яширишга ҳаракат қиласи. Лекин айрим ҳатти-ҳаракатлари унинг ниятини ошкор қилиши мумкин.

**Агарда қуида келтирилган сабабларнинг учтаси тўғри келса,
зудлик билан керакли чора-тадбирларни кўриш керак:**

Ўз жонига қасд қилиш воқеаларига қизиқиши

Ўспирин алоҳида қизиқиши билан мавзуга оид мақолаларни ўқий бошлайди, янгилик ва кўрсатувларни кузатиб боради, қабристон ва дафн маросимлари ҳақидаги маълумотларга қизиқиши билдиришни бошлайди. Қўшиқ, шеър, ҳикоя ва расмларида ихтиёрий ўлим мавзусини акс эттиради.

Ўлим олди кўрсатмалари

Ўспирин ўз дўсти ва яқинларига нарсаларини тарқата бошлайди, буларнинг ичидаги унинг учун қимматли ва қадрлиларини ҳам. “Агарда мен бўлмай қолсам, нима қилар эдингиз?” каби саволларни беради ёки вафот этиб қолса уни қандай қилиб дафн қилишлари ҳақида фикрлар юритади.

Одамовилик

Дўстлари ва оила аъзоларидан тобора узоқлашиб кетади. Имкон туғилди дегунча ёлгиз қолишга шошилади.

Хайрлашув

Үлими олдидан у барча ишларини тартибга солишга, тугатишга ҳаракат қиласы, яқинлари ва биродарларини йүқлайды, унинг учун болалигидан азиз бўлган жойларга боришга рухсат сўрайди, онаси ва бошқа оила аъзолари билан илтифотли бўлиб қолади, қилган ишлари учун кечирим сўрайди, хайрлашув мактубларини ёзади

Хис-ҳаяжонга берилганлик

Ўспирин сизга нималарни дир бирданига айтиб бермоқчи бўлади-да, сўнг гапнинг ўртасида жим бўлиб қолади.

Ўзини ноодатий тутиши

Киришимли ўспирин одамови, индамаслик ёки тўхтовсиз гапирадиган, ўзини тўхтовсиз кўз ёши қиласидаган бўлиб қоладилар.

Даҳшатли тушлар

Бола тушида кўп қичқиради ва даҳшатли тушлар кўриши хақида шикоят қиласи.

Келажакка умидсизлик

Заифлик, кучсизлик, иложсизлик «бошқа иложи йук», “доим шундай” ҳисларига кўмилиб юрган ўспирин вазият яхши томонга ҳеч қачон ўзгармаслигига ишонч ҳосил қиласан. Ҳаёт унинг учун даҳшатли, “ҳаммага барибир” иборасида акс этган.

Сабабсиз агрессия

Үспирин ҳар кандай масала бўйича тортишади, ота-она билан сухбатлашишдан бош тортади.

Хавфли ҳатти- ҳаракатлар

У баландлик, чуқурлик ва тезликлардан қўрқмайдиган, ўзини “ўтга чўққа уриш”га ҳаракат қиласди.

Тўсатдан хотиржам бўлиш

Ўзини агресив тутиб, арзимаган нарсалар учун тўсатдан ғазаби қайнаб юрган ўспирилнинг тўсатдан хотиржам ва баҳтли бўлиб қолиши - бу жонига қасд қилиш режасини тузганлигидан ҳам далолат бериши мумкин.

Ўзидан нафратланиш

Фойдасизлик, айбдорлик ва ўзидан нафратланиш ҳиссиёти. Ўзини оғир юк деб билади: “менсиз яхшироқ бўлар эди”.

Касалликлардан тез-тез шикоят қилиб турилиши

Кўпроқ қорин оғриши, бош оғриғи, доимий чарчоқ ва уйқуси-рашлар сезилади

Қасос олиш ҳисси

Үз жонига қасд қилиш харакатлари хафа қилғанлардан қасос олиш ҳисси билан тұла бўлади - “Мендан кўришади ҳали”, “бундай яшаш жонига теккан” ва х.к. Унда қандай қилиб бўлса ҳам мақсадга эришишда қандайдир ўжарлик пайдо бўлади.

Булардан ташқари ўзининг ташқи кўринишига ўта лоқайдлик, доим атрофида бўладиган инсонлар даврасида зерикиш, қизиқишини йўқотиш, дикқатнинг сустлашиши натижасида иш сифатининг пасайиши каби ҳолатлар кузатилади.

Ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш учун тавсиялар

Ўз жонига қасд қилишга олиб келадиган сабаблар психологияк характерга эга. Шу туфайли унинг олдини олиш борасидаги ишлар, авваламбор, психологик саломатликни мустаҳкамлашга бориб тақалади.

Психологияк инқироз ҳолатидаги инсонга яқинлари ва катталар томонидан ўз вақтида кўрсатилган психологик ёрдам унинг ижобий ҳолатга тушиш имкониятини 90 фоиз оширади, воқеликка муносабатини ижобийлаштириб, оптимизм (некбинлик), ҳаётбахш омиллар устунлигини беради. Агарда ўспиринда ўз жонига қасд қилишга мойиллик сезсангиз қўйидаги маслаҳатлар вазиятни ўзгаришишга ёрдам беради.

Уни диққат билан тингланг. Калбимиз азият чекаётганда ҳар биримизга бизни эшитишга тайёр одам керак. Барча имкониятингизни ишга солиб, сўзлар ортида яшириниб ётган муаммони аниқлашга уриниб кўринг. Ўзини кераксиз, ортиқча ҳис этаётган одам учун бирор унга далда бўлиши ва тушунишга ҳаракат қилиши уни сақлаб қолища катта руҳлантирувчи куч бўла олади. Айнан, далда бериш орқали ёлгизланиб қолган қалбига йўл топа оласиз

Боланинг ҳиссиёти ва ниятнинг жиддийлигига баҳо беринг. Агарда унда ўзига суиқасд қилиш борасида аниқ режа бўлса, огоҳ бўлинг - вазият сиз ўйлагандан анча жиддийроқ.

Эмоционал тушкунлик ҳолати қанчалик чуқурлигини аниқланг. Ўспирин ўз жонига қасд қилиш ниятисиз ҳам жиддий қийинчилликларни бошидан кечираётган бўлиши мумкин. Барча шикоят ва нолишларини диққат билан тингланг. Айтилганларнинг бирор бир деталини назарингиздан четда колдирманг. У ўзининг ҳисларига эрк бермаслиги ва муаммолари борлигини сизга ошкор этмаслиги билан бирга ўта тушкунлик ҳолатида бўлиши мумкин.

Эҳтиёткор равишда ўз жонига қасд қилишни ўйламаётганлиги ҳақида сўраб билинг. Тажрибалар шуни кўрсатади-ки, бу тарздаги саволлар зиён етказмайди.

Аксарият ҳолларда ўспирин ўз муаммоларини очиқ-ойдин айта олганидан хурсанд бўлади.

Бундан ташқари, боланинг ўзини ҳис қилиш ҳолатлари ҳақида сўраб туриш, келажак ҳақидаги фикрларини билиш ва келгуси режаларини тузиши кераклиги ҳақида эслатиб туриш керак.

Болага кўтаринки кайфият ва унинг ўзига бўлган ишончини орттириш ва у албатта, олдига куйган мақсадларига эриша олишини сингдириб бориш лозим.

Боланинг «доим норозилиги», «пала-партишлиги»ни юзига солмаслик керак, яххиси, унга унинг феъл-атворидаги устунлик ва ички кучли томонларини кўрсатиш керак.

Ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш бўйича психололгарга тавсия қилинадиган чора-тадбирлар

Ўқувчилар билан:

- “Ўзини англаш”, “Ўз-ўзига баҳо бериш”, “Атрофдагилар фикри”, “Сенинг ота-онанг”, “Тенгдошлар” каби психоанализларни олиб бориш (бунда тест, анкета ва проектив методлар орқали ташхисни ташкил этиб, ўқувчиларга “ҳаммаси сизларнинг келажагингиз учун” деган ижтимоий психологик установкалар билан бошлаш);
- Ҳиссиётларни бошқариш, ижтимоий малакалар ва стрессларнинг олдини олиш борасида психологик тренинглар олиб бориш;
- Ўзига ишонч ҳосил қилиш, мақсад ва муваффақиятга йўналтириш борасида психологик тренинглар ўтказиш;
- Шахсий фазилатларни ўстириш борасидаги психологик тренинглар ўтказиш;
- Ўз-ўзини бошқариш мотивациясининг назоратини ошириш.
- Илмий-амалий конференция, семинарлар, ўспиринлик даври муаммоларини муҳокама қилиш юзасидан баҳс-мунозараларни ташкил этиш;
- Таниқли психолог олимлар, шифокорлар, имиджмикерлар, педагог олимлар, таниқли шоирлар, актёр ва актрисалар билан учрашувларни ўтказиш;
- Мураббийлик соатлари, бунда амалиётчи психолог билан

мазмунди давра-сұхбатлари, мұлоқот үрнатиш усуллари, низоларнинг олдини олиш, муаммоли вазиятлардан чиқиб кетиш, оиласдағи мұносабатлар, үзіга бўлган мұносабат (ўзининг қобилияtlари, камчиліклари, ташқи кўринишини идрок этиш) каби масалаларни мұхокамага қўйиш.

Педагоглар билан:

- Педагоглар кенгашыда ўқитувчиларни ўспиринлик даврининг кечиши хусусиятлари, ўз жонига қасд қилувчилар шахси, ўз жонига қасд қилишга олиб келадиган сабаб ва омиллар ҳамда уларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлари ҳақида маълумотлар бериб бориш.
- Ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг улар учун долзарб бўлган муаммоларни мұхокама қилувчи ҳамкорликдаги тарбиявий тадбирлар.

Ота-оналар билан:

- Ота-оналар мажлисларида ўспиринлик даври кризиси ҳақида ба-тафсил маълумотлар бериб бориш, кўпроқ ўз жонига қасд қилишга олиб келувчи сабаблар, ўспиринларда ўз жонига қасд-қилиш ҳатти- ҳаракатлари пайдо бўлиши ва уларни олдини олиш чорала-ри ҳақида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш.
- Ота-оналар ва болаларнинг ўзаро мұносабатлари юзасидан қўшма йиғилишлар ўtkазиш.
- Ота-оналарга болалар билан мұносабатлар ҳақида психологик маслаҳатлар бериб бориш.

Ўз жонига қасд қилишнинг олдини олишда педагогларга алоҳида маслаҳатлар:

Ўспириннинг яшашга қизиқишини кучайтириш - педагогнинг бевосита бурчидир.

Агарда сизнинг фикрингизча, инсонда ўз жонига қасд қилишга мойиллик бўлса ёки аввал бунга ҳаракат қилган бўлса ундан ўзингизни олиб кочманг.

Ўспирин ўз муаммоларини сизга айтишга қарор қилган бўлса ва сиз мавжуд вазиятдан даҳшатга тушганингизда ҳам, уни ўзингиздан итарманг. Ёдингизда туting, ўз жонига қасд қилишга мойил бўлганлар камдан кам ҳолатда малакали мутахассисларга мурожаат этишади.

Агарда ушбу ўспиринда ўз жонига қасд килишга мойиллик сезсангиз, ички туйғуларингизга ишонинг. Огоҳлантирувчи белгиларни рад этманг.

Кафолатини бера олмайдиган ваъдалар берманг. Мисол учун, “албатта севган йигитинг қайтиб келади”.

- Унга ёрдам бермоқчи эканингизни айтинг, мабодо, ўспириннинг хавфсизлигига таъсир этувчи сабабларни кўрсангиз, вазиятни сир сақлашга ҳожат йўқлигини тушунтиринг.
- Ўзингизни хотиржам тутинг, нимани гапиришингиздан қатъий назар танкид қилманг.
- Самимий гапиринг. Хавф канчалик жиддийлигини тушунишга ҳаракат килинг. Билиб қўйинг, ўз жонига қасд қилиш ҳақидаги фикрлар доим ҳам ўзини ўлдиришга олиб келавермайди. Аслида, ўспирин ўзини қийнаётган муаммо ҳакида айтиб, анча енгил тортиши мумкин.
- Ўспирин бундай вазиятда мурожаат қилса, албатга, унга кўмак бера оладиган одам борлигига ишонтиришга ҳаракат қилинг.
- Қарорларни (мисол учун, бизга ҳозир энг кераклиги тўйиб ухлаб олиш, эрталаб эса ўзингни анча яхши ҳис этасан) каби соддалаштируманг.
- Ўспиринга ҳиссиётлар ҳақида гапирмоқчи эканлигингизни кўрсатинг, бундай ҳис-туйғулар учун уни айбламанг.
- Ўспиринга можароли вазиятни тўла таҳлил қилишида ёрдам беринг, кучли стресс унга вазиятнинг асл ҳолатини кўришига халақит берәётганлигини тушунтиринг. Унга билдирамаган ҳолда бирор ечимни ўртага ташлаб, шу ечимни топишига йуналтиринг.
- Стрессни ечишида ёрдам берадиган инсонлар ёки жойларни топишига ёрдам беринг. Имкон кадар босимни сусайтиришга ҳаракат қилинг.
- Ўспиринга тушунтиринг, мавжуд ҳиссиёти бутун умр давом этмайди.

Кучли руҳий изтиробларни бошидан кечираётган ўспиринга унинг учун аҳамиятли бўлган инсонлар томонидан ўз вақтида кўрсатилган психологик ёрдам 90 фоиз ҳолатда вазиятнинг ижобий томонга ўзгаришига олиб келади!

Оила – суицидиал ҳаракатларни бартараф этиш омили сифатида

Оила инсон тарбияси ва шаклланишида алоҳида ижтимоий психологияк аҳамиятга эга бўлган жамият бўғинидир. Суицидал хавфга оилада онанинг ишлаши ёки ишламаслиги, она ишлайди, ота эса ҳозирда “вақтинча” ишламайди. Аёллар оилавий ҳаётдаги она ва уй бекаси фаолиятини, оилани моддий таъминоти, касбий соҳадаги фаолияти билан мутаносиблиқда олиб бормоқдалар. Бу эса онанинг фарзандалари билан ўзаро мулоқот қилиши вақтини чегаралананишига олиб келади. “Сиз ўз фарзандингизни бугун нима қизиқтиришини, бугун нима ишлар билан банд бўлганини биласиз-ми, эртанги кунги режалари ҳақида қизиқдингизми? Ўқишдаги ўзлаштириши қай ахводда? Деган саволлармизга тўла жавоб бериша олмадилар

Оила ота-оналарнинг заарли одатлари борасида биз томонимиздан ўрганилган тўлиқ оилаларнинг шахарда истиқомат қилганларнинг 12,4% нотўлиқ оилаларнинг 32% оилада алькоголь ва гиёҳванд моддаларни истеъмол қилганлар.

Юқоридаги барча салбий омиллар натижаси оилада салбий психологик муносабатлар ва кўплаб низоли вазиятлар келиб чиқиши билан характерланади.

Шунингдек оилада ота-оналарнинг бошқа никоҳларидан туғилган фарзандлар ва ота-оналар муносабатлари ўртасида ҳам низоли вазиятлар ўсмир руҳиятидаги инқироз ҳолатларни чуқурлашувига олиб келиши мумкинлиги аниқланди.

Нотўлиқ оилалардаги ота-оналар билан сұхбатларни ташкил қилганда “ота-оналар фарзандлари содир этган суицидал уринишлар сабабларини гўёки, “эшитмайдилар”. Ота-оналар ўзларининг ҳаётидан нолишлар, фарзандлари учун эрта тонгдан то кечга қадар тинмай ишлашлари ёки фарзandalари ҳамма нарсага эга эканликларини, баъзи ҳолларда кўзларида ёш билан таъкидлайдилар.

Бу билан ота-оналарнинг ўзларига ҳам психологияк ёрдам керак эканлигини тушуниш мумкин. Албатта, низолар энг баҳти оиласаларда ҳам ҳатто бўлиб туради. Аммо уларнинг фарқи шундаки, баъзи бир оиласаларда катталар ўз норозиликларини «конструктив» тарзда билдириб, бир-бирларини тушунишга ҳаракат қилишса ва ярашишга интилишса, бошқалари бир-бирларини ҳақорат қилган ҳолда, муносабатларни бузадилар, оиласадаги тинчлик, эмоционал яқинлик йўқолади. Баъзан эса ўз жанжалларига фарзандларини ҳам жалб этишади, энг ёмон ҳолатларда ўсмирда руҳий шикастланиш ҳолатларини келиб чиқишига, асаб бузилишларига, эмоционал таранглик, ўзини айблаши ва охирги чора сифатида ўз жонига қасд қилишига олиб келади.

Фарзандларининг ўз жонига суюқасд қилишининг олдини олишда ота-оналар учун айрим тавсиялар

Фарзандлар ўз жонларига қасд қилишларининг олдини олишда ота-оналар уларнинг психологик хусусиятларидан хабардор бўлишлари кераклигини таъкидламоқчимиз.

Ўспиринлик ва ўсмирлик даврининг психологик хусусиятлари қандай?

Ўспиринлик ва ўсмирлик даври оддий ёш даврлари эмас, айнан шу ёшдаги давр қарама-қаршиликларга лиммо-лим тўла бўлғанлиги боис, уларнинг ҳатти-ҳаракатлари ота-оналарига кўп ташвиш туғдиради. Жаҳлдорлик, оила ва жамиятдаги жizzакилиги, ҳиссиётларининг баркарор эмаслиги, ота-онанинг ортиқча ғамхурлигига қаршилик кўрсатиши, уятчанлик ҳамда ўзи ва яқинларига имкониятдан ортиқ талаблар қўйиши атрофдагиларни хавотирга солади. Шунинг учун, ўспириналарнинг ҳатти-ҳаракатларини тушуниш учун, уларнинг келиб чиқиш сабабларини тушуниб етиш керак. Ота-оналар фарзандларининг мазкур босқичда қарама карши даврни бошидан кечираётганлигини тушунишлари лозим.

Бунинг ўтиш даври дейилишига сабаб шундаки, бунда ўспирин ўзини шахс сифатида, оиласининг, гурухнинг, жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида англашни бошлайди. У ўзини нафақат ижтимоий муносабатларда англайди, балки ўзининг келажакдаги, улғайланлигидаги режаларини тузишни бошлайди. Албатта, бу режалар ҳали мукаммал, аниқ-равшан эмас, лекин ўспирин учун улар жуда катта аҳамиятта эга. Фантазия (орзулар) оламида яшаётган ўспирин, унинг режаларини катталар билиб қолмасликлари учун жон жаҳди билан ҳаракат килади.

Бундай вазиятда эса катталар ўзларини қандай тушишади? Одатда ҳаётий тажрибага эга ота-оналар, устоз- мураббийлар, колаверса, ўслирин учун аҳамиятли бўлган бошқа катталар ўслиринлик даврини ҳисобга олмасдан, ўз фикрларини унга кўпинча уқтироқчи бўлишади. Натижада, катталар ва ёшлар муносабатлари ўртасида мувозанат йўқолади ва улар бир-бирларидан узоқлашиб кетадилар.

Ўслириннинг жамият конуниятлари ва маънавий қадриятларини қай даражада ўзлаштириб олганлиги, унинг шахсий қадриятлари канчалик жамиятнигига мос келиши унинг жамиятга ва катталар ҳаётига кириб боришига таъсир этади. Албатта, бу ёшда ўслирин ҳали катта эмас, лекин ортиқ бола бўлишни ҳам истамайди, шу сабабли, катталар уни мустақил ҳаётга тайёрлашлари учун кўп жиҳатдан уни қўллаб-куватлашлари зарур бўлади. Айрим ота-оналар фарзандларини ортиқча қийнамаслик мақсадида реал ҳаётий қийинчиликлардан ҳимоя қилиб, ортиқча ғамхрлик кўрсатишади (мисол учун, бозорга чиқиб, рўзгор учун нарсалар харид қилиш, боғ ва шудгорга қараш, уй жоноворларини парвариш қилиш каби жисмоний меҳнатлар). Лекин ота-она оиласдаги меҳнат тарбияси - ўслиринда масъулият хисси, ўз-ўзини ҳурмат қилиш, фуқаролик бурчини шакллантириш пойдевори эканлигини доимо ёдда тутишлари керак.

Ўслиринларнинг тенгқурлари билан сирдош муносабатда бўлишлари, айрим холларда, ўқищдаги ўзлаштиришнинг пасайишига олиб келади. Бола учун гурухдаги ва бошқаларнинг у ҳақдаги фикри жуда аҳамиятли бўла бошлайди.

Ушбу давр жинсий етуклик ва руҳан улғайиш билан белгиланиб, ўслиринларда қуидаги ҳолатлар кузатилади:

- хиссиётларнинг кучайиши;
- ийфлоқилик (айникса қизларда);
- хаёл ва ҳатти-ҳаракатдаги қарама-қаршиликлар;
- тажовузкорлик руҳидаги ҳатти-ҳаракатлар.

Шунингдек, мазкур даврда наслдан ўтган ёки орттирилган руҳий қасалликларнинг зўрайиши кузатилишини эътиборга олиш керак.

Фарзандлари ўз жонига касд килишининг олдини олиш учун ота-оналар нима қилишлари мумкин?

Самимий яхши муносабат ўрнатиш. Болалари билан яхши алока ўрнатиш. Боланинг ривожланиш жараёнида, болалар ота-оналари билан ўзаро ишонч алоқасини ўрнатган бўлишади, оила улар учун энг хавфсиз, тинч ва ишончли жой бўлиб ҳисобланади. Уларнинг самимий муносабатлари ўспиринлик даврига кириб боргунларига қадар давом этади. Сўнг, уларнинг ривожланишларида кескин жисмоний ва ақлий ўзгаришлар содир бўла бошлайди ва оқибатда оилада, тенгқурлар орасида, дунёқарашлар турли бўлғанлиги боис, можаролар чиқа бошлайди. Натижада бола енгиши кийин бўлган катта босим остида қолади. Лекин бу ҳолатда вазиятни туғри баҳолашни билса, у деярли қийинчиликларсиз катталар ҳаётига қадам қўяди.

Кўпчиликнинг фикрига қарши, ўспиринлар ота-оналари биз уйлагандан хам якироқ бўлишларига мухтож бўлишади, фақат бу нарсани очиқ ойдин айтишга ботина олмайдилар. Тўғри, ота-оналар билан муносабатлар ўзгарган бўлиши мумкин, лекин узилган эмас-ку. Катталар ўз фарзандлари билан параллел ўзгаришлари керак. Шунда улар билан яхши муносабатлар сақланиб қолади, болалар уларни ҳурмат килишади ва уларнинг фикрлари аҳамиятли эканлигини англаб етадилар. Болалар тушкунлик ва стресс ҳолатига тушиб қолишганда, айнан, ота-оналари уларга маслаҳат бериб, далда бўлишларини ҳоҳлашади. Ёшлар ва ота-оналарнинг ўрнатилган ўзаро самимий муносабатлари муаммоли вазият ва тушкунликка тушган ўспиринларга яхшигина ҳимоя қобиги бўлиб хизмат қиласди.

Ота-оналар ва фарзандларининг ўзаро муносабатларини яхшилаш йўллари

Оилада жисмоний ва руҳий ҳолатнинг хавфсизлиги ва доимийлигини таъминлаш. Бу ҳақда ҳаммада шундай-ку, деб айтишингиз мумкин, лекин афсус, тарбиялашда гоҳо чегарадан чиқиб кетамиз, фарзандимиз катта бўлиб қолганига қарамасдан, унинг ўrniga ка-рорлар қабул қиласмиз, ҳар бир кадамини қаттиқ назорат қиласмиз, фикрини инобатга олмаймиз.

Болаларга кўпроқ вақт ажратиш. Ўзаро муносабатлар орқали таъсир кўрсатиш ва фарзандга кўпроқ вақт ажратиш керак. Биз эса нима қиласмиз? Одатий гапларимиз: «Онанг билан иккимиз эшақдек ишлаб, сенларни вояга етказаяпмиз» “Яхши ўқиб, кейин институтларга кириб

кетинглар”, “Келажақда бизни боқасизлар, бор умидимиз сизлардан”, “Сизлар юзимизни ерга каратманглар” “Эл-юрт олдида шарманда бўламиш!” ва ҳ.к. Балки иш кетидан қувлаб, уларга вақт ажрата олма-ётгандирмиз? ўртача ҳисоб - китоб қилинганда, ота-она боласи билан тарбиявий ишларни олиб бориш, унинг ишларидан хабардор бўлиши учун кунига камида 20 дақиқа вақт ажратиши керак. Лекин биз ажратган вақтимиз кўпроқ дастурхон атрофидаги, овқатланиш вақтидаги гаплар билан чегараланиб қолмаганми?

Болаларга диққат-эътиборлироқ бўлиш. Ўспириналар ота-оналари уларни тинглашга эмас, кўпроқ панд-насиҳат бериш билан овора бўлишлари ҳақида шикоят киладилар. Боланинг саволига юзаки жавоб беришни эмас, балки унинг қалбида нима борлиги ҳақида билиб олишга ҳаракат қилиш керак. Психологлар буни яхши билишади, чунки сўзи бошқа хатти- ҳаракати бошқача бўлиши керак эмас. Ким билади, ҳозир сиз билан кулиб гаплашиб, иштаҳа билан тановул қилаётган болангиз тушкунлик холатида бўлиши ҳам мумкин.

Қўллаб-қувватлаш. Болангизни ҳадеб, атрофида “нима бўлди?”, “нима қиласан?”, “нега ундей?”, “нега бундай?” деяверсангиз бу кўпроқ сўроққа ухшаб қолади. Болалар ота-оналари уларни тинглашга ва ҳақоний қарор қабул килишга тайёр бўлғанларидағина ўз муаммолари билан ўртоқ бўлишини ўнутманг. Айтилган янгиликдан асабийлашиб, жазавага тушса, бола ичидагини ошкор этадими? Катталар фарзандлари мустақил фикр билдира олиши ва қарор қабул қилишга қодирлигини ҳурмат килишлари керак.

Ҳиссиётларни қўллаб-қувватлаш. Кўп ўспириналар ўз ҳиссиётларини сир тутишга уринишади ёки жиловлай олмасдан “портлаб” кетишларини кўрсатишади. Ота-оналар бу ҳолатга “юраги тор”, “инжиқ” деб баҳо берадилар. Аслида, улардан ютуқлари, қувончлари, баҳтли ҳолатлари, ҳаяжонлари ҳақида сўрашлари керак. Шундан кейингина улар сизга ўзларини қийнаётган ташвишларини ҳам айтиб бера оладилар.

Стресс ҳолатларини ўз вақтида олдини олиш. Оғир ҳис-ҳаяжонлар одатда инсонда бирон бир аҳамиятли воқеадан аввал ёки кейин содир бўлади. Мисол учун, муҳим имтиҳон топширишда, ота-онаси ажralишаётганда, ўқишдан ҳайдалганда, севгиси рад этилганда ва бошқа шунга ўхшаш ҳолатларда юзага келади. Бундай вазиятларда яқинлари болани тушунишга ҳаракат қилишлари керак. Ўз вақтида унга далда бўлиш, ёрдам қўлинни чўзиш уни чуқур тушкунлик ҳолатидан ва ўз жонига сиқасд қилишдан асраб колиши мумкин. Ўспириналар бундай

нохушликларни кўпроқ шахсий фожиа сифатида қабул қиласилар ва кечинмаларини ошкор этмайдилар. Бундай пайтда ота-оналари уларни тушунишларини жуда хам истайдилар. Самимийлик ва хақоратларсиз насиҳатлар болага анча далда бўлади.

“Мактабда кизимга инглиз тили ўқитувчиси дабдурустдан “3” баҳо қуибди. Сабаб - талафғузи унча яхшимас экан. «Нега 4 йилдан бери шахсан ўзлари “5” қўярдилар?» дейдиган одам йўқ (асл сабабни мен биламан - тавсия қилинган қўшимча қулланмани сотиб олишдан бош тортилган). Ишдан келсам, уйда «мотам» - «қизингиз “3” олибди» (9 йил ўқиб, умуман “3” олмаган-да, бундан ташқари, 2 йилдан бери инглиз тилидан репетиторга боради). ҳаха-ҳаха отиб кулиб юбордим. Тушкун кайфиятдаги қизимга энди катта бўлиб қолганини, ҳаётда шунаقا ноҳақликлар бўлиб туришини яхши англаб олиши кераклигини, одам бунга доим тайёр туриб, нормал қабул қилиши лозимлигини ётиғи билан тушунтириб қўйдим. «Қизим, сен инглиз тилини “5”га билишингни мен, онанг, репетиторинг ва ўзинг билсанг бўлди», - дедим. Тамом-вассалом! Бир зиддиятли масала ҳал.”

Ўз жонига қасд қилиш таҳликасини жиддий қабул қилинг

Юкорида таъкидланганидек, барча дўқ-пўписаларни жиддий қабул қилсангиз, фарзандингизнинг асл мақсади-қўрқитиши ёки жиддий ниятми, билиб оласиз. Кўп ҳолларда “Ўзимни улдираман” дейиш - “менга ёрдам беринг, уddeлай олмаяпман!” дейилган билан баробардир. Агарда бундай дўқ-пўписаларни бола-ку деб рад этиб, эътиборсиз қолдирсангиз, ниятини амалга ошириш хавфини оширган бўласиз.

Қуида келтирилган гапларнинг моҳиятини ўз вақтида тушуниб, фарзандингизни тўғри йўналтира олсангиз вазиятни анча ижобий томонга ўзгартирган бўласиз:

Агарда куйидаги сўзларни эшитаётган бўлсангиз:

«Ҳаммангиздан нафратланаман...»

Шундай денг:

«Нимадир бўлаётганлигини ҳис этаяпман. Кел гаплашиб оламиз.»

Гапириш таъқиқланади:

«Мен сенинг ёшингда бўлганда- нима... сафсатани бас қил!»

Агарда куйидаги сўзларни эшитаётган бўлсангиз:

«Ҳаммаси ишонарсиз ва маъноси йўқ»

Шундай дөңг:

«Тушкунлиқда эканлигингни хис қиласыпман. Гоҳо биз ҳаммамиз ҳам үзимизни шундай сезамиз. Кел, кандай муаммоларимиз борлигини күриб чиқамиз ва ечимини бирга топамиз»

Гапириш таъқиқланади:

«Сендан баттарроқлар ҳақида ўйлаб кўр»

Агарда куйидаги сўзларни эшитаётган бўлсангиз:

«Менсиз ҳаммага яхши бўлган бўлар эди!»

Шундай дөңг:

«Сен мен учун ва биз учун жуда аҳамиятлисан. Сенинг кайфиятинг мени безовта қилмоқда. Гаплашиб олайлик”

Гапириш таъқиқланади:

«Аҳмок бўлма. Кел бошқа нарса ҳақида гаплашамиз».

Агарда куйидаги сўзларни эшитаётган бўлсангиз:

«Сиз мени тушунмайсиз!»

Шундай дөңг:

«Нимани ҳис қиласыпсан менга айт. Ростдан ҳам сени тушунмоқчиман”

Гапириш таъқиқланади:

«Сени қандай ҳам тушунардим!»

Агарда куйидаги сўзларни эшитаётган бўлсангиз:

«Мен ёмон иш қилиб қўйдим»

Шундай денг:

«Ўзингни айбдор хис қилаётганингни сезиб турибман. Кел, гаплашиб оламиз»

Гапириш таъқиқланади:

«Энди нимани истайсан? Борини ҳозирок айт!» ёки “Нимани экспансанг, шуни ўрасан!”

Агарда куйидаги сўзларни эшитаётган бўлсангиз:

«Менда ҳеч нима ҳеч қачон ўхшамайди»

Шундай денг:

«Хозир сен ҳолсизланиб турибсан. Кел, буни қандай ўзгартириш мумкинлигини муҳокама қилиб оламиз»

Гапириш таъқиқланади:

«Ўхшамаяптими, демак, яхши ҳаракат қилмагансан!»

Ўз жонига қасд қилишга уриниб кўргандан сўнгги ҳатти-ҳаракатлар.

Агарда оиласизда шундай фожия содир бўлган бўлса-ю, болангизни қутқариб қолган бўлсангиз, унинг кейинги ҳатти-ҳаракатларини эътиборсиз қолдирманг, доим огоҳ бўлинг. Уни бутун оила ва яқинларингиз билан қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилинг.

Ота-она ўз фарзандига ёрдам бериш учун қуийдагиларни қўллаши мумкин:

- фарзандининг жисмоний хавфсизлигини таъминлаши;
- уни доим қўллаб-қувватлашга тайёр туриши;

- ўта ҳимояламаган ҳолда меҳрибон бўлиши;
- дикқат билан кузатиши, аммо дил-хирралик қилмаслиги;
- қисқа муддат ичидай одатий кун тартибига қайтиши;
- хавф туғдирадиган нарсаларни (кесувчи нарсалар, дорилар, арқон ва х к) кўздан йўқотиши;
- ушбу масалани факат фарзанд ташаббуси билан муҳокама қилиши (сўроққа тутиш ман этилади);
- малакали мутахассисларга ёрдам сўраб мурожаат этиши.

Ҳатти-ҳаракатларидаги ўзгаришларига огоҳ туринг.

Агарда аввал тушкунликда юрган фарзандингиз бирданига ўта кўтаринки кайфиятда юрадиган бўлса, эҳтиёт бўлинг. Депрессив ҳолатида ўта қўпол бўлишидан ҳам огоҳ бўлинг, бу спиртли ичимлик, ташвишланиш ёки тушкунлик ҳолати туфайли бўлиши мумкин.

Суицидал ҳатти – ҳаракатлар белгиларини аниқлашга ёрдам берадиган психодиагностик методикалар

Оила ҳақида маълумот йиғиш. Мутахассис олдин ўрганилаётган мухитда олдин суицидал ҳаракатлар бўлған ёки бўлмаганлигини аниқлаш керак, ўрганилаётган инсон ҳақида кўпроқ маълумот йиғиши зарур, суицидал ҳаракатлар ҳақида қанчалик кўпроқ ўйланишини аниқлаш ва ҳ.

«Тугалланмаган гаплар» методикаси. Бу методика ассоциатив тестларга киради, бунда шахснинг мухитга муносабати аниқланади. (Илова 1)

Г. Айзенк сўровномаси. Ҳар ҳил психологик аҳволнинг ўзида бор ёки йўқлигини айтиши керак. Бу сўровноманинг хавфнинг, агрессия, фрустрация ва ригидлик даражасини аниқлашга ёрдам беради (Илова 2).

ШМИШЕК тест – саволномаси ёрдамида ўсмирларнинг характер акцентуациясини аниқлаш. Характер акцентуациялар – бу ҳар бир инсонга хос бўлган баъзи бир индивидуал хусусиятларнинг «кескинлашган, уткирлашган» кўринишидир (Илова 3)

А.Басс ва И.Даркнинг агрессия шакллари ва унинг қўрсаткичлари-ни диагностика қилиш методикаси. Шахснинг йўналишини аниқлашга ёрдам беради: ўзига, атрофтагиларга, жисмоний, нисбий агрессиялар, асабийлик, вербал агрессия - агрессив реакциялар индексини ташкил қиласди; аламзадалик ва шубҳаланиш эса қаршилик реакциясини ифодалайди. (Илова 4).

Хавф-хатарга мойиллик тести. Мазкур тест ўсмирнинг хавф - хатарга мойиллигини аниқлашга ёрдам беради (Илова 5).

Ота-оналарнинг ўсмири ёшли фарзандини тушуниш тести. Тавсия этилаётган тест фақат бир саволга : «катталар ўсмирлик ва ўспирилик ёши психологиясини биладиларми?» деган саволга жавоб олишга имкон беради (Илова 6).

Юқоридаги психодиагностик методикалардан ташқари қўйдаги методикалар ҳам суицидал ҳатти –ҳаракатлар белгиларини аниқлашга яқиндан ёрдам беради:

1. Патологик характерларни аниқловчи сўровнома (А.Е. Личко);
2. Толерантлик фрустрациясини аниқловчи тест (Розенцвейга);
3. Суицидал ҳавфли ҳаракатлар сўровнома (А.Г. Шмелева);
4. Ижтимоий – психологик мослашув сўровнома (К. Роджерса и Р. Даймонда);
5. Сильвер проектив тести «Тарихингни чиз»

Суицидларни бартараф этиш учун қулланадиган психокоррекцион амалий машқлар

Бу психологик амалий машғулотларда ҳар қандай ўқувчи шахсида кузатилаётган салбий оғишларни олдини олиш мақсадида олиб борилади. Ўқувчи шахс машғулот давомида онгли равишда ўзини бошқаради ва ўз –ўзини бошқаришнинг психологик релаксация ҳолатларини ўрганиб боради.

Коррекцион тадбирларнинг ўтказилиши натижаси ўқувчи шахсида қўйидаги ижобий натижаларга эришиш имконини беради:

- Ўқувчи шахси ривожланишига имкон берувчи “ ўзини топа олиш” ҳиссининг шаклланиши “ Тикланиш” жараёнига ўтиш;
- Тезкор адаптация, ўқувчи шахси учун энг мақбул, бошқаларнинг тажрибасида синовдан ўтган йўлни танлашга ёрдам бериш;
- Ўқувчи шахси тизимини қайта қуриш , ундаги юзага келган вазиятни ҳал қила олмаслик ҳисси юзага келган “мен”ни янгидан қуриш, вазиятни янгича баҳолаш, ҳал этилишининг янги имкониятларини топиш асосида қайта қуриш,
- Қарама- қаршиликларни ҳал этишнинг янги конструктив усулларини топишда, ўсмир шахсининг ички имкониятларини фаоллаштириш;
- Янги “ Мен” индивидуал ижодий образини яратиш.

Рұхий таранглиқдан халос бўлиш учун машқлар

Күпчилик одамлар ҳаёти давомида бўлаётган ножуя хатти-ҳаралатлардан рұхий сиқилиш (депрессия)ни ёки “психологик ёниш” “стресс”ни ўзидан ўтказади. Бундай қийин вазиятда қолган одам ўзини ҳар хил нарсалар билан чалғитишади. Күпчилик рұхий таранглиқдан чиқиб кетиш йўлларини билмайди. Сурункали рұхий таранглик эса соғлик учун жуда хавфли ва психосоматик касалликларнинг сабабици ҳисобланади. Рұхий таранглиқни вақтнчалик бўлса ҳам енгишга, соғломлаштириш ўз-ўзини релаксация қилиш усуллари ёрдам беради. Уларнинг асосий мақсади – ўзингиз ва сизни ўраб турган олам билан ўзаро муносабатларни яхшилаш. Қуйида бундай машқларнинг баъзиларини сизга тақдим этамиз.

Аlamzadаликни енгиш машқи

Тинч, сокин жойда ўтириб, ўзингизни бўш қўйинг. Қоронғи театрда эканлигингизни ва олдингизда ёритилган саҳна борлигини тасаввур қилинг. Саҳнада ҳаёлан сиз кечиришингиз керак бўлган одам қиёфасини гавдалантиринг (дунёда ҳаммадан кўп нафратланадиган одамингизни). Бу одам тирик ёки ҳаётдан кўз юмган, аламзадалигингиз эса ўтиб кетган ёки ҳали-ҳамон сизни кемираётган бўлиши мумкин. Бу одам кўз ўнгингизда яққол намоён бўлгандан кейин, у билан ўзи учун жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган яхши воқеа бўлаётганини тасаввур қилинг. Уни хурсанд ва баҳтли эканини кўз олдингизга келтиринг. Бу ҳолатни бир неча дақиқага чўзизб, сўнг у кўздан ғойиб бўлсин. Кейин бу саҳнада ўзингизни тасаввур қилинг. Сиз билан ҳам фақат ижобий воқеалар содир бўлаётганини ҳаёлингиздан ўтказинг. Ўзингизни кувноқ ва баҳтли хис қилинг. **Билингки Курраи заминда ЯХШИЛИК ҳаммага етади.**

Бу машқ йиғилган аламзадалик булутларини ҳайдаб юборишга ёрдам беради. Баъзиларга машқни бажариш қийинде туюлади. Ҳар сафар машқни бажараётганда турли одамлар қиёфасини гавдалантириш мумкин. Машқни ҳар куни бир ой давомида бажаринг рұхий

саломатлигингизни емираётган аламзадалиқдан қутилганингизга амин бўласиз ва бу **ҲАЁТ НАҚАДАР ГЎЗАЛ, ЯШАШ ЭСА ТОТЛИЛИГИНИ ТУШУНАСИЗ**. Луиза Хей сўзлари

2 - машғулот “Ҳаёт қувончлари” даври

Цикл 5 та машғулотдан иборат:

- 1.** машғулот “Бизнинг ҳис - туйғуларимиз”
- 2.** машғулот “Аламзадаликнинг давоси”
- 3.** машғулот “Айбдорлик ҳисси”
- 4.** машғулот “Агрессия ва аутоагressия”
- 5.** машғулот “Ҳаёт қувончлари”

Машғулотлар ўсмир ёшдаги болаларда агрессивликни (Басс – Дарки усули) баҳолаш натижаларига кўра “аламзадалик”, “айбдорлик ҳисси” кўрсаткичлари юқори ва социометрик текшириш хулосаларига кўра жамиятда мосланувчанлиги қийин бўлган ўсмирларда ўтиш учун мўлжалланган.

Суицид назариясига асосланиб, айнан шу ўсмирлар намойишкорона эмас, балки амалда ўз-ўзини ўлдира оладиганларнинг катта қисмини ташкил этади. Бу грухга оддий, фанларни яхши ўзлаштиридиган, хулқ-авторида муаммолари йўқ ўсмирлар киради.

Олдимга қўйган асосий мақсад бу машғулотларни олиб бориш жараёнида болаларга шундай шароит яратиб бериш-ки, бола ҳаёт қийинчиликларига рўбаро бўлганда ҳеч иккиланмай руҳшуносга ишонч билан мурожаат қила олсин. Бундай болаларни фаолиятга жалб қилиш, тенгдошлари орасида ўзи ҳақида, ҳис-туйғулари, кечинмалари, муаммолари ҳақида бемалол гапира олишни, уларни ҳал қилиш усулларини топишни ўргатиш, уни эшитишлари ва тушунишларини таъминлаш машғулотларнинг асосий вазифалари.

1-машғулот “Бизнинг ҳис - туйғуларимиз”.

Болалар грухда ишлаш қоидалари билан таништириладилар, машғулотнинг мотивацион компоненти ташкил этилади. Жамоавий расм машқи қўлланилади: болага маълум вақт давомида расмнинг бир парчасини чизиш тавсия этилади. Шундан кейин расм соат мили бўйича

берилиб гурухдаги барча болалар томонидан чизилади. Бу машқнинг мақсади гурухни жипслаштириш, ҳамда болаларнинг шахсий хусусиятларини аниқлаш.

“Ҳис-туйғулар уйи” машқи ҳам маълум даражада ташхис вазифасини ўтайди. Аниқланишича гурухнинг ҳар бир аъзосининг кўнгил “уйи”да ижобий ҳис-туйғулардан ташқари аламзадалик ҳисси ҳам ўрнашиб олган. Машғулотга холоса қилиб аламзадалик туйғусига таъриф бериш таклиф этилади.

2-машғулот. Мавзу: “Аламзадаликнинг давоси”

Мақсади: гурухни жипслаштириб, болага ўзини янада чуқурроқ оча олиш ва аламзадалик туйғусига қарши туроғлилдиштириш.

Вазифалари:

1. Ўсмирлар билан мулоқот ўрнатиш.
2. Машғулотларда ижобий мухит яратиш.
3. Ўзини таҳлил қила олиш малакасини мустаҳкамлаш, ўзини янада чуқурроқ оча олишини таъминлаш.
4. Салбий ҳис-туйғуларга қарши туроғлилдиштириш ва уларни ижобийларга айлантириш кўникмаларини шакллантириш.

Усууллари: арт-терапия, ранглар терапияси, мусиқа билан даволаш, асаб-мушаклар таранглигини камайтириш, аромотерапия, тана-соғломлиги терапияси.

Психологик ўйин тренинги.

Машғулот бориши:

1. Саломлашиш ритуали

Бир-биримиз билан саломлашамиз:

- қўл бериб;
- бошни чайқатиб;
- шарқона;
- қўл билан шапалатиб

2. Болалар жойларингизни эгаллашингизни сўрайман. Олдинги машғулотда биз сизлар билан ҳис-туйғулар ҳақида гаплашган эдик. Кўнгил “уиймиз”да турли ҳис-туйғулар яшар экан (ижобий, салбий). Буларнинг орасида:

- сиёҳга ўхшагани бор, ювса ҳам кетмайдиган доғ қолдиради;
- у инсонда ёлғон, сотқинлик рўй берганда ва қийин вазиятда яқин одамлар ёрдам бермаганда юзага чиқади;
- ишонган одаминг панд берганда, ёмон кайфиятга тушганда пайдо бўлади;
- кўнглингизда номаъкул иши билан ёмон из қолдирган одамга нисбатан салбий ҳиссиёт пайдо бўлади;
- одам ҳаммадан жаҳли чиққан, нимадандир норози ва ўзидан бошқа ҳеч кимга ишонмаганда пайдо бўлади;
- яқин одамнинг ишончингни оқламаганида ёки сени тушунишни ҳоҳламаганда юзага чиқади.

Болалар, бу таърифларнинг ҳаммасини сизлар ҳаётдан баҳра олиб яшашга ва баҳтли бўлишга ҳалақит берадиган салбий туйғуларга нисбатан бердингиз. Бу аламзадалик туйғусидир.

Бугунги машғулотимизда айнан шу туйғу ҳақида сўз боради.

Кўрганимиздек ҳар бирингиз бу туйғу ҳақида тасаввурга эгасиз. Ҳозир сизларга бу туйғуни ҳаёлан эмас, балки пластилинга картон устида ишлов бериш билан ифодалашни таклиф этаман. Ишингизни мусиқа остида бажаринг, бу сизга туйғунетингизни янада аниқ ифодалашга ёрдам беради. Энди эса ишга киришамиз.

Аламзадалик ўзи нима?

3. Арт-терапия

Ишни гуруҳ бўлиб бажариш. Пластилинга картон устида ишлов бериш билан аламзадаликни ифодалаш.(5 – 7 дақиқа)

Р: - Аламзадаликни ифодалаш учун нимага бу рангни танладингиз?

- Ишни бажараётганингизда нимани ҳис қилдингиз?
- Ҳозир нимани ҳис қилаяпсиз?
- Аламзадалик қўлга қандай уннайди?

- Аламзадаликнинг таъми қандай?

4. Аламзадаликни моделлаштириш

Шиша кўзадаги сувга лимон кислотаси, мурч, туз, зираворлар қўшиб арапаштирамиз. Энди эса ҳар биримизнинг стаканимизга озгина аламзадалиқдан қуямиз. Бу суюқликни нима қилиш мумкин?

1. Аламзадаликни ютиб (ичиб) юбориш мумкин.– Бунда ўзимизни қандай ҳис қиласиз? (балки қачонлардир ўз-ўзидан ҳазм бўлиб кетади)
2. Аламзадаликни унга сабабчи бўлган одамга сепиб юбориш мумкин. (стакандаги суюқлик ўйинчоқ мушук бошидан қуилади) – Бунда нимани ҳис қиласиз? (вақтингчалик енгиллик ҳис қилишингиз мумкин, аммо кўнглингиздаги ғашлик қолаверади).
3. Аламзадалик ўз-ўзидан йўқолмагунча ҳеч нарса қилмаслик мумкин, лекин у ҳар доим ёнингизда бўлади.
4. Аламзадаликни бирор жойга сепиб юбориш (стакандаги суюқлик полга, бурчакка сепилади)

Р: - Энг маъқул усул қайси? Нимага?

Хуносаси: Аламзадаликни бирор жойга сепиб юбориш – бу салбий ҳолатга қаршилик кўрсата олишдир.

Аламзадалик натижасида юзага келадиган эмоционал тарангликни, мушаклар тонусини камайтириш мумкин.

Салбий ҳолатга муносабат билдириш.

Биз аламзадаликнинг ранги, таъми ким учун қандайligини аниqlадик. Сизнингча, аламзадалик танамизнинг қайси жойида яширинади?

5. Эмоционал таранглик ва мушаклар тонусини камайтириш учун машқлар йигиндиси.

Оёқларнинг пастки қисми учун. Оёқларда пол устида турамиз. Оёқ учида туриб, товонлар иложи борича полдан узилади. Шундай ҳолатда бир неча сония туриб, кейин асл ҳолатга қайтамиз. 5-10 сониядан кейин машқни тақрорлаймиз.

Бўкса ва қорин учун. Ўтирган ҳолатда оёқларни бироз кўтариб, учларини олдинга тортинг. Худди қарама-қарши томондаги деворга оёқ

учларини теккизмокчи бўлгандай мушакларни таранглаштиринг, сўнгра эса бўшаштиринг. Оёқлар аста полга тегади ва тиззадан юқорига қараб ёқимли илиқлик тарқалади. Ҳаёлан шуни ҳис қилишни давом этинг.

Кўкрак қафаси учун. Худди атрофингиздаги ҳамма ҳавони юта оладигандек, чуқур нафас олинг. Бироздан сўнг нафасни чиқаринг. Нафас олишдан олдинги тарангликка ва нафас чиқаргандаги бўшашишни (енгилликни) ҳис қиласиз. Нафас чиқарганингиздан кейин танангиз бўйлаб илиқлик тарқалаётганини ҳис қиласиз.

Қўллар учун. Кафтларингизни иложи борича қаттиқ мушт қилинг. Шу ҳолатда бир неча сония ушлаб сўнг кафтларингизни очинг. Бармоқлар орасини катта очинг ва тарангликни ташлаб юборинг. Машқни бажариш жараёнида қўлларингизда ёқимли оғирлик ва илиқлик пайдо бўлаётганини ҳис этасиз.

Елка ва бўйин учун. Елкаларни юқорига кўтариб ҳаёлан қулоқ супрасига теккизгандай бўлинг. Кучли тарангликдан кейин мушакларни бўшаштиринг. Диққатингизни пайдо бўлаётган енгиллик ва илиқлиқда жамланг.

Юз учун. Кўзга совун тушгандай қаттиқ юминг. Сўнг мушакларни бўшаштириб кўзда ёқимли илиқлик пайдо бўлаётгани ва унда чарчоқ, дард чўкаётганини ҳис қиласиз.

6. Энди шундай вазиятни тасаввур қилинг.

Дунёда жуда зиёли одам яшаган экан. Ҳаётида ҳамма нарса яхши бўлган экан, аммо кунларнинг бирида “мусибат” содир бўлибди. Кийим шкафида жуда кўп куя капалаклар пайдо бўлибди. Келинглар, унга улардан қутилишга ёрдам берамиз. Кафтилизни-кафтилизга уриб куя капалакларни ҳамма жойдан йўқотамиз. Диққат, мен шкаф эшигини очаман. Чапак чалинглар! Куя капалакларни тутишга ҳаракат қилинглар.

- *Машқни бажаришдан олдин нимани ҳис қиласиз?*
- *Машқларни бажариш жараёнида нимани ҳис қиласиз?*
- *Ҳозир нимани ҳис қиласиз?*

Яхши кайфият ва энергия билан қувватланамиз.

7. Аламзадаликни ўрнини бошқа салбий қайфият эгаллаб

олмаслиги учун уни яхши кайфият ва позитив билан түлдириш керак.

Ранг ва мусиқа билан даволаш (мусиқа ва сабзи рангдан фойдаланилган слайдлар кетма-кетлиги)

Ҳаётимизни янада ранг-баранг қилайлик!

8.Пластилиндан ишланган аламзадаликка қайтамиз.

- Яратган “асарингиз”га қараб нимани ҳис қиласыз?
- Нима қилмоқчи бўляяпсиз?

Рангли пластилин, мунчоқлар, патлар, тугмалардан фойдаланиб, ҳис-ҳаяжонларингизга эркинлик бериб, жаҳон санъати дурдонасини яратинг.

(гуруҳнинг ҳар бир аъзосининг алоҳида-алоҳида иши 5-7 мин)

Р: - Қани, қандай мўъжиза яратганингизни кўрайлик?

- Ишни бажараётганингизда нималарни ҳис қилдингиз?
- Асарингизга қандай ном қўйдингиз ва нимага?
- Ҳозир нимани ҳис қиласыз?

Хуноса: Энди аламзадаликни енгдик деб ишонч билан айтишимиз мумкин. Кимдадир унинг парчаси қолган бўлса, ундан қутилиш усулларини биласиз ва ҳар доим уларни қўллашингиз мумкин.

Машғулотимиз сўнгиде Леонардо да Винчининг қуйидаги сўзларини келтирмоқчиман: **“Иссиқ кийим совуқдан асрагандек, сабр-тоқат ҳам бизларни аламзадаликдан ҳимоя қиласди. Қанчалик сабрли, хотиржам бўлсангиз, аламзадалик аччиқ бўлишига қарамай сизга тега олмайди”**

Хайрлашиш ритуал ва рефлексия.

- Бугун сиз учун нима қийин бўлди?
- Нима фойдали бўлди?
- Нима қизиқ бўлди?
- Ўзингиз билан қандай яхши ҳаёлларни олиб кетасиз?

“Қарсаклар”

Энди эса гурухнинг ҳар бир аъзоси айлананинг ўртасига чиқади, қолганлар миннатдорчилик сўзларини эшитмагунларича чапак чаладилар. Охирида руҳшунос чиқади.

“Денгизда саёҳат” психологияк машқи

Машқ мақсади

Ўқувчилардаги “жисмоний ҳаракатлардаги” фаол зўриқиши, жисмоний, интеллектуалдан кейин ауторелаксация ўтказиш, бу ўз на вбатида шахс ўзини эркин ҳис қилиши, мустақил фикрлаши ва ижобий тасаввурларнинг шаклланишига ёрдам беради. Бу машқни психолог ўқувчиларга саволлардан бошлайди.

- Болалар сиз мўъжизага ишонасизми ?
- Орзу қилишини яхши қўрасизми ?
- Ҳозир мен билан бирга денгиз бўйлаб ажойиб саёҳатга боришни ҳоҳлайсизми ?

Болалар мўъжизалар рўй бериши учун мени дикқат билан тинглаб, айтганларимни бажаришингиз керак.

Кўзларингизни юмиб, мен айтган сеҳрли сўзларни такрорланг: “**Атро-фингда айланиб, денгизда бўлиб қолгин**” Кўзларингизни очинг.

Мана биз сизлар билан денгизда бўлиб қолдик. Қаранг, атроф қандай гўзал. Денгиз эса илиқ, тинч ва мафтункор.

Денгизда тўлқинлар бўлишини биласиз. Баъзан денгизга меҳмонга шамол келиб, тўлқинлар билан ўйнашни яхши кўради. Улар шундай ўйнайдиларки, турли хил сеҳрли шаклларни кўриш мумкин.

Сиз ҳам уларни кўришни ҳоҳлайсизми?

Келинглар, сизлар билан ҳозир улкан денгиз бўламиз.

Айтган сўзларимни такрорлайсиз ва “денгиз шакли жойингда қоттин” деганимда, шаклни мен айтган кайфиятда кўрсатасиз.

1-Үйин, “Денгизда тұлқинлар үйнайди бир, ... “денгиз шакли **“шодлик”** жойингда қотгин.

2-Үйин, “Денгизда тұлқинлар үйнайди бир, ... “денгиз шакли **“жахл”** жойингда қотгин.

3-Үйин, “Денгизда тұлқинлар үйнайди бир, ... “денгиз шакли **“құркүв”** жойингда қотгин.

4-Үйин, “Денгизда тұлқинлар үйнайди бир, ... “денгиз шакли **“хотир-жамлик”** жойингда қотгин.

Жуда яхши. Раҳмат.

Тұлқинлар болалар билан үйнашни ҳам хуш күрадилар. Улар тананғизни әркалаб таъсир қилишлари жуда ёқимли.

Болалар денгизда (дарёда, күлда) чўмилишни ёқтирасизми?

“Тұлқинлар” үйин машқи

Машқ мақсади

Психологик тарангликни олиб, ижобий ҳиссиётларни юзага келтиріш. психологик үйин ҳамманинг ўз үрни борлигини ва атрофдаги-ларнинг ўзига илиқ муносабатини ҳис этишга ёрдам беради.

- Келинг энди тұлқинларга айланамиз.
- Уларга ўхшаб ҳаракатлар қиламиз.
- Тұлқинлар қуёшда ярқирагандек кулишга ҳаракат қиламиз.
- Тұлқинлар қирғоққа урилғанға ўхшаб товуш чиқарамиз улар сўзла-шишни билғанларида чўмилаётган одамларга нима деганларини тасаввур қилиб овозимизни чиқариб гапирамиз.

Улар: “Биз сизларни яхши кўрамиз, биз сизларни яхши кўрамиз - деган бўлсалар керак. Энди эса ҳар бирингизга денгизда чўмилишни таклиф қиламан. (Чўмиладиган бола ўртага туради, қолганлар “тұлқин” бўлиб унинг ёнига биттадан аста югуриб келиб силаб, “Биз сени яхши кўра-миз, биз сени яхши кўрамиз - дейдилар.

“Денгизда дам олиш” ауторелаксация машқи

Машқ мақсади

Бу машқ бошланғыч синф үқувчиларида олиб борилса мақсадға мұвоғық бўлади, машқ орқали үқувчилар тўғри мослашишни, ўзларини эркин тутишни ўрганади.

- Мазза қилиб чўмилдик, энди қумга ётиб дам оламиз.
- Кўзларингизни юминг.
- Қўл – оёқларингизни ҳар тарафга ташлаб, бўш кўйинг.
- Танангиз қуёш нурлари остида яйрасин.
- Ўзингизни денгиз бўйида, қирғоқда ётгандек ҳис қилинг.
- Ёз, юмшоқ қум... Атроф сокин, сиз енгил, бир маромда нафас оляяпсиз.
- Осмон мовий, қуёш порлаб турибди.
- Майин тўлқинлар оёқларингизни, танангизни силаяпти.
- Денгиз сувининг ёқимли, тоза сезаяпсиз. Бу ҳис бутун танангизни: пешона, қорин, қўл-оёқларингизни қамраб оляяпти.
- Кайфиятингиз кўтарилиб, ҳаёт нақадар гўзал, яшаш эса тотлилигини тушунаяпсиз. Ўрнингиздан туриб ҳаракат қилгингиз келаяпти.
- Тортиниб, уч деб санаганимда кўзларингизни очинг.
- Сиз куч-қувватга эгасиз.

Саёҳатимиз ёқдими? Кўришгунча хайр!

“Сеҳрли гуллар” психологияк машқи

Машқ мақсади

Бу машқда үқувчилар ўзларига ишончни шакллантира олади.

Болажонлар, сизларни мўъжизали ўрмон бўйлаб саёҳатга таклиф қиласман. Мўъжизали ўрмонда сеҳрли гуллар ўсади. Улар ҳаракатла-ниб сўзлашишни биладилар. Яна улар сизларга ўхшаб ўйинқаро ва шўхдирлар.

■ *Сеҳрли гул бўлиб қолишни ҳоҳлайсизми?*

Куздан сеҳрли сув қуман ва сизлар гулларга айланасизлар (гулларга сув куяётгандек ҳаракатлар қиласди) Сеҳрли сув болажаонлар бошли-рига қуилгин, Уларни тезроқ гулларга айлантиргин.

- Қаранглар қандай ажойиб гулларга айландингиз.
- Бошларингизни гул, бармоқларингизни барглар каби қимирлатинг.
- Гуллар сайрга чиқмочи бўлдилар. Юриб – юриб дарёга дуч келди-лар. Дарё суви совуқ экан “бр-р-р”
- Нариги қирғоқча қандай ўтсалар экан, кўприк жуда тор.
- Келинглар бир қатор бўлиб турамиз ва бир қўлимиз билан бир-би-римизни, иккинчи қўлимиз билан кўприк четини ушлаймиз.
- Аста – секин қадам босиб юрамиз. Кўприқдан ўтиб, гуллар майса-зорга келдилар, айлана бўлиб турдилар.
- Гуллар капалакларни тутмоқчи бўлдилар. Оёқларни кенгроқ қўй-иб, қўлларни олдинга узатиб, танангизни таранглашириング. “Ушла капалакни”, “ушла”. Ушлай олмадик, капалаклар учиб кетдилар. Гуллар капалакларни тутгунларича кучли шамол турди. Гуллар ўтириб, таналарини пастга эгилиб, барглари осилиб қолди.
- Шамол тинчили. Қуёш чиқди. Гуллар қуёшга кулиб боқдилар.
- Майсазорга ниначилар келдилар. Гуллар уларнинг кетидан енгил ҳаракатлар билан оёқлари учида майсазор бўйлаб югурдилар.
- Гуллар хурсанд.
- Баргларини–қўлларини ниначилар қанотлари каби ҳаракатлантирадилар.
- Тўхтаб, жойларида айланиб, ўтириб оладилар.
- Майсазорга ётиб қўл-оёқларни, бутун танани бўшашибтириб, дам оладилар.
- Дам олиб, гуллар куч-кувватга тўлдилар. Қаердандир мусиқа товушлари эшитилди. Гуллар рақсга тушиб кетдилар (“Гуллар

вальси” күйи таралади).

Мактабга қайтиш вақти келди.

Хозир мен чапак чаламан ва сизлар яна ақпли, мөхрибон болажон-ларга айланасизлар.

“Механик үйинчоқлар” психологияк машқи

Машқ мақсади

Мустақил фикрлаш ва ҳаракатланишга ўргатиш.

Болажонлар, ҳозир сизлар механик үйинчоқларга айланасизлар: Үз атрофингда айланғин, Құғирчоқ Маша қиёфасига киргін. Болажонлар құғирчоқни, үйнаётган айиқ, қүёнчани, барабан чалаётган масхара-бозни күрсатыб берадилар. Механик үйинчоқлар синиб қолдилар. Қайси ҳолатни күрсаётган бұлсанғыз худди шу ҳолатда қотиб туриңг. Болажонлар маълум бир ҳолатда қотиб турадилар. Тананғиздаги та-рангликни ҳис қилинг. Энди эса қандай бұшашишингизни күрсатинг. Даңталаб бошингизни пастга тушириңг, кейин құллингизни ва тананғизни. Синган құғирчоққа қайғураётганингизни күрсатинг. Дадажонингиз құғирчоғингизни тузатыб берди. Хурсандчилігингизни чеки йүқ. Буни намойиш этинг.

“Мушук ва сичқончалар” психологияк машқи

Машқ мақсади

Жисмоний тұғри ҳаракатлантириш, ўзига ишончни шакллантириш.

Иккита сичқонча мушук ухлаб ётган йүлни кесиб ўтишлари керак. Улар бир оёқ учларыда юриб, бир тұхтаб, бир-бирларыга “секин” ишорасини күрсатыб үтдилар.

Мусиқа оқанғлари таралмоқда.

Ифодали ҳаракатлар: бўйнингиз олдинга чўзилган, кўрсаткич бар-моғингиз лабларингизга босилган, қошларингиз юқорига кўтарилган.

“Чапакни эшит” психологияк машқи

Машқ мақсади

Жисмоний түғри ҳаракатлантириш, ўзига ишончни шакллантириш.

Үйинга жалб қилингандар болажонлар айлана бўйлаб ҳаракат қиладилар. Бошловчи чапак чалганда болажонлар тўхтаб, “лайлак ҳолати”ни (битта оёқда туриб, қўлларни ён тарафга қаратиб) эгалладилар. Агар бошловчи икки марта чапак чалса, ўйинда қатнашаётганлар “курбақа ҳолати” (чўккараб ўтириб, товонлар бирлашган, оёқ учлари ва тиззалири четга қараган, қўллар оёқлар орасида полда) ни олишлари керак. Чапак уч марта чалинса, болажонлар яна айлана бўйлаб ҳаракатларини давом эттирадилар.

“Турли хил ҳолатлар” психологияк машқи

Машқ мақсади

Ўқувчиларнинг хотирасини яхшилаш ва диққатни бошқаришни ўрганиш.

Ўйинда қатнашаётганлар турли хил ҳолатларни кўрсатиб берадилар. Бошловчи уларга қараб, эслаб қолиб, болалар жойларига ўтирганларидан кейин худди ўша ҳолатни кўрсатиб бериши керак.

“Ландовурлар” психологияк машқи

Машқ мақсади

Жисмоний түғри ҳаракатлантириш, диққатни бошқаришни ўрганиш.

Ўйинда қатнашаётганлар қўлларини ушлаб айлана бўйлаб ҳаракат қиладилар. Бошловчининг буйруғига (масалан, қўнғироқ овози) қараб тўхтайдилар, чапак чаладилар ва ҳаракатларини қарама-қарши томонга қараб давом эттирадилар.

Ҳар битта буйруғдан кейин ҳаракат йўналиши ўзгаради. Вазифани тўғри бажармаган бола айлана ўртасига ўтиради.

“Жосуслар” психологияк машқи

Машқ мақсади

Ўқувчиларни интизомга ўргатиш

Хонага тартибсиз равишда стуллар қўйилади. Битта бола – жосус-хонада стулларни ҳар томондан айланиб чиқади. Иккинчи бола – командир- йўлни эслаб қолиб, отрядни шу йўлдан олиб ўтиши керак. Кейин жосус ва командир ролини бошқа болалар ижро этадилар. Худди олдингидек жосус йўлни аниқлайди, командир эса отрядни шу йўлдан олиб боради.

“Хаёл сурис” психологик машқи

Машқ мақсади

Ўқувчида танлаш ва имконият қидириш йўлларини шакллантириш

Бола ўрмонда қўзиқорин териб адашиб қолди. Юриб-юриб ахир катта йўлга чиқиб олди. Аммо қайси томонга юриш керак..?

Мусиқа тароналари эшитилади.

Ифодали ҳаракатлар: бола, қўлларини кўксига даҳанини тираган ҳолда турибди.

«Штангист» психологик машқи

Машқ мақсади

Ўқувчида чорчоқни олиш, психологик зўриқишдан чиқиш

Үқувчи ўз тасаввурида құлиға штангани олади. Бола оғир штангани күтәради, ташлайди ва дам олади.

“Нонни босған қиз” пантомимика машқи

Г.Х.Андерсен әртакларидан бирида Инге исмли қиз ҳақида ҳикоя қилған. Инге истарали, аммо гердайған қиз эди. Онаси камбағал, ўзи әса бой хонадонда яшарди. Инге онасининг камбағаллигидан уяларди. Бир куни уни онасидан хабар олиш учун юбориши. Инге энг чиройли күйлагини, янги туфлисini кийиб йўлга тушди. Йўлни ботқоқ кесиб ўтган бўлиб, ундан ўтиш учун балчиқдан юриш керак эди. Инге кўп ўйлаб турмасдан, туфлиси лой бўлмаслиги учун балчиққа нонни ташлади. Нон устига битта оёғини қўйган ҳам эдики, балчиққа ботишни бошлади ва ботқоқ бекасининг олдига тушди. У пиво пишираётган эди. “Ахлатхона бу ер олдида сарой” деб ўйлади Инге: ҳар бир идишдан таралаётган ҳидга чидаб бўлмасди. Бунақа идишлар эса сон-саноқсиз эди. Атрофда қурбалар сакрарди. Инге мана шу жойга тушиб қолганди. У титраб бутун бадани музлаётганини ҳис қила бошлади ва охир-оқибат тош қизга айланди. (Болалар галма-галдан тош қиз образини ва юзидағи жирканишни намойиш қиласидилар).

“Ҳа ва йўқ” машқи

Машқ мақсади

Бу ўйин ҳам болаларни тушкунлик ва чарчоқлик ҳолатидан чиқаришга йўналтирилган бўлиб, улардаги кучни уйғотади. Бу ўйиннинг ажойиб томони фақат овознинг ишлатилишидир. Шунинг учун “Ҳа ва йўқ” ўйини таъкидлаш усули сифатида ўз овозини ҳали очаолмаган болалар учун фойдалидир. Ўйинли мунозара руҳий ҳолатни янгилайди, тарангликни бўшаштиради. Лекин синфда маълум вақт шовқин бўлади.

Материаллар: Кичик қўнғироқ.

Йўриқнома: Овозингиз қандайлигини эсланг. Пастми, баландми ёки ўртачами?

Ҳозир сиз овозингизнинг бор кучидан фойдаланасиз. Сўз жангини ўтказасиз. Қайси бирингиз “ҳа”, қайси бирингиз “йўқ” дейишингизни

ҳал этинг. Мунозара фақат шу икки сүздан иборат. Кейин уларни алмаштирасиз. Сиз секин бошлашингиз мумкин, аста-секин овозингизни кўтариб борасиз, овоз энг баланд даражага кўтарилиганига ишонгунингизга давом эттирасиз. Мен қўнғироқни чалганимдан кейин тўхтайсиз, бир неча бор чукур нафас оласиз. Шовқиндан кейин тинчликда бўлиш ёқимли эканлигига аҳамият беринг.

Хулосалар

Ушбу “Таълим муассасаларида суициднинг психопрофилактик чора-тадбирларини ташкил этиш (диагностика, профилактика, коррекция)” номли ўқув методик қўлланмани ҳозирги вақтда турли хил ноxуш ҳодисалар яъни ўз жонига қасд қилиш “Суицид”ни олдини олиш ҳамда суицид ҳолати қандай ҳолат буни тўғри тушуниб олиш учун педагог-психолог ва ўқувчилар, ота-оналарга бағишладик. Мактаб педагог-психологи ва ота-оналар учун методик қўлланма имкон қадар соддалаштирилган, чунки бунда фақатгина мактаб психологи эмас ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари, синф раҳбарлар, фан бўйича ўқитувчилар ҳамда тарбиячилар учун ҳам мўлжалланган. Методик қўлланмада мактаб ёшидаги ўқувчи ва ўқитувчи психологиясининг айrim жиҳатларига эътибор қаратилди. Таълим муассасасидаги ўқувчи шахс психологияси ва содир бўлаётган салбий ҳодисалар баён қилинган.

Юқорида келтирилган ноxуш ҳодисаларнинг олдини олиш учун кўрсатилган амалий машғулотлар, коррекцион машқлар, ўқувчи шахсида жуда кўп ижобий хусусиятларнинг шаклланишига ёрдам беради. Ўқитувчи ва ўқувчи муносабатларининг соғломлашиши, жипслашувига ва ўзаро ишонч туйғусининг шаклланишига ёрдам беради. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги ҳамкорлик ишларига ҳам ижобий жиҳатдан ўзгаришларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Психолог мутахассисларнинг фикри бўйича бу машқлар бир вақтнинг ўзида ижобий таъсир кўрсатмаса, бу жараён узоқ вақт кўп машқ қилишни талаб қиласди. Аммо мутахассислар назорати остида ўтказилиладиган машғулотларнинг натижаси қисқароқ вақт ичida намоён бўлади. Хулоса сифатида шуни айтиш жоизки, мактаб психологлари учун ушбу тавсия этилаётган фикрлар билан бирга олиб бориладиган психокоррекцион машқлар бугунги куннинг барча талабларига мос келади. Мактаб психологи ёки амалиётчи психолог психолого-педагогик тренинг машғулотларини олиб бориш учун қулай жой танлаши лозим. Ўқув аудитория ёки маҳсус психологик хона юмшоқ мебеллар билан жиҳозлангани мақсадга мувофиқдир.

Машғулот иштирокчилари ўзларининг ҳохиш истаклари билан олиб борилиши лозим. Сиз учун қийинчилик туғдирсада кутишга тұғри келади, кичик ёки каттами психологик жароқат бир пастда йүқ бўлиб кетавермайди. Ҳар бир шахсда ўзини ўзgartириш учун учта мотив бўлишига эътибор беринг 1-ҳохиш, 2-ишонч, 3-ҳаракат, албатта сиз яхши яшашга ҳоҳлисиз.

Психодиагностик методикалар

Илова 1. «Тугалланмаган гаплар» методикаси

Бұметодика ассоциатив тестларга киради, бунда шахснің мұхитта муносабати аниқланады. Текширилаётган одам қуидегі гапни давом әттириш керак. «Эртага мен....», «Бир күн келади ва мен....», «Мен яшагим келади, сабаби....».

Мақсад

Ота-оналарга, ақа-үкаларга, болаликка доир ёки доир әмас гүрухларга, ўқитувчиларга, үз қобилиятларига муносабатини аниқлаш, қарама – қаршилик ва ички кечинмаларини психолог охирги сүзигача ёзиб бориши керак.

Намуна: тестдеги гапни бир ёки бир неча сүзлар билан яқунлаш керак.

1. Ўйлашимча, одамларни қўпроқ.....
2. Оиласдаги бола.....
3. Биз онамизни яхши кўрамиз.....
4. Болалар орасида боламиз, бироқ.....
5. Менинг акам/ опам.....
6. Мен етарли даражада эпчилман
7. Эртага мен.....
8. Гоҳида акамлар.....
9. Менинг билан ўйнаётган болалар.....
10. Бизнинг отамиз бўлиши учун.....

- 11.** Яқинларим мен ҳаққымда.....үйлайди.....
- 12.** Агарда менинг акам/ опам.....
- 13.** Менинг дустларим мени
- 14.** Мен ҳам.....бўлмаслигини хоҳлар эдим
- 15.** Касал бола.....
- 16.** Менинг фикримча онам тез-тездан.....
- 17.** Яна шу кун келади.....
- 18.** Агарда мактаб бўлмагандা.....
- 19.** Ҳамма жойим титраб кетади, агар.....
- 20.** Мактаб ҳақида ўйлаганимда.....
- 21.** Агарда мен кўркишимни билса
- 22.** Агарда мен жуда баҳтли бўлар эдим
- 23.** Мен яшагим келади, сабаби
- 24.** Мен энг
- 25.** Келажакда мен.....
- 26.** Менинг устозим.....
- 27.** Мен мактабни тугатганимда.....
- 28.** Ҳамма вақт орзу қиласман.

Интерпретация:

- 1.** Онага муносабат – 3,16
- 2.** Отага муносабат – 7,10
- 3.** Ака, опаларга муносабат – 5,12
- 4.** Оиласга муносабат – 2,11
- 5.** Тенгдошларига муносабат – 4,9,13
- 6.** Ўқитувчи ва мактабга муносабат – 23, 18, 26

- 7.** Умуман одамларга муносабат – 1
- 8.** Ўз қобилиятига муносабат – 6, 24
- 9.** Касалликка муносабат – 15
- 10.** Аччиқ ўтмиш ва кўркувлар – 14, 19, 21
- 11.** Орзу ва келажақдаги режалар – 22, 25, 28
- 12.** Янгилик ишоралар – 7, 17, 23, 27

Натижаларни ҳисоблагандага ўсмирларнинг атроф мухит ҳақидаги фикрларини ва ўз жонини сақлаб қолишга интилиши бор ёки йўқ эканлигига этибор бериш.

Илова 2. Г. Айзенк сўровномаси

Мақсад

Хавор – хатарнинг, агрессия, фрустрация ва ригидликнинг дара-жасини аниqlайди.

Кўрсатма: Ҳар бир гапдан (жумладан) кейин 2,1,0, сонлари турибди. Агар жумла сизга тўғри келса унда 2 сонини чизинг, агар унчалик эмас бўлса 1 сонини, умуман тўғри келмаса 0 сонини чизинг.

1. Мен кўпинча ўз кучимга ишонмайман. 2.1.0
2. Баъзида ечимга бўлсада вазиятдан чиқа олмайдигандай сезаман.
3. Кўп ҳолларда хуносавий фикрни мен айтаман.
4. Ўрганган одатларимни тошлишим қийин.
5. Баъзида икир – чикирга уялиб қоламан.
6. Келишмовчиликлар менга қаттиқ таъсир этади ва кайфиятим тушиб кетади.
7. Баъзида бирор менига гапираётганда мен унинг гапини бўлаверман.
8. Бир вазифадан иккинчи вазифага давров утишга қийналаман.
9. Тунда тез-тез уйғонаман.
10. Йирик кўнгилсизликларда мен фақат ўзимни айблайман.
11. Менинг жаҳлим тез.
12. Ҳаётимдаги ўзгаришларга эҳтиёткорлик билан ёндашаман.

13. Мен тез хафа бўламан.
14. Кўнгилсизлик ва келишмоёчиликлардан ҳеч ҳам сабак олмайман.
15. Мен кўпинча ўзгалар камчилигини кўрсатаман.
16. Баҳсда мени енгиш қийин.
17. Мени хаёлимдаги кўнгилсизликлар ҳам қўрқитади.
18. Доим курашдан бош тортаман, сабаби уни бефойда деб ҳисоблайман.
19. Ёнимдагилар орасида нуфузли бўлишни ҳоҳлайман.
20. Баъзида унумтиш лазим бўлган нарсаларни хаёлимдан чиқаролмайман.
21. Мени ҳаётда дуч келадиган қийинчилеклар чарчатади.
22. Баъзида ўзимни кучсиз сезаман.
23. Ҳар қандай ишда арзимаган нарсага қониқмайман, энг юқори ютуқларга эришгим келади.
24. Одамлар билан тез тил топишаман.
25. Ўз камчилекларим ҳақида кўп ўйлайман.
26. Баъзан умидсизликка тушиб, нима қилишимни билмай қоламан.
27. Газабланганда ўзимни тутма олмайман.
28. Ўсмирда тўсатдан бир нима ўзгарса, тушкунликка тушаман.
29. Фикримни осон ўзгартираман.
30. Қийинчилек тўғилса, нима қилишимни билмай қоламан.
31. Бошқарувни маъқул кўраман, бирорга қарам бўлгим келмайди.
32. Баъзида қайсарлигим тутмади.
33. Мен ўз соғлигум ҳақида қайғураман.
34. Қийналган пайтларда ўзимни боладай тутмаман.

- 35.** Менинг ҳаракатларим кескин өз қўрол.
- 36.** Таъвакколчиллик қилишдан қўрқаман.
- 37.** Кутишига тоқатим йўқ, ёмон кўраман.
- 38.** Ўз камчиликларимни ҳеч қачон тузата олмасам керак деб қўрқитаман.
- 39.** Мен ўч олмай қўймайман (қасоскорман).
- 40.** Режаларимдаги арзимаган хатоликлар ҳам мени ташвишга солади.

Калити:

- 1.** Хавотирлик шкаласи: 1, 5, 9, 13, 17, 21, 25, 29, 33, 37.
- 2.** Фрустрации шкаласи: 2, 6, 10, 14, 18, 22, 26, 30, 34, 38
- 3.** Агрессия шкаласи: 3, 7, 11, 15, 19, 23, 27, 31, 35, 39.
- 4.** Ригидлик шкаласи: 4, 8, 12, 16, 20, 24, 28, 32, 36, 40.

Ҳисобланган натижаларнинг миқдори «1» ва «2» сонларига калит билан мос келган. Ҳар бир мос келган жавобдаги «2» сони 2 балл, «1» сони 1 баллни ташкил этади. Кейин ҳар бир шкала бўйича жавоблар жамланади. Ҳар бир шкала бўйича ўртacha балл – 10 балл. Маълум бир баллдан ошиб кетиш бу шахсдаги ўрганилаётган хислатнинг борлигини кўрсатади.

Илова 3. Шмишек сўровномаси «Характер акцентуацияси»

Шмишек сўравномас характернинг хусусиятларини аниқлайди. Характер акцентуациясининг бўлиши камчилик бўлиб эмас, аксинча одамнинг ўзига хос ўзгача хислатининг бор эканлигини кўрсатади. Бундай ҳолларда «Яширин акцентуация» кўтаринки ҳолатларда юзага чиқмайди, уларнинг аксари белгилари тўлиқтирилиб борилиши натижасида одам сифатли самарали иш олиб боради. Ҳар бир акцентуация типларида ижобий хислатлар бўлади, шу сабаб аниқ бир ишни бажаришда шуларга таянади. К. Леонгарднинг Шмишек тести (сўровномаси) 88 саводдан иборат бўлиб, улар 10 шкалага тўпланади. Уларнинг ҳар бири акцентуациянинг бир соҳасига тўғри келади.

- 1 - юқори ҳаёт фаоллиги.
- 2 - қўзғалувчанлик.
- 3 - эмоцианал рекциянинг чуқурлиги (кучлилиги).
- 4 - педантизм.
- 5 - юқори хавотир.
- 6 - кайфиятнинг ўзгариши.
- 7 - демонстратив (кўрсатиш)
- 8 - беқарорлик.
- 9 - чарчоқ
- 10 - эмоциянинг кучи ва аниқлиги.

Мақсад

Характер акцентуациясини аниқлаш.

Эслатма: Келтирилган саволга жавоб беришингизни сўранамиз. Тўғри ёки хато жавоб бўлмаслигини эсда тутинг. Шунинг учун саволга кўп уйланмасдан бирдан тез жавоб беринг. Агар фикр сизга маъқул келса унда «1» қўйинг, агар ёқмаса унда «0». Саволга фақатгина «1» ёки «0» деб жавоб бериш керак.

Натижани ҳисобланг: Акцентуация формула асосида балларни ко-эффицентга кўпайтирилади. 12 ва ундан ортиқ юқори балл жамламаси маълум типга хос характер акцетуациясини ифодалайди.

1. Кўпинча кайфиятингиз бегам ва кўнгилли бўладими?
2. Камситишлар сизга қаттиқ таъсир этадими?
3. Кино кўрганда, театрда ёки гаплашаётганда кўзингизга ёш келадими?
4. Бир нарса ишлаб бўлгандан кейин, бу тўғри ёки нотўғрилигига ишонмай қайта-қайта текширасизми?
5. Тенгдошларингиз орасида шуларек мард қурқмас довюракмидингиз?
6. Аҳён - аҳёнда тўсатдан кайфиятингиз ва ўзингизга бўлган муносабатингиз ўзгарадими - масалан чексиз қувончдан хаётдан нолишгача?
7. Кўпчиликнинг дикқат марказидамисиз?
8. Бесабаб ёмон кайфиятда бўлганингизда бирорнинг гапини тинглай олмаслик ҳолати кузатиладими?
9. Сиз жиддиймисиз.
10. Қандайдир нарсага қувонасизми?
11. Ўзингизни уқувли деб уйлайсизми?
12. Хафа қилган инсонни тез унумасизми?
13. Кўнгилчанмисиз?
14. Хатни почтага ташлаганингизда у аниқ ящикдалигини (кутидалилиги) текшириб кўрасизми?
15. Яхши ўқувчи бўлишга интиласизми?

- 16.** Болалигингиизда момақалдироқ ёки бегона итдан қүркқанмисиз?
- 17.** Ҳамма вақт ҳар доим озодамисиз?
- 18.** Кайфиятингиз ташқи мухит билан боғлиқми?
- 19.** Танишларингиз сизни ёқтирадими?
- 20.** Гоҳида сизда ички қўрқинч хавотир бўладими?
- 21.** Кайфиятингиз тез-тез бўзиладими?
- 22.** Сизда руҳий тушкунлик бўлганми?
- 23.** Бир жойда кўп вақт ўтира оласизми?
- 24.** Агар сизга ноҳақлик қилинса, қарши турасизми?
- 25.** Товуқ ёки қўй суя оласизми?
- 26.** Агар ўйда парда қийшайған ҳолда тўрса уни дарроғ тўзатасизми?
- 27.** Болалигингиизда уйда ёлгиз қолишга қўтқармидингиз?
- 28.** Сизнинг бесабаб кайфиятингиз ўзгарадими?
- 29.** Ишда ҳар доим энг намунали бўлишни ҳоҳлайсизми?
- 30.** Жаҳлингиз тезми?
- 31.** Бутунлай бегам ваш шўх бўла оласизми?
- 32.** Гоҳида ўзингизни баҳтлиман дея оласизми?
- 33.** Ҳазиломуз спектаклда бошловчи бўла оласизми?
- 34.** Ўзингизнинг фикрингиизни бошқаларга очиқчасига билдира оласизми?
- 35.** Қондан қўрқасизми? Бу ёқимсиз ҳисларни келтирадими?
- 36.** Шахсий масъулият талаб ишларни ёқтирасизми?
- 37.** Айбсиз айбдор тарафини оласизми?.?
- 38.** Қоронғи ертўладан қўрқасизми?

- 39.** Сифати аҳамиятсиз бўлган, бироқ тез бажариладиган ишни ишилашини ҳоҳлайсизми?
- 40.** Сиз самимиймисиз?
- 41.** Мактабда сиз шеърни осон айтса оладиганмисиз?
- 42.** Кичкиналигингиизда уйдан қочган вақтларингиз бўлганми?
- 43.** Сизга ҳаёт қийин бўлиб кўринганми?
- 44.** Бирор билан жанжаллашгандан кейин ўқишига баролмаган пайтларингиз бўлганми?
- 45.** Кўнгилсиз вақтларда ҳам юқори кайфиятингизни сақлаб қола оласизми?
- 46.** Сизни бирор хафа қилса, биринчи бўлиб гап бошлайсизми?
- 47.** Ҳайвонларни яхши кўрасизми?
- 48.** Агар уйда ёки ишда бир нимани унумсангиз ҳаммаси ўрнида ёки ўрнида эмаслигини текшириш учун қайтиб келасизми?
- 49.** Сиз ёки яқинларингизга бир нима бўлиб қолиши мумкин деган хавотир сизни тарк этмайдиган пайтлари бўладими?
- 50.** Сизнинг хулқингиз жуда ўзгарувчан деб уйлайсизми?
- 51.** Кўпчилик олдида эркин гапира оласизми?
- 52.** Сизни хафа қилган инсонни ура оласизми?
- 53.** Бошқа одамлар билан гаплашиш заруриятини сезасизми?
- 54.** Бирон нарсадан хафа бўлиб чуқур қайғуга тушасизми?
- 55.** Ташкилотчилик, ижодкорликни талаб қиласидиган ишни ёқтирасизми?
- 56.** Мақсадага эришиш учун сиз барча тўсиқларни енга оласизми?
- 57.** Қайғуни филъм кўрганингиизда кўзингизга ёш келадими?
- 58.** Ўтган ёки эртаниги қунги муоммаларни уйлаб тунда ухлай олмаган кунингиз бўлганми?
- 59.** Мактабда топшириқни кўчиришига борганимисиз?

- 60.** Тунда қабристондан ёлгиз үзингиз ўтта оласизми?
- 61.** Үйингиздә ҳамма нарса ўз ўрнида бўлишни ҳоҳлайсизми?
- 62.** Уйқудан олдин яхши кайфиятда бўлиб, эрталаб бир неча соат давом этадиган ёмон кайфиятда турганмисиз?
- 63.** Янги вазиятларга тез мослашасизми?
- 64.** Бошингиз тез-тез оғрийдими?
- 65.** Тез-тез кулиб турасизми?
- 66.** Үзингиз ёқтирумаган инсон билан самимий муносабатда бўладими?
- 67.** Сиз чаққонмисиз?
- 68.** Ҳакийкатсизликни сирли қаттиқ ташвишга соладими?
- 69.** Үзингизни унинг дўстиман дегандай табиятда тутишини яхши кўрасизми?
- 70.** Уйдан кетаётганда ёки уйку олдидан сиз газ ўчирилдими, эшик қулфлим, чироқ ўчирилдими деб қайта текширасизми?
- 71.** Сиз қўрқоқмисиз?
- 72.** Алкогол қабул қилиш пайтида кайфиятингиз ўзгарадими?
- 73.** Ёшлигиниздә сиз ижодий санъат тўгаракларига, театр, рақсга қатнашганимисиз?
- 74.** Сиз ҳаётга ноумид қарайсизми?
- 75.** Саёҳат қилишини ҳоҳлайсизми?
- 76.** Қувончли кайфиятингиз бирдан ўзгариб хафа бўлиб қоласизми?
- 77.** Дўстларингизнинг кайфиятини кўтара оласизми?
- 78.** Гина қудратни кўп вақт сақлайсизми?
- 79.** Ўзгаларнинг дардини үзингизга қабул қиласизми?
- 80.** Ўқувчи вақтингизда бир варақни бузиб олганда, уни қайтадан ёзганмисиз?

- 81.** Одамларга ишонасизлик ёки ишончсизлик юқорими (устунми)?
- 82.** Қүркінгіли түш күрасизми?
- 83.** Ўтиб бораётган поезд тағига тушишим ёки күп вақтли уй-нинг деразасидан қулаб кетишім мүмкін деб үйлайсизми?
- 84.** Күнгилочар муҳитда кайфиятингиз күтарыладими?
- 85.** Ечим талаб қиласынан мұаммолардан үзингишни оз вақт бўлса-да йироқ тута оласизми?
- 86.** Алкогол қабул қийғандан кейин үзигизни эркин тута оласизми?
- 87.** Күп гапирасизми?
- 88.** Агар спектаклда үйнагандан ролга кириб кета оласизми?

Калит:

Саволларга жавобингиз түғри келса «1» балл қўйилади, сўнг баллар суммасини ҳар бир шкала бўйича коэффициентга кўпайтириш керак.

Характер хислатлари		
Коэффициент	«Ҳа» деган саволларнинг №	«Йўқ» саволларнинг №
Гипертим		
3	1, 12, 25, 36, 50, 61, 75, 85	—
Дистим		
3	10, 23, 48, 83	34, 58, 73
Циклотим		
3	6, 20, 31, 44, 55, 70, 80	—
Эмоционал		
3	3, 14, 52, 64, 77, 87	28, 39

Демонстратив		
2	7, 21, 24, 32, 45, 49, 71, 74, 81,	56
Карахт		
2	2, 16, 26, 38, 41, 62, 76, 86	13, 51
Педантизм		
2	4, 15, 19, 29, 43, 53, 65, 69, 78	40
Хавотирили		
3	17, 30, 42, 54, 79	5, 67
Күзғалувчан		
3	8, 22, 33, 46, 57, 72, 82,	—
Экзалътири		
6	11, 35, 60, 84	—
Ёлғончи		
1	9, 47, 59, 68, 83	18, 27, 37, 63

Күпайтмадан кейин балларнинг максимал суммаси – 24. Ҳар бир маълумотларга қараганда 12 баллдан ошганда акцентуация белгилари мавжуд бўлиб ҳисобланади.

Леонграднинг белгиланган 10 тип акцентуацияли шахслар 2 гурӯҳга ажратилади. 1 гурӯҳ характерга доир (демостратив, педант, карахт, күзғалувчан). 2 гурӯҳ темпераментга доир (гипертим, дистим, хавотирили, қўрқинчли, циклотим, аффектли, эмотив).

Характер акцентуацияси

Демонстратив тип

Ушбу типдагилар одамларга юқори даражада мослашадигандай күрсатиб, юзаки табассум орқали ташқи кайфиятини тез ўзгариради. Кўз олдида бошқалар мақталса, уларга ҳасад қиласди. Жамоада лидер бўлишга интилади, ўзгача ўринни эгаллигиси келади. Ўзига объектив баҳодан қаддан ортиқ баҳо беради. Ўзининг мағрурлиги билан одамларнинг ғазабини келтиради ва бошқалардан аввал жанжал бошлаб, ноҳақ бўлсада ўзини ҳимоялаб ҳақ қилиб кўрсатади. У билгиси келмагандарни тўлалиги билан унубиб, эсидан чиқариб ташлаш хислатига эга. Бу уни ёлғон гапиришдан тортинмайдиган қиласди. У ёлғон сўзни рост сўзга айлантириб, ҳаттоқи ўзини ҳам рост гапираётгандай қилиб ишонтиради. Ёлғон гапираётганингини юрақдан сезмайди ёки виждони қийналмайди.

Караҳт тип

Ушбу типдагиларга камгаплик, зерикарлилик, майдалик ва ўзгаларга ақл ўргатгиси келадиган хислат хос. Ҳеч ким ҳеч нима қилмаса қилмасада, улар тез-тездан ноҳақлик қиласяди деган фикрга боради. Шунинг сабабидан одамларга ишончсизлик билан авайлаб муносабатда бўлишга ҳаракат қиласди. Қайғу ва хафагарчилик гина қудрат кучли. Бундай одамларнинг жонига тегиш, хафа қилиш осон, ўзи ожиз, шубҳаланувчи, ўч олувчи, утган ишларни, гина – қудратни, узоқ вақт давомида унута олмайди. Ўзида майдолик характеристери устун бўлиб, кўпинча жанжални биринчи бошлайди. Ўз-ўзига ҳаддан ташқари ишонгандарни писанд қилмайди. Шахсий ўзининг фикрини, қизиқишини бошқаларга билдиришни ёқтиради. Ҳар қандай ишда юқори кўрсатичга интилади. Қайсарлик билан белгиланган мақсадига эришишга интилади.

Педант тип

(Пишиқ, жуда майда тип) – улар ригидлиги билан характерланиб, ҳаракатланиши қийин кечади ва ножӯя воқеаларга кўп вақтгача ташвишланиб юради. Зиддиетларда пассив бўлиб, кўпинча бошқаларга йўл

бериб, тортишгандан кўра енгилганни маъқул кўради. Шунинг билан бирга ҳоқлаган тартиб бузарликка қаттиқ қийналади. Иш жараёнида ўзини бюрократ сифатида тутиб, ёнидагиларга расмий талабларни қўяди. У пухта, фаросатли, озода, бор эътиборини тозалик билан тартибга қаратади. Берилган топшириқни чин кўнгли билан бажаради, ишни режа бўйича шошмасдан, бир жойда ўтирган ҳолда бажаришга ўрганган. Ишнинг сифатининг юқори, жуда тартибли чиқишига, йўналишни, ўз-ўзини назорат қилиб боришга ишонмай, расмий тарзда ишлашни талаб қилиб тўнғиллайверади.

Қўзғалувчи тип

Бундай типдаги одамлар физиологик қизиқиш таъсирига тушиб қолиб ўз-ўзини бошқара олмайди. Унга юқори даражадаги импульсивлик, инстиктивлик (сезувчанлик) қўполлик, эзмалик, жizzакилик, сўкиниш, жанжалкашлик характеристи хос. Жанжални бошлаб қайсарлик билан тортишади. Бирдан аччиқланиб жигилдони қайнаб, жамоа билан кешиша олмай ишини тез-тез ўзгартиради. Уларнинг ишига бўлган ҳеч қандай қизиқиш бўлмайди. Ишига фақат мажбурлигиданбориб келади, ўрганишни хоҳлади. Келажаги билан эртанги кунини ўйламасдан фақат бугунги кунидан фойдалниб яшашни яхши кўради. Унинг ғазаби кўтарилса тўхтатиш мушкул бўлиб, атрофдагиларга хавф туғдириши мумкин. У бошқарувчилик, раҳбарлик қобилиятига эга бўлиб, мулоқотга ўзидан заифроқ одамларни танлайди.

Темперамент акцентуацияси

Гипертим тип

Бундай типдаги одамлар кучли ҳаракатчанлиги, мулоқотга тез кириша олиши, кўпгаплиги, фикрини етказишида жестдан, мимикадан кўп фойдаланувчанлиги, жуда беғараз, тентаклик, тўполнончиликка мойиллиги бошқалар билан муносабатда масофани сақлаш ҳисларнинг бўлмаслиги билан ажралиб туради. Кўпинча бошланган гапдан бирдан боштортади. Борган жойида кўпинча шовқин кўтаради, тенгдошлари орасида бўлишни яхши кўради, уларни бошқаришга интилади. Улар деярли ҳамма вақтда жуда кўтаринки кайфиятда бўлиб ўзини жуда яхши сезади. Юзи қувнаб туради, уйқуси меъёрда, иштаҳаси яхши, овқатни яхши иштаҳа билан ейди, ҳаётнинг бошқа қувончлари билан ҳам яшайди.

Бу одамлар хушкайфият, енгилтабиат, вазминсизлик, ўзига юқори баҳо берадиган ва шунинг билан бирга ишчан, ташаббускор, ажойиб сұхбатдош одамлар. Мустақил беғараз ишлашга ҳаддан ташқари интилиши-қарама-қаршиликларга олиб келиши мүмкин. Улар кучли қаршилик ва күнгилсизликларга учраганда, дарров аразлайды. Янада беодоблик ишларини қилишга мойил. Ўзининг вазифаларига жиддийлик билан ёндашишни билмайды. Улар бир хил ишларни бажариш, мажбурий ёлғизлик ва қаттиққұллик билан талаб этилган тартиб қоидаларни қийинчилик билан қабул қиласы.

Дистим тип

Бу типдаги одамлар жиддийлиги билан, ҳаттоқи кайфиятнинг түшкүнлиги, секин ҳаракатланишлари, эркининг заифлиги, бўшроқлиги билан ажralиб туради. Улар учун келажакка пессимистик муносабат ўзига хос баҳо бериш, шунингдек, паст муносабат, сұхбатда камгаплик, ҳаттоқи индамаслик хислатлари хос. Бундай одамлар уйдан чиқмайдиган, ўзига хосликка эга одамлар. Одатда ўзини қўпчилиқдан, шовқинли мухитдан олиб қочиб “кулфланган” тарзда ҳаёт суришга йўналтиради. Кўпроқ тушкунлик, караҳтлик, ҳаётнинг қоронғи тарафларига мойил бўлади. Улар ўзига бўйсунишга ҳам ёрдам беришга тайёр бўлган одамлар билан чин күнгилдан дўст бўлади. Улар ҳақиқатгўй бўлгани билан аста (секин)лик билан шошилмасдан фикр юритади.

Хавотирли тип

Бу типдаги одамларга мунгли кайфият, ҳаяжонланиш, ваҳимачилик, ўзига ишонмаслик хос бўлиб келади. Хавотирли типдаги болалар кўпинча қоронгулиқдан, ҳайвонлар билан жониворлардан, шунингдек, бир ўзи ёлғиз қолишдан қўрқади. Улар ўзларининг шовқинли ва тенгдошларидан четроқ бўлиб, шовқинли ўйинларни ёқтирамайди. Назоратлар, текширишлар, имтиҳонлардан қийналади. Кўп ҳолларда таълим жараёнида синфдошлари олдида жавоб беришга қийналади. Катталарга ўз ихтиёрлари билан дарров бўйсунади, ёши улуғларнинг гапини кўтара олмай айбдорлик ҳиссини пайдо этиши, нима қилишни билмасдан ийғлаши ҳам мүмкин. Уларда мажбурийлик, масъулият ҳислари, юқори маънавий ва одоб –ахлоқ талабларига масъулият эртадан ривожланади. Қўлидан келадиган ишчанлиги орқали камчиликларини яшириб кўпинча ўзининг уқувлилиги орқали қадрини

күтариши мумкин. Болалигидан бўлган аразчилик хафачилик, сезгирилик, уятчанлик, бошқалар билан яқин бўлишга панд беради. Масхара қилгандай кўтара олмайди, ўзини ҳимоя қила олмаслиги шубҳаланишга олиб келади, нотўғри айблар олдида ҳақиқатни айта олмайди. Ёнидагилар билан зиддиятларга боравермайди, улар орасида пассив роль бажариб зиддиятли вазиятларда ўзига ёрдам ва таянч излайди. Улар ўз ўзини танқидга олиш, масъулият, дўстона муносабат хислатига эга. Гоҳида ўзларининг заифлигидан ҳамманинг ҳазилига айланиб, ҳазилнинг нишонасига айланиб қолади.

Экзальтик тип

(ҳис+ортиқча таъсирланиш, кўзғалувчанлик). Қаттиқ қувонч, шодланиш, шунингдек, жилмайиб юриш, баҳт туйғуси, роҳатланиш ҳислари бу типнинг алоҳида белгилари. Улар қувончли ва қайгули воқеалардан ҳам хафа бўлади. Ўнга кўпроқ мулоқотга тез киришиш, гапга чеварлик, яхши кўриб қолувчилик хислатлари хос. Бундай одамлар ҳар доим тортиниб қаршилик кўрсатади, бироқ улар юзма-юз очиқчасига қаршилашмайди. Зиддиятли вазиятларда ҳам актив, ҳам пассив бўлиш имкониятига эга. Улар дўстлар ва яқинларига боғланиб қоладилар. Ўзгаларнинг дардини ўйлайдиган кўнгилчан бўлиб, ҳисларини яширамайди. Ҳаяжонланиш, шошқолоқлик бўлиши ҳам мумкин. Бир вақтнинг ўзида юқори кайфиятдан тушкун кайфиятга осон ўтиши мумкин. Улар лабиллик психикасига эгадирлар.

Эмотив тип

Бу тип экзотик типга яқин бўлиб, бироқ унга қараганда унчалик кучли, тўлқинли эмас. Уларга эмоционал сезгирилик, хавотирлилик, гапдонлик, кўрқоқлик хос бўлиб нозик туйғуларда чукур таъсирлар бўлади. Янада ажратиб кўрсатадиган белгисининг бири-уларнинг одамгарчилиги. Бошқа одамларнинг қувончига шерик бўлади, ҳайвонларга ғамхўрлик қиласиди. Раҳмдил, меҳрибон, юмшоқ хулқли, самимий бўлиб ўзгаларнинг ютуқларига бирга қувонади. Улар ҳиссий, таъсирчан, йиғлоқи бўлиб бошқа типдаги одамларга қараганда хоҳлаган ҳаёт тарзининг реал мазмун – моҳиятини қабул қиласиди. Ўсмирларга фильмлардаги кимларнингдир хавф-хатарга йўлиқиши тўғрисидаги кўринишлар уларга кучли таъсир этиши ва кўп вақтгача унута олмай, ҳаттоқи уйқусини ҳам бузиши мумкин.

Зиддиятларда унча иштирок этмайди, гина – кудратни ичидә сақлаб, ташқарига чиқармайди.

Уларга масъулиятлилик ҳислари хос. Улар ўсимликлар ўстиришни, жониворларга қарашни яхши кўриб, табиатга авайлаб муносабатда бўлади.

Циклотим тип

Бу гипертим ва дистим ҳолатининг ўзгарувчанлиги билан характерланади. Уларга кайфиятнинг маълум бир вақтда тез-тез ўзгариб туриши хос бўлиб, шунингдек ташқи муҳитдан ғаразлиги билан ажралиб турди. Қувончли воқеалар уларда ишчанликни, гапдонликни, ғояларни келтириб чиқаради, қайғули воқеалар, реакция ва ўйларнинг патланиши, атрофдаги одамлар билан муносабатнинг бирдан ўзгариши билан характерланади. Ўсмири даврида циклотим акцентуациясининг типик ва лабилликнинг икки вариантини аниқлашга бўлади. Типик циклоидлар одатда болалиқда гипертим бўлиб кўринади, бироқ вақтнинг ўтиши билан уларда чарчоқ, ҳолсизлик сезилади. Аввал осон бажарилган ишлар энди ундан куч билан ишлашни талаб этади. Аввал чаққон, ҳаракатчан бўлган булса, энди уйидан чиқмайдиган бўлиб, иштаҳаси пасаяди, уйқусизлик ёки уйқучанлик сезилади. Бирор тарафидан ту-шунтириш берилса, кўнглига олиб, тез аразлайди, ҳаттоқи хафақон муносабатда бўлади, бироқ ундан дардга йўлиқиб кучнинг депрессияга тушиш ва жонига қасд қилиш ҳаракатини ишлаши мумкин. Уқиши узлуксиз бўлмайди, қолдиргандарига қийинчилик биланулгуради, бора-бора ўқишни ёмон кўра бошлайди. Лабилли циклоидларда кайфиятнинг ўзгариш фазалари типик циклоидга қараганда бирмунча қисқа бўлади.

Бахтсиз кунлари ёмон кайфиятда бўлади. Яхши кайфиятда бўлса жамоада бўлиб дўстлар орттиргиси келади. Кайфияти ўз-ўзини баҳолашга таъсир этади.

Илова 4. А. Басс ва И. Даркнинг агрессия шакллари ва унинг кўрсаткичларини диагностика қилиш методикаси

Таъқидларни ўқиш ёки эшитиш давомида улар сизнинг ҳаёт тарзингиз, хулқ-атворингизга қанчалар мос келишига қараб қуидаги тўртта жавобдан сизнинг ҳолатингизга мос тушадиганини белгиланг: «ҳа», «ҳа» десам ҳам бўлаверади», «йўқ», «йўқ, десам ҳам бўлаверади».

1. Гоҳи - гоҳида кимнингдир жонини шундай оғритгум келади-ки, бу истакни ҳеч ҳам енголмайман.
2. Баъзан ўзимга ёқмаган одамлар ҳақида гап сотишим мумкин.
3. Менинг жаҳлим тез, бироқ жаҳлдан тушишим жудаям осон.
4. Мендан яхшиликча сўралмаса илтимосларни бажармайман.
5. Мен ўзимнинг ҳақимни ҳар доим ҳам ундира олмайман.
6. Одамлар орқаворотдан мен ҳақимда гап-сўз қилишларини биламан.
7. Бировлар хатти-харакатини маъқулламасам – бу нарсани уларга секингина сездириб қўяман.
8. Кимнидир алдашга мажбур бўлиб қолсам, виждоним қийналади.
9. Мен ҳеч кимга қўл кўтара олмасам керак.
10. Мен ҳеч қачон қўлга илинган нарсани отиш даражасида жаҳл қилмайман.
11. Бировларнинг камчиликларига доимо кўнгилчанлик билан қарайман.
12. Агар ўрнатилган тартиб менга ёқмаса, уни бўзгим келади.
13. Одатда, баъзи одамлар фурсатдан фойдаланиб ўз ишини тўғрилаб олишни яхши билишади.

14. Күтганимдан ортиқ илтифот күрсатаётган сермулозамат одамлар мени улардан эхтииёт бўлишга ундаиди.
15. Одамлар билан кўпинча муроса қилолмайман.
16. Аҳён-аҳён ўзимни ҳам уялтирадиган ўй-фикрлар миямга келиб туради.
17. Менга тарсаки тортган кишига тарсаки билан жавоб бермайман.
18. Жаҳлимни чиқаришса эшикни қарсллатиб ёпаман.
19. Мен ювош кўринсамда, аслида жаҳлдорман.
20. Агар кимдир ўзини раҳбардай тутмса, атай унга қарши хатти-ҳаракат қиласман.
21. Қисматим мени бироз ранжитади.
22. Мени кўплар ёқтиирмаса керак деб ўйлайман.
23. Кимлардир фикримга қўшилмаса - тортишмай туролмайман.
24. Ишдан бўйин товлаганлар ўз айбларини ҳис қилишлари лозим.
25. Мени ёки менинг оиласманни мендан кўрадиганини кўрадиган кишигина ҳақорат қилиши мумкин.
26. Қўпол ҳазилларга мойил эмасман.
27. Устимдан кулишса жаҳлим чиқади.
28. Кимлардир кибрга берилиб, ўзгаларни оёғини учи билан кўрсатса, уларнинг попугини пасайтириб қўйиш қўнимдан келади.
29. Деярли ҳар ҳафта ўзимга ёқмаган кишилардан бирортаси билан тўқнаш келаман.
30. Аксарият одамлар менга ҳасад қиласди.
31. Одамлардан ҳурматимни жойига қўйишларини талаб қиласман.
32. Ота-онамга кўнгилдагидек қараша олмаганим учун эзиламан.
33. Муттасил жонингдан тўйдирадиганларни жағига бир туширсанг арзийди.

- 34.** Гоҳида жаҳлим чиқса қовоғимдан қор ёғади.
- 35.** Гарчи одамлар менга, аслида ўзим арзиганимдан ҳам ёмон муно-сабатда бўлсалар-да хафа бўлмайман.
- 36.** Кимдир жигумга тегишига ҳаракат қилса ҳам мен унга парво қилмайман.
- 37.** Ошкора намойиш қилмасамда, баъзан ичимда куйинаман.
- 38.** Баъзан одамлар менинг устимдан кулишаётгандай туюлади.
- 39.** Минг аччиғум чиқсада, болохонадор қилиб сўка олмайман.
- 40.** Гуноҳларим аеф этилишини истар эдим.
- 41.** Кимдир мени урган тақдирда ҳам, камдан кам холларда унга жавоб қайтараман.
- 42.** Баъзи ишлар менинг айтганимдай бўлмаса хафа бўламан.
- 43.** Баъзан одамларнинг борлиги ҳам ғашимга тегади.
- 44.** Мен чинакамига нафратланадиган одамнинг ўзи йўқ.
- 45.** Менинг шиорим: «БЕГОНАЛАРГА ИШОНМАСЛИК КЕРАК!»
- 46.** Кимдир жигумга тегса, у ҳақда ўйлаганларимни юзига айтишгача бораман.
- 47.** Қилиб кўйган кўплаб ишларимдан кейинчалик пушаймон ейман.
- 48.** Аччиғум чиқса, мушт туширишдан ҳам қайтмайман.
- 49.** Мен болалигимдан ғазабимни яшириб яшашига ўрганганман.
- 50.** Кўпинча ўзимни сабр косам тўлиб кетгандай ҳис қиласман.
- 51.** Одамлар мен нималарни ҳис қилаётганимни билишгинда эди, мени муросасиз, ҳарактери оғир инсон деб ҳисоблашган бўлар эди.
- 52.** Одамлар менга нима сабабдан яхшилик қилишар экан, деб ўйлаганим ўйлаган.
- 53.** Менга бақирсалар, мен ҳам овозимни баландлатаман.
- 54.** Муваффақиятсизликлар мени қайғуга солади.

- 55.** Жанжалкашлигим бошқаларни кидай: күп ҳам эмас, оз ҳам эмас.
- 56.** Газабдан құлымга илинган нарсану отиб синдираган пайтларим ҳам бўлган.
- 57.** Баъзан айнан ўзим биринчи бўлиб жанжал чиқаришим мумкинлигини ҳис қиласман
- 58.** Баъзан қисмат менга нисбатан адолатсиз бўлаётгандаи тувлади.
- 59.** Авваллари одамларни самимий деб билардим, энди эса— йўқ.
- 60.** Газаблансангина сўкинаман.
- 61.** Нотўғри иш қилсан виждоним қийналади.
- 62.** Ўз ҳақ-хуқуқимни ҳимоя қилиш учун жисмоний куч ишлатиш лозим бўлса-ишлатаман.
- 63.** Баъзан аччиқ устида столни муштлайман.
- 64.** Ўзимга ёқмаган одамларга нисбатан қўполроқ бўламан.
- 65.** Менга зиён етказишини истайдиган душманим йўқ.
- 66.** Жазога лойиқ одамни жазолаш қўлимдан келмайди.
- 67.** Кўпинча нотўғри ҳаёт кечирганлигимни ўйлаб қоламан.
- 68.** Жаҳлимни чиқариб мени муштлашишгача олиб бориши мумкин бўлган одамларни биламан.
- 69.** Арзимаган майда-чуйдаларга ранжимайман.
- 70.** Одамлар менинг жигумга тегишишмоқчи ёки ҳақоратлашмоқчи деган ўйлар камдан кам ҳолларда миямга келади.
- 71.** Кўпинча амалга оширмасамда дўқ-пўписа қилиб қўяман.
- 72.** Охирги вақтда эзма бўлиб қолдим.
- 73.** Бахслашаётганимда овозим ўз-ўзидан баландлаб кетади.
- 74.** Одамларга нисбатан ёмон муносабатда эканимни яширишга ҳаракат қиласман.
- 75.** Тортисишиб ўтиргандан кўра, кўниб қўя қоламан.

Маълумотларни қайта ишлаш жараёнида «ҳа» ва «ҳа» десам ҳам бўлади» жавоблари бир хилда, яъни «ҳа» каби ҳисобга олинади, шунингдек «йўқ» ва «йўқ» десам ҳам бўлади» жавоблари ҳам бир хилда, яъни «йўқ» каби ҳисобланади.

1-Калит

Сўровнома натижаларини қайта ишлаш.

1. Жисмоний агрессия (K=11)

1+ ; 9 - ; 17 - ; 25 + ; 33 + ; 41+ ; 48+ ; 55+ ; 62+ ; 68+.

2. Вербал агрессия (K=8)

7+ ; 15 + ; 23+ ; 31+; 39 - ; 46+; 53+; 60+; 66 -; 71+; 73+; 74 -; 75 -.

3. Орқаворотдан (бильвосита) бўладиган агрессия (K=13)

2+; 10+; 18+; 26 -; 34+; 42 +; 49 -; 56+; 63+.

4. Воқеъликка салбий муносабатда бўлиш, инкор этиш (Негативизм) (K=20)

4+; 12+; 20+; 28+; 36 -.

5. Жizzакилик (K=9)

3+; 11 -; 19 +; 27+; 35 -; 43+; 50+; 57+; 64+; 69 -; 72 +.

6. Сергумонлик (K=11)

6+; 14+; 22+; 30+; 38+; 45+; 52+; 59+; 65 - ; 70 -,

7. Ранж (K=13)

5+; 13 +; 21+; 29 +; 37+; 44+; 51+; 58+.

8. Айбдорлик ҳисси (K=11)

8+; 16 +; 24 +; 32+; 40 +; 47+; 54+; 61+; 67+.

«-» белгили саволлар жавобларини қайд қилаётганда агар жавоб «ҳа» бўлган бўлса «йўқ» дея, агар «йўқ» бўлса «ҳа» каби қайд қилиниши талаб этилади.

Баллар йигиндиси ҳар бир агрессивлик параметрида күрсатилган коэффициентта күпайтирилгач, улар солиширишга қулай меъёрий күрсаткичларга айланади.

Суммар күрсаткичлар:

(1+ 2 + 3) / 3=ИА (Агрессия индекси)

(6+ 7) / 2 =ИАд (Адоватлилик индекси)

- 1.** Жисмоний агрессия – бошқа бир одамга қарши жисмоний күч ишлатиш.
- 2.** Вербал агрессия – салбий ҳис-туйғуларни оғзаки тарзда ифодалаш (жанжал, қий-чув солиш, сүкениш, таҳдид, лаънат айтиш, қарғыш кабилар)
- 3.** Орқаворотдан бўладиган ё билвосита агрессия – бошқа шахсга қаратилган ғийбат, пичинг кўринишидаги билвосита олинадиган алам, нафрат йўналишнинг аниқланмаганилиги ҳам бўлиши мумкин (ер тепиш, бақириб-чақириш)
- 4.** Негативизм (воқеъликка салбий муносабатда бўлиш, ҳамма нарсани инкор этиш) – раҳбарият ёки обрўга қарши йўналган хулк-автор, талаб, тартиб, қонунларга қарши пассив монеълиқдан фаол хатти-ҳаракат даражасигача бориб этиши мумкин.
- 5.** Жиззакилик - жиззакиликка мойиллик, арзимаган нарсага портлаб кетиш, кескинлик, қўполлик қилиш.
- 6.** Сергумонлик - ишончсизликка мойиллик, одамлар билан эҳтиёт бўлиб муносабатга киришиш, атрофдагилар зарар етказиши мумкин, деган ўй билан яшаш.
- 7.** Ранж - кимдандир ёки бутун оламдан аламзадалик, хаёлан ёки чиндан ҳам келтирилган изтироб, ғазаб, атрофдагиларга нисбатан нафрат, ҳасаднинг намоён бўлиши.
- 8.** Аутоагressия - ўзи ва атроф-муҳит ўртасидаги муносабатларда кузатиладиган айборлик ҳисси, ўзига қарши қаратилган ҳатти-ҳаракат, яъни ўзини айлаш, мен ундоғман, мен бундоғман, деб ич-этини ейиш.

Жисмоний, нисбий агрессиялар, асабийлик, вербал агрессия - агрессив реакциялар индексини ташкил қиласди; аламзадалик ва шубҳалашибниш эса қаршилик реакциясини ифодалайди.

Агрессив реакцияларни А. Басс 2 турга ажратган. Унинг таъкидлашича, маълум одамга йўналтирилгган “ташқи” реакция “агрессия”ни ифодаласа, атрофдагиларга қарши бўлиш, фикрларига кўшилмаслик, тартибни бузиш, ишончсизлик, ички шубҳаланиш “қаршилик” ни билдирар экан.

Амалиётчи психолог агрессив ҳолатдаги ўқувчиларни аниқлашда уларнинг шахсий характер хусусиятлари, хулқ-атвордаги айrim та-вофтларни, шу билан бирга “тарбияси оғир ўқувчи” деб танилган болаларнинг шартли типологиясини билиш шарт.

Шундай экан, Басс-Дарки сўровномаси билан биргаликда сизга К.Левитиннинг “Хавф-хатарга мойиллик тести” ни ҳам тавсия қиласиз.

Ушбу тест ёрдамида Сиз ўсмирнинг хавфдан қўрмаслик даражаси, унинг мойиллик даражасини ўрганишингиз мумкин.

Илова 5. “Хавф-хатарга мойиллик тести”

Ф. И. Ш.:

Жинси:

Ёши:

Ота - онасининг иш жойи:

Кўрсатма!

Берилган саволларга жабобни жадвалдаги тегишли катақчада (+) белгиси билан ифодалашингиз лозим. Диққат билан саволни ўқинг, маъқул келган жавобни белгиланг.

Саволлар

1. Аҳволи оғир bemорга тезроқ ёрдам кўрсатиш учун машинада тезликни белгилangan тезликдан оширишингиз мумкинми?
2. Хавфли жиноятчининг қочишга тўсқинлик қилиб, йўлини тўсишингиз мумкинми?
3. Соатига 100 км йўл босиб ўтаётган поезднинг товар вагони ортига осилган ҳолда кетишингиз мумкинми?
4. Биринчилар қаторида (айтайлик туристик саёҳат давомида) совуқ дарёни сузиб ўтишингиз мумкинми?

5. Қафасдаги шер олдига унинг ўргатувчиси билан бирга киришга журъат этасизми?
6. Ҳеч қандай машқларсиз елканли қайиқни бошқариш қўлингиздан келадими?
7. Маъмуриятнинг буйруғи асосида фабриканинг энг баланд трубасига чиқа оласизми?
8. Чопиб кетаётган отнинг йўлини тўсиб, жиловидан ушлаган холда тўхтатишингиз мумкинми?
9. Яқиндагина оғир автохалокатни бошдан кечирган дўстингиз бошқарувидаги машинада узоқ саёҳатга чиқишингиз мумкинми?
10. 10 метрли баландликдан ўт ўчирувчилар тентига сакрашингиз мумкинми?
11. Ётоқ режимидаги оғир хасталиқдан холос бўлиш учун ўта хавфли операцияга розилик берармидингиз?
12. 6 кишига мўлжалланган лифтга 8 чи бўлиб чиқишига журъат этасизми?
13. Раҳбарингизнинг юқори кучланишли симни “токсизлантирилган”, дейишига ишониб, шу симни қўлга олишингиз мумкинми?
14. Бирламчи тушунтиришлардан сўнг ёлғиз ўзингиз вертолётни бошқара оласизми?

Жавоблар

“Ҳа”	“Йўқ”дан кўра кўпроқ “Ҳа”	Жавоб бериш қийин	“Ҳа”дан кўра кўпроқ йўқ	“Йўқ”
------	---------------------------	-------------------	-------------------------	-------

Жавобларнинг балларини қуийдагича хисоблайсиз

“Ха”	5 балл
“Йўқ” дан кўра кўпроқ “Ха”	4 балл
“Жавоб беришнгиз қийин”	3 балл
“Ха” дан кўра кўпроқ “Йўқ”	2 балл
“Йўқ”	1 балл

Мазкур тест ўсмирнинг хавф - хатарга мойиллигини аниқлашга ёрдам беради. 60 балл ва ундан ортиқ балл тўплаган ўсмирнинг хавфга мойиллик даражаси юқори бўлади. Улар педагогнинг доимий назоратида бўлишилари шарт. 25 балл ва ундан паст балл тўплаган ўсмирлар эса нисбатан эҳтиёткор бўлади ва уларнинг хавф - хатарга йўналганлик даражаси суст бўлади.

Ушбу тестнинг қулайлиги шундан иборатки, тадқиқотчи саволларни ўқиб бериши, ўқувчилар эса қоғозга балларни белгилаб жавоб беришлари мумкин. Шунингдек, натижани хисоблаш осон.

Амалиётчи психолог кузатиш, тест, анкета, сўровномалар орқали ўсмирларнинг оғир характеристарини аниқлашга ҳаракат қиласи. Мазкур тест ва Басс-Дарки сўровномаси уларга бу масъулиятли ишда яқиндан ёрдам беради деган умиддамиз. Шу билан бирга ўқувчилар орасида агрессивлик хулқ-атворини ўрганишга катта ҳисса қўшадиган турли иншолар олиниши мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан: **“Сизни хақорат қилган, хақ - ҳуқуқларингизни поймол қилган одамга муносабатингиз ва жазоингизни тасаввур қилинг”** мавзусида ёзилган иншони таҳлил қилиш мумкин бўлади.

Ўқувчи бу ижодий иш орқали ўзининг ички ҳис туйғуларини агрессивлик хулқ- атвор хислатларини намоён этади. Амалиётчи психолог сифатида эса сиз усталик билан ўзингизга керакли маълумотларни тўплаб оласиз:

- фаолликнинг йўналганлик даражаси;
- объектив ва субъектив тўсиқларни бартараф этишдаги мотивацион хулқ.
- қийин вазиятларни ҳал этишда бола томонидан қўлланиладиган агрессив ва агрессив бўлмаган хатти-ҳаракатлар мажмуи.

Илова 6. Отa-оналарнинг ўсмир ёшли фарзандини тушуниш тести

Ушбу мақсадларда Ж. Пиаже ва И.С. Кон томонидан ўсмирлик ва ўспиринлик ёшларининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган тест методикасини қўллаш мумкин.

Методиканинг мазмуни ва ўрта мактабларнинг педагоглари томонидан қўлга киритилган натижалар муаллифнинг Ленинград давлат университетида 1986 йилда ҳимоя қилган номзодлик диссертациясида келтирилган.

Тавсия этилаётган тест фақат бир саволга : «катталар ўсмирлик ва ўспиринлик ёши психологиясини биладиларми?» деган саволга жавоб олишга имкон беради. Бу ўринда «катталар» ибораси кенг маънода ишлатилади, бу ота-оналардан ташқари, ўқитувчилар, мураббийлар ва бошқалардир.

Методикага қуйидаги йўриқнома берилади: «Сизга ҳавола этилаётган сўровномадаги саволларга қўшилишингиз ёки қўшилмаслигинги, ёхуд нейтрал муносабат билдиришингиз мумкин.» Агар Сиз берилган фикрга қўшилсангиз, ўша жумланинг охирига «+» белгисини; норози бўлсангиз ёки қўшилмасангиз - «-» белгисини; аниқ жавоб беришга қийналсангиз - «?» белгисини қўйинг.

Изоҳ: таклиф этилаётган фикр-жумлаларда «бола», «ўсмир» ва «катталар» иборалари учрайди. «Бола» деганда, ўрта мактабнинг бошланғич синфлари ўкувчилари назарда тутилади; «ўсмирлар» деганда - 14-15 ёшдан 21 ёшгача бўлганлар ва «катталар» деганда - 25-45 ёшлар оралиғидаги одамлар назарда тутилади.

Тестнинг мазмуни

1. Юзакилик - ўсмирларнинг ўзига хос сифатидир.
2. Катталарга нисбатан ўсмирлар кўп нарсаларни мавхумлаштиришга мойил бўладилар.

3. Агар ўсмирлар кўпроқ айни борлиқ (аллақачон бор нарсалар) тўғрисида ўйласалар, катталар биринчи ўринда бўлиши мумкин бўлган (келажақда бўлиши мумкин бўлган) истиқбол режаларини илгари сурадилар.
4. Ўсмирлик даврига фикрлардаги қатъийлик хосдир.
5. Катталар ўсмирларга нисбатан инсон хулқига оид бўлган умумий қоидалар ва тамойилларни излашга мойил бўладилар.
6. Ўсмирлар ўз билим даражалари ҳамда ақлий имкониятларини ошириброқ баҳолашга мойилдирлар.
7. Таълим ва тарбия жараёнида ўсмирларга нисбатан болаларга кўпроқ индивидуал ёндашув зарур бўлади.
8. Ҳиссиётларга берилувчанлик ва эмоционал танглик - ўсмирлик даврининг ўзига хос томонидир.
9. Юмор ҳисси ўсмирлик давридан кўра кўпроқ болалиқда пайдо бўлиб, намоён бўлади.
10. Болаларга нисбатан олиб қаралганда, болалиқда мавҳум нарслар тўғрисидаги сухбатлар ва тортишувлар кўпроқ бўлиб туради.
11. Катталар орасида ўсмирларга нисбатан бўшашган - меланхоликлар кўпроқ учрайди.
12. Бадиий асарларда ўсмирларни кўпроқ қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари ва ходисаларга алоқадор ўй-фикрларидан кўра, уларнинг аниқ хатти-ҳаракатлари ва жараёнлар қизиқтиради.
13. Болаларга ўсмирларга нисбатан ўзларини кўрсатиш, бошқалардан фарқли томонларини намоён этишлик хосдир.
14. «Ёлғизлик ҳисси» - ўсмирлик даврига хос ҳиссиётдир.
15. Вақт ўтишини субъектив тарзда ҳис этиш аниқлиги ёш ўтган сари пастлаб боради.
16. Ташқи қиёфа ва ўйнинг жисмонан ривожланиши болаларга нисбатан ўсмирларни кўпроқ ўйлантиради.
17. Ўсмирнинг ақлий салоҳияти паст бўлса, унинг ўзидан норозилиги ҳам ортиқ бўлади.

- 18.** Иродавий сифатларнинг (берилиувчанлик, қатъиятсизлик ва б.) етарли даражада ривожланмаганлиги ўсмирнинг ўзига баҳосини белгиловчи хусусиятдир.
- 19.** Ўсмирлар педагоглардаги инсонийликни (самимият, ўзгаларни тушуниш ва б.) уларнинг профессионал маҳоратларидан юқори қўядилар.
- 20.** Ўсмирлар жамоага нисбатан ўта юқори талабларни қўйишга мойилдирлар.
- 21.** Ўсмирлар ўз ўқитувчилари билан ўрната олган яхши муносабатларини педагогларнинг ўзларига нисбатан юқорироқ даражада қадрлайдилар.
- 22.** Ўсмирларда ўзаро муносабатлар билан боғлиқ қийинчиликлар болалар ва катталарга нисбатан кўпроқ намоён бўлади.
- 23.** Ўсмирлар бадиий адабиётдан кўра мусиқага кўпроқ қизиқадилар.
- 24.** У ёки бу нормалар ва қоидалари асосида ўз ҳаётини ташкил-лаштиришга интилиш ўсмирларга нисбатан катталарга хосдир.

Тадқиқотда қатнашган катталарга одатда сўровнома қўйидагича (варақ билан берилади):

Сана:

Ф. И. Ш.:

Туғилган йили:

Лавозими ва иш жойи:

Маълумоти:

Маълумотларни қайта ишлаш учун калит

Савол №	Жавоб	Савол №	Жавоб
1	+	13	-
2	+	14	+
3	-	15	-
4	+	16	+
5	-	17	-
6	+	18	+
7	-	19	+
8	+	20	+
9	-	21	-
10	-	22	+
11	-	23	-
12	-	24	-

Йўриқномага кўра, агар жавоб берувчи шахс у ёки бу саволга жавоб беришга қийналса, «?» белгисини қўйиши мумкин, бундай ҳолатларда ушбу жавоб «калит»га мос келмаган тарзда шарҳланади.

Натижалар ҳисобланадиган пайтда ҳар бир калитга мос келган жавобга 1 балл, ва мос келмаганига 0 балл берилади, ҳар бир текширилувчининг тест натижалари («хом» бирликлар) сўнгра стандарт (Т-бирликлар) натижаларга кўчирилади.

«Ҳомаки» бирликларни стандарт бирликларга кўчириш жадвали

«Ҳомаки» бирликлар	T-бирликлар	«Ҳомаки» бирликлар	T-бирликлар
1	14	13	53
2	17	14	57
3	20	15	60
4	23	16	63

5	27	17	67
6	30	18	70
7	34	19	73
8	37	20	77
9	40	21	80
10	43	22	83
11	47	23	87
12	50	24	90

Стандарт бирликлар катталарнинг ўсмирлик психологиясини билишининг уч даражасини билдиради:

паст даражада	40 ст. бирлиқдан кам
ўрта даражада	40-60 ст.б.
юқори даражада	60 ст. б.дан ортиқ

Ўсмирлик психологиясини ўрта даражада билувчи текширилувчилар одатда кўрган-кечиргандарни борича, қандай бўлса, шундайлигича баҳолашга ўргангандардир. Юқори даражада билувчилар эса одатда маҳсус тайёргарликка эга бўлган, баҳолашда одатий кундалик мушоҳада доирасидан келиб чиқиб фикрловчилардир. Ўсмирлар психологиясини паст даражада билувчилар эса ушбу масалада сохта «назарийлашган» билимлар эгаларидир.

Масалан, 2-савол бўйича ўсмирларнинг мавҳум - назарийлашган билимларга мойиллигини баҳолаганда, шу нарсадан келиб чиқадики, гёёки, назарийлашув - катталарга хос бўлган машғулот. Бу нотўғри хулоса, зеро, «назарийлашганлик»ни мавҳум тушунчалар доирасида фикрлашга мойиллик тарзида ўсмирлар ва ўспиринларда шакллана бошлаган объектив аҳамият касб этган илмий назариялар ва концепцияларни тушунишдан фарқлай олиш керак.

Бошқа бир нотўғри ва сохта фикр бу - болаларга ўсмирлар ва ўспиринларга нисбатан кўпроқ индивидуал ёндашув зарур, деган фикр (7-савол). Бу фикр ёш болаларга кўпроқ ғамҳўрлик лозимлигидан келиб чиқсан, чунки ўсмирлар уларга нисбатан камроқ ғамҳўрликка муҳтождирлар.

Яна нотўғри (эътироф этиладиган) жавоб 9 саволда бўлиши мумкин, яъни, «Юмор ҳисси ўсмирлик давридан кўра кўпроқ болалиқда пайдо бўлиб, намоён бўлади» деганда, шу нарса назарда тутилганки, болаларда ўсмир ёки ўспиринларга нисбатан ажабтовур ҳодисалар кўпроқ учрайди, чунки улар шўхроқ ва ҳар нарсага қизиқадиганроқ. Бу ўринда юмор ҳисси ташки кузатиб кўриладиган хатти-ҳаракат эмас, балки шахснинг фазилати сифатида қаралади.

Шундай қилиб, жавобнинг ўзидан ҳам кўра, жавобга асос бўлувчи омилни билиш бу ерда муҳимдир. Мазкур тест ота-оналарнинг ўз фарзандлари ёшига мос бўлган хусусиятларни нечоғли билишларини англашга имкон беради. Нотўғри жавобларни таҳлил қилиш эса улар билан олиб бориладиган тарбиявий ишларнинг йўналишини белгилашга имкон беради.

Фойдаланган адабиётлар

1. Каримов И.А. «Юксак маънавият – енгилмас куч». – Т.: Маънавият, 2008.
2. Каримов И.А. «Ўзбекистоннинг ўз истиқпол ва тараққиёт йўли»// Ўзбекистон: миллий истиқпол, истисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Т.: Ўзбекистон, 2006.
3. Амбрумова А.Г., Тихоненко В.А. Суицид как феномен социально – психологической дезадаптации личности. Актуальные проблемы суицидологии. М., 1978; с. 6-28.
4. Аптер А. Самоубийства и суицидальные попытки у молодежи. В кн.: Напрасная смерть: причины и профилактика самоубийств. М.: Смысл, 2005: с. 192-208.
5. Асадов Ю., Р. Мусурманов «Ўсмирлар девиант хатти – ҳаракатининг ижтимоий – психологик хусусиятлари. Тошкент – 2011. 16-23 б.
6. Власовских Р.В., Хальфин Р.А. Опыт применения многопрофильного подхода при работе с подростками, совершившими суицидальные действия. Журн. мед. критических состояний. 2005; 5: 9-26.
7. Гроллман Э. Суицид: превенция, интервенция, поственция. / Суицидология: Прошлое и настоящее: Проблема самоубийства в трудах философов, социологов, психотерапевтов и в художественных текстах.- М., 2001. - с. 123-126
8. Фозиев Э.Ғ. Умумий психология.-Т.: “Университет”, 2002
9. Фозиев Э.Ғ. Фаолият ва хулқ-атвор мотивацияси.-Т.: “Университет”, 2003.
10. Диагностика состояния агрессии (опросник Басса-Дарки) / Диагностика эмоционально-нравственного развития. Ред. и сост. Дерманова И.Б. - СПб., 2002

11. Жезлова Л.Я. К вопросу о самоубийствах у детей и подростков // Актуальные проблемы суицидологии: Сб. статей / отв. Ред. А.А. Портнов. - М., 1978. - с. 35-37
12. Игошкина С. Как предупредить попытку самоубийства // Воспитание школьников - 2002 - №1 - с. 31-37
13. Игумнов С.А. Психотерапия детей и подростков. - Ростов н/Д: Феникс, Минск: MET, 2005. - 288 с
14. Кондрашенко В.Т. Суицидальное поведение / Психология экстремальных ситуаций (сост. К. Сельчёнок, А. Тарас), - М., 1988. - 342 с.
15. Конончук Н.В. О психологическом смысле суицидов // Психологический журнал - Том 10 - 1989 - №5 - с. 95-102
16. Личко А.Е. Психопатология и акцентуации характера у подростков. – СПб., 2000. – С.23.
17. Леонгард К. Акцентуированные личности. Пер. с нем. - Ростов н\Д: Феникс, 2000. - 544 с.
18. Малкина-Пых И.Г. Экстремальные ситуации. - М.: Эксмо, 2002. -960 с.
19. Немов Р.С. Психология. В 2 частях. Часть 1. Москва 2003 г.- 67-72, 303 с
20. Немов Р.С. Психология. Часть 2. Москва 2003 г- 351 с
21. Нечипоренко В.В. Некоторые аспекты суицидального поведения у акцентуированных личностей в юношеском возрасте. Саморазрушающее поведение у подростков. Сб.науч. трудов. Л., 1991; с. 36-40.
22. Рогов Е.И. Настольная книга практического психолога. – в 2 частях. М. 1999.
23. Справочник психолога по работе в кризисных ситуациях. А.А. Осипова. – Ростов. Феникс, 2005 г. – 382-302 с.
24. Фоломеева Е. Город невезучих. Тренинг уверенности в себе для подростков. // Школьный психолог, 2006, №15
25. Франкл В. Психотерапия на практике - СПб, Питер, 1999. - 236 с.

